




САБЗАВОТЧИЛИККА
оид
СПРАВОЧНИК

10

6212

10 382



«УЗБЕКИСТОН» НАШРИЁТИ
ТОШКЕНТ—1973

Кейинги йилларда партия ва ҳукуматимиз қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларини, жумладан сабзавотчиликни ривожлантиришга ҳам катта аҳамият бермоқда. Шу боисдан агрономларга, колхоз ва совхозларнинг раҳбар ходимларига ҳамда қишлоқ хўжалик мутахассисларига ёрдам тариқасида «Сабзавотчиликка оид справочник» яратиш зарурити туғилди.

Справочникда келгусида сабзавот-полиз экинлари маҳсулоти, айниқса ёртаги сабзавотлар етиштириши янада қўпайтириш, ердан унумли фойдаланиш, сабзавот-полиз экинлари ва картошка навлари, ургичлик хўжалигини ривожлантириш, сабзавотчиликда минерал ўғитларни тўғри қўлланиш, сабзавот ва картошка етиштиришда механизациядан кенг кўламда фойдаланиш, плёнка остида сабзавот етиштириладиган майдонларни кенгайтириш, сабзавот-полиз маҳсулотлари ва картошкани сақлаш, сабзавотчиликда меҳнатни ташкил қилиш ва унга ҳақ тўлаш каби масалалар ёритилади.

Мазкур справочникни яратишида Сабзавот-полиз экинлари ва картошканлини илмий текшириш институтининг бир группа олимлари: И. Ю. Қаримов, А. Қ. Қаримов, О. Я. Фонина, М. Н. Қулакова, Х. З. Умаров, Я. Е. Хизкилов, А. Б. Боқиев, А. С. Ҳакимов, Қ. К. Луценкова, Н. Г. Кузнецова, О. М. Мўминов, П. С. Василенко, А. Г. Мартиненко, А. И. Расуловлар иштирок этдилар.

Хўрматли китобхонлар! Сабзавотчиликка оид ушбу справочник республикамида биринчи марта яратилиши, бинобарин, у айрим камчиликлардан холи эмас.

Китоб ҳақидаги фикр ва мулоҳазаларингизни ёзиб қўйидаги адресга юборишингизни сўраймиз.

Тошкент шаҳар, Навоий кўчаси, 30-уй. «Ўзбекистон» нашриёти.

Қишлоқ хўжалик фанлари кандидати *И. Ю. Қаримов* ва
иқтисод фанлари кандидати *А. Б. Боқиев*
таҳрири остида

Социалистик қишлоқ хұжалиги тараққиётининг юқори босқычига ассо солған КПСС Марказий Комитеттинг тарихий XXIV съезди қарорларида келгусида қишлоқ хұжалик экономикасини күтариш, маҳсулот мұл-күллигини яратыш ва халқимизнинг моддий фаровонлигини ошириш программаси белгиланған.

Бу вазифаларни амалга оширишда қишлоқ хұжалигининг барча тармоқларини изчиллик билан ривожлантиришнинг аҳамияти каттадир.

Тұққизинчи беш йиллікда бунинг учун жуда күп капитал маблағ ва моддий ресурслар ажратылмоқда. Жұмладан 1975 йилгача қишлоқ хұжалигига 1 млн. 700 минг трактор, 1 млн. 100 минг юк автомашиналари, 541 минг комбайн, 72 минг тонна минерал үфитлар ва умуман давлат томонидан 82,2 млрд. сүм маблағ ажратылды, бу эса сакқизинчи беш йиллікдегиге қараганда икки баробар күпdir.

Қишлоқ хұжалигини ривожлантиришга ажратылған бундай күп маблағ ва техникадан қандай фойдаланишга партия ва ҳукуматимиз бефарқ қарай олмайды, албатта. Шунинг учун ҳозир барча партия ва хұжалик раҳбар органларининг диққат-эътиборида техника, моддий ва мәңнат ресурсларидан унумлироқ фойдаланиш, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш вазифаси турибди.

Қишлоқ хұжалигыда техника тараққиети, деңқончикни химизациялаш, ишлаб чиқаришга фан ютуқлари ва илфорлар тажрибасини татбиқ қилиш, деңқон мәңнати характеристерини ҳар томонлама ўзgartыриб, уни ғындустириал ишчи мәңнаты дәражасигача күтарди.

Ўзбекистон меҳнаткашлари қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда катта ютуқларга эришдилар. Саккизинчи беш йилликнинг охирги йилида 4 млн. 666 минг тонна пахта, 994 минг тонна дон, 184 минг тонна картошка, 792 минг тонна сабзавот, 590 минг тонна полиз экинлари маҳсулоти етиштирилди ва давлатга сотиш планлари ортиғи билан бажарилди.

Партия ва ҳукуматимиз томонидан тўққизинч беш йилликда (1971—1975 й.) турли сабзавотлар ҳамда полиз экинлари етиштириш соҳасида янада юксак ва масъулиятли вазифалар белгиланди. Шунга кўра республикамизда 1373 минг тонна сабзавот, 950 минг тонна полиз экинлари маҳсулоти ва 420 минг тонна картошка етиштирилиши керак ёки 1969 йилга нисбатан сабзавотларни 597 минг тонна, полиз экинлари маҳсулотини 329 минг тонна ва картошкани 130 минг тонна ортиқ етиштиришимиз лозим.

Бу вазифаларни бажариш учун сабзавотчилик хўжаликларида деҳқончилик маданиятини кескин юксалтириш, экинлардан юқори ҳосил етиштиришда илфор технологияни жорий қилиш, сабзавоткор хўжаликларни ихтисослаштириш ва уларни жадал суръатлар билан ривожлантириш зарур.

Буларнинг ҳаммаси мутахассислардан ўз соҳаларида билимдон бўлишлари, ишлаб чиқаришни муттасил такомиллаштириб боришлари, фан ютуқлари ва илфорлар тажрибасини ишлаб чиқаришга дадиллик билан жорий қилишларини талаб қиласди.

САБЗАВОТ ЭКИНЛАРИНИНГ ҚИСҚАЧА БОТАНИҚ ТАЪРИФИ

Сабзавот инсоннинг нормал овқатланиши учун зарур бўлган маҳсулотлар ассортиментида муҳим ўринни эгалайди. Сабзавотлар таркибида организм учун энг зарур бўлган моддалардан карбон сувлар (крахмал, қанд, ёғ, оқсил) мавжуддир. Нўхат, ловия каби дуккакли экинлар, исмалоқ, гулкарам оқсилга, картошка эса крахмалга, полиз экинларидан қовун ва тарвуз қандга бойдир.

Сабзавотда бошқа маҳсулотларга қараганда витаминлар кўп бўлганлигидан унинг қиммати бирмунча юксакдир.

Овқатда витаминлар бўлмаганида ёки жуда кам бўлганида организмда модда алмашинуви бузилади. Натижада инсон ўсишдан қолади, ҳар хил касалликларга чалинади.

Сабзавотлар ичида пиёз, гулкарам, исмалоқ, кашнич барглари витаминга бойдир. Айниқса «Кольраби» карами таркибида витаминлар лимонга қараганда ҳам кўпроқдир.

Витаминлардан ташқари сабзавот маҳсулотлари инсон организми учун зарур бўлган темир тузлари, фосфор, кальций каби элементларга ҳам бойдир.

Сабзавот экинлари турли хил ботаник оиласига киради.

Итузумгуллилар (паслёновие) оиласига картошка, помидор, бақлажон, қалампирлар киради. Бу экинлар Урта Осиё шароитида бир йиллик ҳисобланади.

Бутсимонгуллилар оиласига карам, шолғом, турп, редиска киради. Бу экинларнинг ҳаммаси (редискадан бошқаси) икки йиллик ҳисобланиб, биринчи йили илдизмева ҳосил қиласи ёки карам бош ўрайди, иккинчи йили гуллайди ва уруғлайди.

Соябонгуллилар оиласига сабзи, укроп, кашнич, пастернак, сельдерейлар киради. Буларнинг укропдан бошқаси икки йиллик ҳисобланиб биринчи йили озиқбоп илдиз (илдизмева) чиқаради, иккинчи йили эса гуллайди ва уруғлайди.

Гулсапарсимонгуллилар оиласига бош пиёз, поррей пиёзи, батун пиёзи, саримсоқ киради.

Дуккаклилар оиласига ловия ва нўхат экинлари киради. Бу экинлар оқсилга бой кўк қўзоги ва уруғ учун экиласи.

Руянгуллилар оиласига лавлаги ва исмалоқ киради. Лавлаги икки йиллик ўсимлик бўлиб, биринчи йили сабзига ўхшаб илдизмева, иккинчи йили эса уруғ беради.

Исмалоқ эса бир йиллик ўсимлик бўлиб, унинг сервитамин, ширадор йирик япроқлари истеъмол қилинади.

Қовоқсимонгуллилар оиласига бодринг, қовун, тарвуз, қовоқ экинлари киради. Уларнинг сергўшт, ширадор мевалари истеъмол қилинади. Қовун, тарвуз таркибида қанд турли витамин ҳамда бошқа моддалар кўп.

Одатда сабзавот экинлари ботаник хусусиятларига қараб эмас, балки уларни етишириш усулларининг ўшашлигига қараб қўйидаги группаларга бўлинади:

1. Қартошка;
2. Полиз экинлари (тарвуз, қовун, қовоқ);
3. Итузумгулли сабзавотлар (помидор, бақлажон, қалампир);
4. Қарам (бош карам, гулкарам ва бошқалар);
5. Бодринг;
6. Илдизмевали экинлар (сабзи, лавлаги, шолғом, турп);
7. Пиёзсимонлар (пиёз, саримсоқ, порреј пиёзи);
8. Дуккакли сабзавотлар (нўхат, ловия);
9. Кўкат сабзавотлар (салат, исмалоқ, укроп, редиска, кашнич, сельдерей, щавель ва бошқалар);
10. Ширин маккажўхори.

Кўпчилик сабзавот ва полиз экинлари уруғидан кўпаяди, уруғлар тўғридан-тўғри далага экилади (полиз экинлари, бош пиёз, илдизмевалар, дуккаклилар ва бошқалар) ёки кўчат олиш учун парникка сепилади (қарам, помидор, бақлажон, қалампир, порреј пиёзи) ва кейинчалик далага кўчат қилиб ўтқазилади.

Кўп экинлар вегетатив органлари — туганаклари (картошка), пиёzlари (бош пиёз, саримсоқ), илдизпоялари (хрен), ўсимталари (картошка, батат) ва қаламчаларидан кўпаяди.

Сабзавот экинларидан сабзи, лавлаги, шолғом, редиска, пиёз, саримсоқ, қарам, салат, исмалоқ, нўхат иссиқликка унчалик талабчан эмас, улар совуққа чидамлидир. Тарвуз, қовун, помидор, бақлажон, қалампир, бодринг, ловия, маккажўхори эса аксинча иссиқсевар экинлардан ҳисобланади.

Совуққа чидамли экинлар $1-7^{\circ}$ совуқларга ҳам чидайди. Бу экинларнинг уруғи $3-5^{\circ}$ иссиқда униб чиқа бошлайди, улар $15-20^{\circ}$ иссиқда нормал ўсиб ривожланади.

Иссиқсевар экинлар $5-6^{\circ}$ иссиқда яхши ривожлана олмайди, $1-2^{\circ}$ совуқда эса нобуд бўлади. Бу экинларнинг нормал ўсиши ва ривожланиши учун 25° иссиқлик энг қулай ҳисобланади.

Экинлар гуллаш ва мева туғиши даврида температура ўсув давридагидан юқори бўлиши керак.

Картошканинг иссиққа талабчанлиги ўртача, у туганак ҳосил этиши учун ҳарорат $18-21^{\circ}$ бўлгани маъқул. Картошка экинининг барглари, поялари ва туганаклари $1-2^{\circ}$ совуқда нобуд бўлади.

Сабзавот экинларининг ёруғлика талабчанлиги ҳам турличадир.

Қовоқсимонгулли ва итузумсимонгулли сабзавотларнинг яъни, қовун, тарвуз, бодринг, помидор, қалампир, бақлажон ва маккажўхориларнинг ёруғлика талабчанлиги жуда кучли бўлиб, карам, пиёз, сабзи экинларига қисбатан камроқ, улардан кейин ёруғлика талабчаник жиҳатидан барглари истеъмол қилинадиган сабзавотлар (салат, исмалоқ ва бошқалар) туради. Шунинг учун ҳам кўпчилик сабзавот, полиз экинлари ва картошкани соя-салқин жойга эмас, очиқ далага экиш тавсия этилади.

Сабзавот экинларининг куннинг узун ёки қисқалигига талабчанлиги ҳам ҳар хилдир.

Кўпгина сабзавот экинлари (қовун, тарвуз, помидор) ёруғлик суткасига 10—12 соат бўлганда яхши ўсади ва мўл ҳосил беради.

Картошка экини учун кун узоқ муддат ёруғ бўлиши керак.

Сув ўсимлик уруғларининг униб чиқиши, тупроқдаги озиқ моддаларни эритиб, уларни ўсимликнинг барча органларига етказиб бериши учун хизмат қиласди. Шу билан бирга сув барглар орқали буғланганида ўсимлик қизиб кетишдан сақланади.

Сабзавот экинлари учун тупроқда нам доимо етарли бўлиши лозим, акс ҳолда ўсимликларнинг ўсиши кучсизланади, карамнинг бош ўраши ёмонлашади, илдизмевалар ёғочга ўхшаб дағаллашади, помидор ва полиз экинларининг эса гуллари тўкилиб кетади.

Тупроқнинг ортиқча нами ҳам заарлидир. Бунда ўсимлик илдизларига ҳаво етиб бориши қийинлашиб, у ўсишдан орқада қолади, натижада ҳосилдорлик пасайди, баъзан ўсимлик нобуд ҳам бўлади.

Сабзавот экинларининг намлика талаби турличадир — илдизи тупроққа чукӯр тараладиган экинлар илдизлари тупроққа юза тараладиган экинларга қаранганди намлика унча талабчан бўлмайди.

Ўсимлик ҳаётининг турли даврларида уларнинг намга талаби турличадир. Кўпчилик сабзавот экинларининг ҳосил туғиши даврида (карам бошлари, илдизмевалар ва пиёз бошлари пайдо бўла бошлаган вақтда) намга бўлган талаби ортади, пишиш даврида эса камаяди.

Азот, фосфор, калий, шунингдек, микроэлементлардан темир, кальций, олтингугурт, магний, бор ва рух сабзавот экинларининг асосий озиқ моддалари ҳисобланади.

Сабзавот экинлари тупроқнинг унумдор бўлишини, унда озиқ моддалар кўп бўлишини хоҳлади. Тупроқда озиқ моддалар етарли бўлганида мўл ҳосил олиш мумкин. Бодринг, пиёз, карам озиқ моддаларга жуда талабчан, итузумсимонгуллилар оиласига кирувчи сабзавотлар, илдизмевалар ва дуккакли экинлар эса уларга нисбатан камроқ талабчан ҳисобланади.

Сабзавот экинлари ўз ҳаётида доимий гуллаш ва ҳосил туғиши даврида эса, айниқса, озиқ моддаларга талабчан бўлганлигидан ўғит фақатгина экин экиш олдиндан солинмай, балки экинларни ўсиш ва мева туғиши даврида ҳам берилиши керак.

АЛМАШЛАБ ЭКИШДА ЭКИНЛАРНИ ЖОЙЛАШТИРИШ

Сабзавот, полиз ва картошка экинларидан юқори ҳосил олиш учун ерларни тўғри танлаш ва экинлар алмашлаб экилиши керак. Ер танлашда экинларнинг биологик хусусиятлари, уларни тупроққа, жойнинг рельефига, ўғитларга, тупроқ намига талабчанлиги ва бошқа бир қанча факторлар ҳисобга олинади.

Сабзавот экинлари ва картошкадан ҳаво, иссиқлик, сув режими яхши бўлган, енгил, қумоқ тупроқларда юқори ҳосил олинади.

Полиз экинларидан қовун ва тарвузнинг тупроққа талабчанлиги айниқса каттадир. Бу экинлар сизот сувлари чуқур жойлашган, атрофи очиқ, шамол юриб турадиган енгил тупроқли майдонларга экилиши керак. Сизот сувлари юза жойлашган участкаларда полиз экинларини сурформасдан ўстириш ҳам мумкин. Янги ўзлаштирилаётган ва бедапояларга экилган полиз экинлари мўл ҳосил беради.

Полиз экинлари эскидан ишланиб келинаётган ерларда карам, пиёз, илдизмевалар, картошка, шоли ва сабзидан кейин экилади.

Полиз экинларини полиз экинларидан кейин такрор ва помидордан сўнг экиш тавсия қилинмайди. Шумгия

билан заарланган участкаларга ҳам полиз экинлари экмаслик керак. Эскидан ишланиб келинаётган ерларда кўп йиллик ва бир йиллик ўт экинлари (шабдар), полиз экинлари, илдизмевалар ва карамдан кейин помидор экилиши лозим. Карамдан сўнг гўнг солинган участкаларда мўл ҳосил олинади. Эртаги карам полиз экинлари ва бодрингдан кейин экилгани маъқул. Кечки карам эса полиз экинлари, бодринг, картошка, илдизмевали экинлар ва помидордан кейин экилади.

Карамни карамдан, шолғомдан ва турпдан кейин экиш ярамайди.

Гўнг солинган ерга иккинчи йили пиёз ва саримсоқ экилганда, улар ўғитдан яхши фойдаланади. Шунинг учун бу экинлар биринчи йили гўнгга кучли талабчан бўлган полиз экинлари, картошка, помидор, карамдан кейин экилади.

Сабзи экиш учун карам, картошка ва помидордан бўшаган, бегона ўтдан тозаланган ерлар танланади.

Картошка, полиз экинлари, кўп йиллик ўтлар, карам ва илдизмевалардан кейин экилгани маъқул.

Юқоридагиларни ҳисобга олиб сабзавотчилик хўжаликларининг ихтисослашган бригадаларида саккиз далали алмашлаб экиш схемаси ишлаб чиқилган. Бу схемага мувофиқ олдин экилган экинлар кейин экилган экинларга фойдали таъсир этиши, сугориладиган ерлардан унумлироқ фойдаланиш кўзда тутилади. Шунинг учун ҳам бу алмашлаб экиш схемаларида асосий экинлар билан бир қаторда олдин экилган экин ва такрорий экиш мумкин бўлган экинлар кўрсатилган. Масалан, биринчи йили беда арпага аралаштириб сепилади. Арпа поялари ўриб олингандан кейин беда яхши ривожланади, кечки сабзавотлар экишдан олдин ер бўш ёт маслиги учун мўлларга кўклигида едириш учун жавдар, эртаги карам ва шунга ўхшашлар экиш кўзда тутилган, ёки асосий далага эртаги сабзавот экилган бўлса, ундан сўнг кечки сабзавот экиш мўлжалланган ва ҳоказо.

Қўйида сабзавоткор хўжаликлар учун тавсия этилган алмашлаб экиш схемаси келтирилди (1—4-схема).

Такрорий экин экишда асосий эътибор эртапишар навларни танлашга, ҳосил барвақт етилишини таъминловчи тадбирлар амалга оширилишига ва ерни ўз вақтида экишга тайёрлашга қаратилиши керак.

1 - схема

Сабзавотчиликка ихтисослашган хўжаликларда алмашлаб экиш

Асосий экинлар	Олдин экилган экинлар	Такрорий экинлар
Бир йиллик беда Икки йиллик беда Уч йиллик беда Ўртаги сабзавотлар Кечки сабзавотлар Кечки картошка	Арпа	
Эртаги сабзавотлар	Эртаги картошка Кузги донли экинлар, ем- хашак учун экиладиган жавдар	
Сабзавотлар (пиёз)		Кечки сабзавот- лар

2 - схема

Картошкачиликка ихтисослашган хўжаликларда алмашлаб экиш

Асосий экинлар	Олдин экилган экинлар	Такрорий экинлар
Бир йиллик беда Икки йиллик беда Уч йиллик беда Кечки картошка Кечки картошка Полиз экинлари Эртаги картошка Ўртаги сабзавотлар	Ёппасига экилган арпа	
	Эртаги сабзавотлар	
		Кечки сабзавотлар

3 - схема

Полизчиликка ихтисослашган хўжаликларда алмашлаб экиш

Асосий экинлар	Олдин экилган экинлар	Такрорий экинлар
Бир йиллик беда Икки йиллик беда Уч йиллик беда Полиз экинлари Полиз экинлари—бодринг Кечки картошка	Ёппасига экилган арпа	
Сабзавотлар (пиёз)	Эртаги сабзавотлар (карам)	
Кечки полиз экинлари		Кўкати учун экила- диган жавдар

Алмашлаб экиша экинларни жойлаштириш

Олдин экилган экинлар	Такрорий экинлар
Картошка — эртаги навлари	Карам, илдизмевалар, маккажүхори
Картошка — ўрта пишар навлари	Шолғом, турп, августда экиладиган пиёз
Эртаги карам ва гулкарам	Картошка, илдизмевалар, бодринг, маккажүхори
Илдизмевалар (сабзи, лавлаги)	Қарам, уруғли картошка, бодринг, турп, шолғом
Бодринг	Августда экиладиган пиёз, турп, шолғом
Уруғликка қолдирилган	Шолғом, турп, ем-хашак учун экиладиган маккажүхори
Икки йиллик сабзавот экинлари Кўкатлар, донли экинлар, дондуккакли экинлар, нўхат	Қарам, картошка, кечки қовун (жанубий районларда)

САБЗАВОТЛАРНИНГ ЭКИШ МУДДАТЛАРИ

Ўзбекистон сабзавотчилигининг камчиликларидан бири, сабзавот етиштириш ва истеъмол қилишнинг мавсумийлигидир. Сабзавот ёзниң иккинчи ярмида — июль, август ва сентябрь ойларида барча хўжаликларда сабзавот пишган вақтидагина мўл-кўл бўлади.

Колхоз ва совхозлардан қабул пунктларига, шаҳар бозорларига ва магазинларга жуда кўп сабзавот келтирилади. Бу даврда айниқса помидор ҳосилини тўлиқ териб олиш ва уни сотишда қийинчилик туғилади.

Помидор пишган вақтда хўжаликларда ҳосил териш учун ишчи кучлари, ташиш учун эса идиш ва транспорт етишмайди, бунинг устига ҳар куни келтириладиган маҳсулотни шаҳар аҳолиси истеъмол қилиб улгурмайди.

Тошкент областидан бу даврда ҳар куни 1000 т ва ундан ҳам кўп помидор келтирилади, лекин октябрь ойининг бошларида помидор камроқ келтирилади, ноябрда эса бутунлай келтирилмайди.

Шундай қилиб, помидор билан карам 8—9 ой эмас, фақат 3, 5 ой, узоги билан 4 ой истеъмол қилинади, холос.

Карам етиштиришда ҳам шундай аҳвол юз беради.

Республиканинг марказий районларида гулкарам ва эртаги карамни танлаб узишни 2 майдан, ёппасига узиш-

ни эса 10—15 майдан бошлаш мумкин. Аслида карам деярли бир ой кечикиб, фақат 25 майлардан бошлаб узилади, натижада карам ҳосили ҳамма ерда бир вақтда етилиб, маҳсулот тарқатишида бирмунча қийинчиликларга дуч келинади. Шаҳар аҳолиси карам билан июнь-июль ойларида жуда кўп, августдан 15 октябргача эса жуда кам таъминланади.

Эртаги бодринг, сабзи ва лавлаги ҳам аҳолига бирмунча кечроқ етказиб берилади.

Тошкент, Самарқанд областларида ва Фарғона воидисида эртаги бодринг биринчи июнда, плёнка остида ўстирилганда эса май ойида узилиши керак, лекин у июлнинг биринчи ўн кунлигига, яъни бир ой кечикиб етиштирилади, бу август-сентябрь ойларида бодринг камайиб кетишига сабаб бўлади, чунки ўртаги бодринг экиш хўжаликларда планлаштирилмайди. Айниқса хушбўй ҳидли кўкат сабзавот ва полиз экинлари маҳсулотини етиштириш ва сотиш яхши йўлга қўйилмаганлигидан бу маҳсулотлар билан аҳоли етарли даражада таъминланмайди.

Ўзбекистон Иттифоқимизнинг энг йирик қовун етиштириладиган районларидан бири ҳисобланади ва бу ерда аҳолини юқори сифатли, тенги йўқ хилма-хил қовунлар билан етарли миқдорда таъминлаш керак. Бизда қовунни тезпишар навларини экиш ва кечки қовунни сақлаш натижасида йилига 8—9 ой истеъмол қилиш имконияти мавжуд. Шунга қарамай республикамизда полиз экинлари маҳсулоти 15 июлдан 1 октябргача кенг истеъмол қилиниб, кейинчалик кескин камаяди, чунки қовунтарвузни колхоз ва совхозларда кўп миқдорда сақлаш яхши йўлга қўйилган эмас.

Баҳорда сабзавотлар жуда камайиб кетганлигидан аҳолининг шу сабзавотларга бўлган талаби (март, апрель, май ва июнь ойларида) янада ортади.

Парник ва теплицаларда етиштирилган маҳсулот шу даврда сабзавотларга бўлган эҳтиёжни тўлиқ қондира олмайди.

Шаҳар атрофидаги ихтисослаштирилган сабзавотчилик колхоз ва совхозларида аҳолини йил бўйи янги сабзавотлар билан таъминлаш учун имкониятлар мавжуд, лекин муттасил йил давомида сабзавот етиштиришини ташкил қилиш керак. Шундай экан, бир қанча ташкилий-агротехник тадбирлар амалга оширилиши зарур.

Бунинг учун сабзавот маҳсулотлари ассортиментини қисқа муддатда етиладиган, совуққа чидамли хушбўй кўкатлар, шунингдек, дуккакли экинлар, ширин маккажўхори ва бошқа экинлар ҳисобига кўпайтириш керак. Бу экинларнинг навлари республикамизда районлаштирилган бўлиб, улар тўйимли ва сервитамилидир.

Экин турларини кўпайтириш

Сабзавот ҳамда бошқа экин турлари аҳолининг талабига қараб танланади ва етиширилладиган маҳсулот миқдори белгиланади.

Кўйида шаҳар атрофидаги хўжаликларда етиширилладиган сабзавотларнинг турлари ва уларнинг сабзавот экинлари умумий майдонидаги таҳминий солиштирма нисбати берилди.

Асосий экинлар майдони, жами—100%

Шу жумладан:

карам—19%	хўраки лавлаги—5%
помидор—23%	шолғом ва турп—5%
бодринг—7%	(такрорий экин сифатида
бош пиёз—18%	9 килади)
сабзи—15%	

Кўкатлар ва кам тарқалган сабзавотлар—жами 13%

Шу жумладан:

гулкарам—10%	аччиқ ва ширин қалам-
қовоқча (кабачки) ва	пир—2,0%
патиссон—0,5%	кўк нўхат—0,5%
бақлажон—0,5%	ловия—0,5%
ширин маккажўхори—2,0%	чабер—0,05%
редиска—1,0%	кўк пиёз—0,5%
саримсоқ—2,0%	хрен—0,1%
поррей пиёзи—0,2%	шчавель—0,5%
укроп—0,5%	салат—0,1%
кашнич—0,2%	исмалоқ—0,5%
сельдерей—0,2%	пастернак—0,1%
кореандр—0,05%	

Полиз экинлари жами майдони—100%

Шу жумладан:

қовун—65%	қовоқ—5% экин майдонини
тарвуз—30%	эгаллаши керак.

Сабзавот турларини кўпайтириш деганда ҳар бир хўжаликда шу экин турларининг барчасини экиш шарт

эмас, акс ҳолда маҳсулот етиштириш ва уларни тарқатишида қатта қийинчилеклар содир бўлиши мумкин. Шунинг учун хўжалик бир хил маҳсулотни етиштиришга ихтисослаштирилган бўлса, яна бошқаси бошка сабзавотларни етиштиргани мақсадга мувофиқдир.

Маҳсулот турларини кўпайтириш ва аҳолини йил бўйн сабзавотлар билан таъминлаб туришда барча хўжаликлар иштирок этиши керак.

Экинларни турли муддатларда экиш. Сабзавотларни янги узилган ҳолда узоқ муддат истеъмол қилиш учун бирин-кетин турли муддатларда экиш тавсия қилинади. Шу вақтгача республиканинг барча колхоз, совхозларида сабзавот, полиз экинларини экиш муддатлари хўжалик раҳбарлари томонидан белгиланади, улар сабзавот экиш муддатига эътибор бермаганлигидан ҳам хўжаликларда экин бир вақтда экилади, ҳосили ҳам бир муддатда етилади.

Сабзавот етиштириш ва истеъмол қилишдаги мавсумийликка барҳам беришда экинларнинг эртапишар, ўртапишар ва кечки навлари экилиши ҳамда экиш муддатларини бирин-кетин белгилаш керак. Шундагина ҳосил ҳам ҳар хил муддатда олинади ва аҳоли томонидан истеъмол қилиш даври узаяди.


Йил бўйи сабзавот етиштиришни таъминлаш мақсадида ҳар қайси экин кузда эртаги, ўртacha эртаги, ўртаги, ёзги ва кечки тўқсонности қилиб экилади. Ишни осонлаштириш учун турли муддатда экилган сабзавот навлари ва унинг ўзига хос агротехникаси танланиб, ҳар қайси нав қачон, қанчадан кейин етиштирилиши аниқланади.

Маълумки, республикада йилига 200—230, жанубда эса 230 кун совук бўлмайди.

Кўпчилик совуққа чидамли сабзавотлар (карам, сабзи, пиёз, турли кўкатлар) учун бу давр жанубий районларда 300 кунга, ўрта зоналарда эса 270 кунга чўзилади.

Республиканинг баъзи областларида кўпчилик сабзавот экинлари қишдан яхши чиқади ва уларнинг ҳосилини эрта баҳорда йифиб олиш мумкин.

Қўйида ҳар бир экинни бирин-кетин график асосида экиш ва маҳсулот топшириш ҳақида алоҳида-алоҳида тўхтаб ўтилади.



Поррей пиёзи

Пиёз. Сентябрда экилган нўш пиёзниң барралари шу йилдаёқ 25—30 см га етади ва қиши келганида кўк пиёзи аҳолига декабрдан мартгача етказиб берилади, майдан бошлаб эса бош пиёз сифатида тарқатилади. Августда сепилган пиёз уруғи ҳам кеч кузга бориб 15—20 см барра ҳосил қиласиди. Яхши қишлиб чиққан барра пиёз, боғ-боғ қилиб февраль — апрель ойларида сотилади.

Кузда 25 ноябрдан 10 декабргача тўқсонности қилиб экилган пиёзниң барраси эса апрель-июнь ойларида, мартда сепилгани эса июндан бошлаб боғлаб сотилади.

Барра пиёзни июль ва августда етиштириш учун уруғ апрелинг ўрталарида сепилади.

Пиёз экишнинг охирги муддати июль ойининг бошлари ҳисобланиб, бу вақтда сепилган пиёз кеч кузгача тарқатилади. Шундай қилиб, пиёзни бир неча муддатда экиш аҳолини барра ва бош пиёз билан мунтазам таъминлашга имкон беради.

Кўкат сабзавотлар. Кашнич ва сельдерей каби сабзавотларнинг етук кўкатлари кузда сепилгани қишидан яхши чиқади. Шунинг учун ҳам бу экин маҳсулотини куз — қишида очиқ даладан олиш мумкин. Қўйида мана шу кўкатлар ҳақида алоҳида-алоҳида тўхтаб ўтамиз.

Кашнич икки муддатда: кеч кузда 10—15 ноябрда ва баҳорда — февралнинг ўрталарида сепилади.

Ноябрда сепилган кашнич июнда, баҳорда сепилгани эса июлда етилади.

Кузда кашнич ўз ўрнида қолдирилади ёки йифиштириб олиб, сабзавот сақланадиган хоналарда сақланади.

Сельдерей уруғи парникларга февраль ойида сепилади ва кўчати апрелда кўчириб ўтқазилади. Етук сельдерей ўсимлиги қишига қолдирилади ва ўсиб чиқиши биланоқ боғ-боғ қилиб сотилади.

Хрен совуққа чидамли экинлардан ҳисобланади. Унинг илдизидан олинган қаламчалари эрта баҳорда ўтқазилади ва кузга бориб катталашган илдизлари йиғиб олинади.

Хреннинг илдизлари ертўла ёки чуқурчаларда сақланади. Баъзан у экилган жойида қолдирилади, керак вақтда сотиш учун қазиб олинади.

Исмалоқ — кўкат экинлар ичиди жуда тез — 35—40 кунда етиладиган, совуққа чидамли экин ҳисобланади, у баъзан 8—9° совуққа ҳам чидай олади.

Ҳосили эрта етиладиган исмалоқнинг уруғи октябрда сепилади, шунда у совуқ тушгунича яхши илдиз отади.

Октябрь ойида сепилган исмалоқ баргларини март ойининг охиригача ишлатиш мумкин.

Эрта баҳорда сепилган (февраль) исмалоқ ҳосили апрелда етилади.

Қўзиқулоқ (шчавель) — аҳолини эрта баҳорда сабзавот билан таъминлашда катта роль ўйнайди. Бу кўп йиллик экин ҳисобланиб, яхши қишлияди, ҳосили эрта баҳорда, мартнинг охирларида, жанубий районларда эса мартнинг бошларида етилади.

Ҳосилини жуда эрта етишириш учун шчавель августда сепилади. Февралда сепилган шчавель эса май ойида етилади.

Үкроп ва кореандр аҳоли энг кўп ишлатадиган, йил бўйи истеъмол қиласидиган хушбўй сабзавотлардан-дир.

Аҳолининг укроپ ва кореандрга бўлган талабини қондириш учун бу экинлар тўқсонбости қилиб ноябрда, февралда, апрель, июнь ва сентябрь ойларида сепилади, маҳсулоти эса апрель, июнь, август ва ноябрда тайёр бўлади. Иш мана шу тартибда ташкил этилганида аҳоли йил бўйи хушбўй кўкатлар билан таъминланиши

ҳамда даладаги экинлардан совуқ тушгунича маҳсулот олиниши мумкин.

Апрелнинг ўрталарида кўкат сабзавотлардан **салат** ҳам етилади. Салатнинг уруғлари кузда тўқсонности қилиб, эрта баҳорда—февралнинг ўрталарида сепилади.

Тўқсонности қилиб экилган салатнинг майин барглари, баҳорда экилган Ромен салатнинг юмшоқ бошчалари истеъмол қилинади. Апрель ойининг ўрталарида кўк нўхат пишади. Бунинг учун нўхатнинг совуққа чидамли «Сахарная Бровцина» нави октябрь ойда экилиши керак. Февралнинг ўрталарида экилган нўхат ҳосили эса апрелнинг охирлари, май ойида етилади.

Редисканинг ҳар хил навлари апрель ойининг бошлиридан июнь ойининг ўрталаригача, яъни 50—60 кун колхоз бозорларида сотилади.


Редисканинг Рубин, Оқ Тошкент, Майский, Дунган навлари тўрт муддатда: 25 февраль, 1 март, 15 март ва 1 апрелда сепилганида маҳсулоти апрель ва май ойларида етилади.


Кабачки ва патиссонлар аҳолига июн ойининг бошлирида етказиб берилиши мумкин. Бунинг учун бу экин уруғлари далага 20—25 апрелда экилади. Аммо ҳосилни баравақтроқ олиш мақсадида кўчат гўнг-чириндили тувакчаларда етиштирилиши керак. Кабачки ва патиссон кўчати далага экилишидан 30—35 кун илгари тувакчалар тайёрланиб уларга иккитадан уруғ экилади ва парникларда кўчат қилинади. Кўчатлар икки-учта чинбаргчиқарганида тувакчалардаги кўчат далага ўтқазилиади.

Помидор, бодринг, илдизмевали экинлар, карам, қовун ва тарвуз каби асосий экинларни тартиби билан маълум муддатда экишга алоҳида эътибор бериш керак.

Помидорнинг истеъмол қилиш муддатини узайтириш учун уруғ ва кўчатлар турли муддатларда экилиши лозим.

Жуда эрта етиштириладиган помидорнинг кўчатлари одатда плёнка остига экилади. Бунинг учун помидорнинг Талалихин ёки шунга ўхшаш эртапишар навининг кўчати гўнг-чириндили тувакчаларда ўстирилиб, далага об-ҳаво шароитига қараб 10—20 мартда ўтқазилади ва усти дарҳол плёнка билан беркитилади. Шу вақтда





Помидорни таёқларга боғлаб ўстириш

Экилган помидор күчатлари майнинг иккинчи ўн кунлигидан бошлаб июлнинг ўрталаригача ҳосил беради. Талалихин нав помидорнинг гўнг-чириндили тувакчаларда етиширилган күчатлари иккинчи марта 10—20 апрелда экилади ва ҳосили июннинг биринчи ўн кунлигига етилади.

Учинчи муддатда экиш учун помидорнинг серҳосил Майкоп урожайний нави планлаштирилади. Бу навнинг күчатлари 20—25 апрелда экилиб, ҳосили июннинг охири ёки июлнинг биринчи ўн кунидаги етилади.

Тўртинчи муддатда экиладиган помидор икки усулда экилади: уруғи тўғридан-тўғри очиқ далага сепилади (20 мартдан 15 апрелгача) ҳамда күчати ўтқазилади (25 апрелдан 10 майгача). Мана шу икки усулда экилган помидор маҳсулоти июлда пишади. Бунинг учун Юсупов, Чудо Ринка, Волгоград помидор навлари олинади.

Бешинчи муддатда помидорнинг Волгоград навининг күчати 15 июндан бошлаб экилади ва ҳосили кеч кузда етилади. Помидорнинг пушти, қўнғир, кўкларини эса маҳсус хоналарда сақлаш мумкин. Баъзан кузда экин устига плёнка ёпилса, помидор ҳосили қаттиқ совуқ тушгунича олина беради.

Бодринг ҳам помидор каби бир неча муддатларда экилади. Жуда эртаги бодринг етишириш учун күчатлар плёнка остига 10—20 мартда ўтқазилади ёки уруғлари 1—10 мартда сепилади.

Жуда эрта экилган бодринг майнинг биринчи ўн кунлигига, уруғидан етиширилганда эса майнинг иккичи ярмида етилади. Гўнг-чириндили тувакчалардаги күчатлар далага 15—25 апрелда экилганда ҳосили июннинг биринчи ўн кунлигига етилади. Эртаги бодрингнинг бир қисми очиқ далага тўғридан-тўғри уруғини экиб ўстирилади. Уруғ об-ҳаво шароитига қараб 15—25 апрелда экилади, бунда ҳосил июлнинг биринчи ўн кунлигига етилади. Шу вақтда экилган бодринг умумий бодринг майдонининг 35% ини ташкил қилиши лозим.

Ўртаги бодринг учун умумий экин майдонининг 15% и ажратилади, шунда уруғ 15 майдан 1 июнгача экилади, ҳосили 15 июлдан 15 августгача етилади.

Кечки бодринг уруғлари ёзда тўғридан-тўғри далага 15 июндан 1 июлгача экилади. Бу вақтда у умумий экин майдонининг 20% ини ташкил қилиши керак. Маҳсулоти асосан тузланади.

Хўжаликларда плёнка етарли бўлганида кечки бодрингнинг бир қисми кузги дастлабки совуқлар тушунча плёнка остида ўстирилади.

Экин устини плёнка билан беркитиш натижасида маҳсулот етиширишни яна 3—4 ҳафтага чўзиш имконияти яратилади.

Карам. Карам кўчатлари беш муддатда экилганда маҳсулотини апрелнинг учинчи ўн кунлигидан келаси йилнинг февралигача истеъмол қилиш мумкин.

Жуда эрта пишар карам плёнка остида етиширилади. Бунинг учун гўнг-чириндили тувакчаларда ўстирилган карам кўчатлари 15—20 февралда далага ўтқазилади, маҳсулоти апрелнинг учинчи ўн кунлигига етилади. Тувакчаларда ўстирилган эртаги карам кўчати 25 февралдан 1 марта гача, тўғридан-тўғри (плёнкасиз)далага ўтқазилганда, ҳосили майнинг биринчи ўн кунида узилади.

Эртаги карам экиладиган майдонга кўчат 1 мартаңдан 10 марта гача экилади, ҳосили эса майнинг учинчи ўн кунида етилади.

Ўртаги карам уруғи тўғридан-тўғри далага 1—15 апрелда сепилиб, ҳосили 1 августда етила бошлайди ва уни 55—60 кун истеъмол қилиш мумкин.

Кечки карам кўчатидан ҳам, уруғидан ҳам етиширилади. Кўчати 15 июндан 15 июлгача экилади, уруғи 1 июндан 15 июнгача сепилади. Кўчатидан етиширилган карам ҳосили 15 октябрда, уруғи сепилганда эса ҳосили 15 ноябрда етилади.

Уруғидан етиширилган карам ҳосили қишида яхши сақланади. Карам сабзавот сақланадиган хоналарда ёки саройларда сақланади, бунда карам бошларини совуқ уришига йўл қўйиш керак эмас.

Эҳтиёт қилиб сақланганда аҳолини декабрдан то февралгача карам билан таъминлаш имкони яратилади.

Сабзи. Қишин-ёзин истеъмол қилиш учун сабзи қўйидаги муддатда экилади: эртаги сабзининг уруғи далага 25 октябрдан 1 декабргача сепилади. Маҳсулоти майнинг учинчи ўн кунлигига етилади. Маҳсулотининг ярмидан кўпроғи боғ-боғ қилиб тарқатилади. Сабзи уруғи баҳорда 1—15 марта гача сепилади, ҳосили июннинг учинчи ўн кунида, яъни кузги сабзидан бир ой кейин пишади.

Кечки сабзи уруғи 15 июндан 15 июлгача сепилиб, ҳосили октябрнинг охирлари, ноябрнинг бошларида қазиб олинади ва қишида истеъмол қилинади.

Хўраки лавлагини экиш ва ҳосилини йиғиштириб олиш муддатлари ҳам сабзиники кабидир.

5 - схема

Сабзавот-полиз экинлари ва картошка экисх схемалари

Экин экини усуллари	Экиш схемаси	Экин экисх усуллари	Экиш схемаси
Полиз экинлари Қовун икки қатор экилганда	$210+70\times 70$ <hr/> 2	Помидорнинг эртаги ва ўртаги навлари (калта палакли) палаги ўсиқ навлар	70×40
Қовун бир қатор экилганда	$110+70\times 60$	майда мевали навлар	$110+70\times 50$
Тарвуз икки қатор экилганда	$280+70\times 70$ <hr/> 2	шахмат усулида экилганда (квадрат) бир уяда иккитадан кўчкат бўлганда Қарам, гулкарам ва ўртаги қарам	90×20
Тарвуз бир қатор экилганда	$110+70\times 90$		70×70
Қовоқ икки қатор экилганда	$330+70\times 90$		2
Қабачки	$130+70\times 60$ <hr/> 2		70×30
Сабзавотлар Турли муддатда экиладиган бодрингнинг барча навлари, бир уяда иккитадан ўсимлик жойлаштирилади	$110+70\times 4$ <hr/> 2 $\times 2$		
Бақлажон	60×60		
Квадрат - уялаб экилганда	$60\times 60-2$		
Ширин қалампир, бир уяда иккитадан ўсимлик бўлганида	$55+15\times 5$		
Сабзи, пиёз икки қатор экилганда уч қатор экилганда	$40+15+15+\times 5$		
Саримсоқ икки қатор экилганда	$55+15\times 5$		
Хўраки лавлаги	$55+15+10$		
Турп, шолғом	$55+15+8$		

Экин экиш усуллари	Экиш схемаси	Экин экиш усуллари	Экиш схемаси
Кўкат ва хушбўй сабзавотлар			
Редиска, укроп— сочма қилиб экил- ганда	40×30		
Редиска, салат — уч қатор экилганда	50+10+10		
Кашнич, сельде- рэй—уч қатор экил- ганда	40+15+15		
Исмалоқ, қўзиқу- лок	40+15+15		
Пастернак икки қатор экилганда	55+15×8		
Дуккакли сабза- вотлар:			
Нўҳат } икки қа- Ловия } тор экил- ганда	50+20×20		

Полиз экинлари. Қовун билан тарвузнинг истеъмол қилиш муддатини узайтириш мақсадида улар бир неча муддатда экилади.

Республикамизда энг эртаги полиз экинлари маҳсулоти июннинг иккинчи ярмида чиқа бошлайди. Бунинг учун қовун ва тарвуз кўчатлари плёнка остида ўстирилади.

Бу вақтда экиш учун эрта пишар Ҳандалак ва Давлатбой навлари тавсия қилинади. Гўнг-чириндили тувакчаларга уруғ мартнинг иккинчи ярмида экилиб, 35—40 кунли кўчат 1—10 апрелда далага дастлаб плёнка остига ўтқазилади.

Эртаги қовун ва тарвуз маҳсулотлари асосан даладан олинади. Бунинг учун гўнг-чириндили тувакчалардаги кўчатлар баҳорги совуқ хавфи ўтгандан кейин, яъни 20—25 апрелда далага ўтқазилади, шунда ҳосил июннинг охири ва июлнинг бошларида етилади.

Уртаги қовун-тарвуз (умумий экин майдонининг 60% ига) уруғи, жанубий районларда 1 майгача, шимолий районларда эса 10 майгача экилади, бунда ҳосил августда етила бошлаб, совуқ тушгунча давом этади.

Қовун экишда охирги муддат 1—15 июнь ҳисобланади, бу вақтда қовуннинг қишида сақланадиган навлари

экилади. Улар асосан узоқ муддат сақланади, қишида ва эрта баҳорда истеъмол қилинади. Истеъмол қилиш даврини узайтириш учун барча сабзавоткор хўжаликларда қишиқ қовун навларини экиш ва маҳсулотини узоқ сақлаш иши тўғри ташкил қилиниши керак.

Махсус қовун сақланадиган хоналар етарли миқдорда қурилгунча қовунлар мослаштирилган оддий хоналарда сақланади.

Сақлаш учун ажратилган қовунлар бир оз сўлитилади ва тўр халталарда осилган ҳолда сақланади.

САБЗАВОТ ЭКИНЛАРИНИ ЗИЧЛАШТИРИБ ЭКИШ

Помидор ва бодринг экинларининг палаги кучли ривожланади, шунинг учун ҳам улар пуштаси кенг — 180—200 см ли қаторларга экилади. Шунда, 15 июнгача дастлаб пуштанинг ҳаммасини экинлар банд қилмайди ва палаклари туташгунича бўш ётади, бу ерда бегона ўтлар кўпайиб кетади. Пуштадаги бундай фойдаланилмай қолган ерлар ўртапишар помидор ва бодринг экилган майдоннинг учдан бир қисми ёки ҳар гектарида 0,33 гектарни ташкил қиласди.

Суфориладиган сабзавотчиликда бундай ерлар мўлкўл сабзавот етиштиришда катта резерв ҳисобланади, чунки асосий экинлар ҳосили етилгунча пуштада ҳам эрта пишар сабзавот ҳисобига қўшимча ҳосил олиш ва зичлаштириб экиш натижасида бир гектардан олинадиган сабзавот маҳсулотини бир ярим, икки баравар ошириш мумкин. Бунинг учун эртаги бодринг пуштасига эртаги карам ёки эртаги карам билан редиска, помидор экинларининг пуштасига эртаги карам экилади.

Шундай қилиб асосий экин майдонидан қўшимча экинлар зичлаштириб экиб фойдаланилади. Бу усул ҳамма хўжаликлarda ҳам қўлланилиши мумкин. Оралиқ экинлар олдинроқ экилади, шунинг учун кузда ёки эрта баҳорда 70 см кенгликда эгат экилади. Сўнгра зичлаштирувчи экинлар икки ариқ оралатиб учинчисига экилади, икки ариқда бодринг ёки помидор экилади. Шундай схемада экилган асосий экин пуштани тўлиқ қоплаб олгунча зичлаштирувчи экин ҳосили етилади. Зичлаштириб экилган экинлар агротехникаси асосий экинники кабидир.

Экинларни зичлаштириб экиш юзасидан Сабзавот-полиз экинлари ва картошкачилик илмий текшириш институтида ўтказилган тажрибалар ҳар гектардан олиандиган ялпи сабзавот ҳосилини 36,9—64% ошириш мумкинлигини кўрсатди.

Тажриба тариқасида оддий усулда экилган бодринг, помидор орасида оралиқ экинлардан эртаги карам билан редискани зичлаштириб экилганда уларнинг ҳосилдорлиги (1-жадвал) ҳақида қўйида тўхтаб ўтилди.

1- жадвал

Зичлаштириб экилган экинларнинг асосий экинлар ялпи ҳосилига таъсири

Тажриба варианти		Ҳосилдорлиги, гектаридан центнер			
Асосий экин	Оралиқ экин	Асосий экин	Оралиқ экин	Жами ҳосил, гектаридан центнер	Контролга нисбатан, %
Бодринг оддий усулда экилган (контроль)	—	318	—	318,0	100
Бодринг	Эртаги карам, редиска ва эртаги карам	317,1	129	446,1	136,9
Бодринг	320	92+112		524,0	164,0
Помидор оддий усулда экилганда (контроль)	—	286	—	286	100
Помидор	Эртаги карам	230	122,0	352,0	123,2

САБЗАВОТ ЭКИНЛАРИНИ КУЗДА ЭКИШ

Совуққа чидамли сабзавот экинларини кузда экиш барвақт сабзавот маҳсулоти етиштиришнинг энг самарали агротехник усулларидан бири ҳисобланади. Бунда сабзавот экинларини ноқулай табиий шароитлардан омон сақлаш учун кўп маблағ сарфламасдан, у тўғридан-тўғри далада ўстирилади. Бу ўз навбатида жуда кўп арzon сабзавот етиштиришга имкон беради.

Сабзавотларнинг қўйидаги навларини кузда экиш тавсия қилинади: сабзининг қизил Мирзои, лавлагининг — Бордо, пиёзнинг — Каба, укропнинг — Маҳаллий навлари.

Уруғлар кузги давомли совуқлар тушгунча, яъни ноябрнинг охирлари ва декабрнинг бошларида сепилади.

Ҳар гектарга сабзи уруғидан ўрта ҳисобда 10 кг,

Ўзбекистоннинг марказий районларидаги механик таркиби ўртacha бўлгаган тупроқда сабзавот, полиз өкияларини сугориш, гектарига м³ хисобида

Экинлар	Сизот сувлари 2 м дан чукур- роқ жоъла	Сизот сувлари 2 м чу- курникда жойлашгандা	бир марта су- форишига сарфлан- ган сув микдори, м ³	бир марта су- форишига сарфлан- ган сув микдори, м ³	бир марта су- форишига сарфлан- ган сув микдори, м ³	Сизот сувлари 1 м чу- курникда жойлашганданда
	бир марта су- форишига сарфлан- ган сув микдори, м ³					
Эртаги картошка	8	600—700	5,3	7	600—700	4,9
Озик-овқатта ишлатиладиган	13	600—700	9,0	10	600—700	6,9
кечки картошка	12	600—700	8,4	8	600—700	6,1
Урғулук кечки картошка	8	600—700	5,0	6	600—700	4,3
Эргаги карам	10	600—700	7,1	7	600—700	5,2
Үртаги карам	12	600—700	8,6	8	600—700	6,0
Кечки карам	18	500—600	10,8	15	500—600	9,0
Помидор	8	600—700	5,3	6	600—700	4,0
Эртаги илдизмевалар	11	700—800	8,9	8	600—700	6,0
Кечки илдизмевалар	12	600—700	7,8	9	600—700	5,8
Кузда сепалган пиёз	12	600—700	7,9	8	600—700	5,2
Баҳордá сепилган пиёз	15	600—700	9,7	12	600—700	7,8
Эргаги бодринг	13	600—700	8,7	11	600—700	7,4
Кечки бодринг	9	700	6,3	7	600—700	4,7

лавлаги уруғидан — 20 кг, пиёз уруғидан — 16 кг, укропникидан — 20 кг сарфланади.

Сабзавот экинлари уруғи кузда сепилгандында улар жуда эрта униб чиқади.

Сабзи, хұраки лавлаги, пиёз ва укроп экинларидан 15 февралга бориб 0,3—0,5 см узунликта майса ўсіб чиқади. Маълумки баҳорда сепилган шу экинлар уруғининг униб чиқиши асосан баҳорғи об-ҳаво шароитларига боғлиқ. Ёғингарчилик етарли бўлганида уруғлар ер нами ҳисобига, қурғоқчилик йиллари эса суғоришдан кейингина униб чиқа бошлади. Суғориш натижасида бегона ўтларнинг ўсіб чиқиши тезлашади, улар сабзавот экинларининг ривожланишига тўқсқинлик қиласи ва ҳосилдорликнинг пасайишига сабаб бўлади. Уруғ кузда сепилганида эса экинлар жуда барвақт униб чиқади (З-жадвал).

3-жадвал

Сабзавот экинларини кузда ва баҳорда экишнинг иқтисодий самарадорлиги

Экинлар	Экиш муддати	Ҳосилни йигиштириб олиш муддати	Гектаридан олинган ҳосил, ц	1кг маҳсулотнинг харид нархи, сўм	1 гектардан олинган ялпи даромад, сўм
<i>1960 йил</i>					
Сабзи	Кузда	25/V	33,3	10	333,3
		4/VI	64,3		673,2
		10/VI	33,0		329,9
		29/VI	65,7	7	459,6
	Баҳорда	Ялпи ҳосил	199,3		1796,0
		25/VI	99,6	7	696
		30/VI	105,0	7	734
		Ялпи ҳосил	204,6	—	1431
<i>1961 йил</i>					
Сабзи	Кузда	23/V	71,6	10	716,6
		5/VI	88,8	10	887,8
		10/VI	40,6	10	404,6
		Ялпи ҳосил	200,0		2000,0
	Баҳорда	25/VI	96,2	7	673
		29/VI	60,4	7	422
		Ялпи ҳосил	156,6	—	1095
Хұраки лавлаги	Кузда	29/V	365,4	7	2557,8
		20/VI	321,3	4	1285,2
	Баҳорда				
<i>1962 йилда</i>					
Сабзи	Кузда	23/V	28,6	10	286,0
		9/VI	177,1	10	1771,1
		Ялпи ҳосил	205,7		2057,1

САБЗАВОГ-ПОЛИЗ ЭКИНЛАРИНИНГ НАВ ХУСУСИЯТИ ҚАРАБ ТАБР ИФИ

Полиз экинлари

Ўзбекистонда районлаштирилган қовун навларининг таърифи

Ковун навлари, хосилдорлиги (униб чикканидан хосил етил гунчига ўтган давр, кун)	Меваларининг таъки кўринишни	Мева этининг таърифи	Районлаштирилган об- ластлари	Узок масофага ёж- натишга яроқчили ёки яроқсизлиги
Ҳандалак—Кўкча-14 на- виининг хосилдорлиги гек- таридан 220—250 ц, хоси- ли 58—62 кунда етилади	Меваси ялпок, ҳар би- ри ўрга хисобда 0,7—2,5 кг, пўсти силлик, тўрлан- ган, кенг тилимли, асосан яшил ва тилемлари тўк яшил бўлади	Эти оч яшил тусла, ширин, таркибида 6—8% қанд мoddаси бор, хушбўй ҳидди рилади	Анлижон, Фарго- на, Наманганд, Сир- дарё, Гомикент об- ластларида етишти- рилади	Узок масофага жўна- тишга яроқсиз
Заами-672 навиининг хо- силдорлиги гектаридан 180—200 ц, ўртача тез- пишар, хосили 67—70 кун- да етилади	Шарсимон, ҳар бири ўр- та хисобда 2—3 кг, пўсти тилим-тилим, учи ва дум томони тўрланган, кенг, узунасига ажралган йўл- лари ҳамда асосан оч сарик ва яшил доёллари бор. Аж- ралиб турган йўллари	Эти оч сарик, ўрга- ча қалинликда, хушбўй ҳидди, таркибида 97% қанд мoddаси бор	Хоразм области ва Коракалпогистон жўнатишга унча АССРда етиштири-я амайди лади	Узок масофага жўна- тишга яроқсиз
Самарқанд сарик ҳандала- гининг хосилдорлиги гек- таридан 180—250 ц, хоси- ли 70—75 кунда етилади	Меваси ялпокрорк, ҳар би- ри ўрга хисобда 2,5—3,5 кг, билинар-билинмас ти- лими бор, тўри кўп, майдада дагал сариф-яшил ранг- ли, бўртиб кирган йўллари бўлади, асосан сарик	Эти сарғиш, сершира, майнин, тифиз кибида 6,2—8% қанд мoddаси бор	Бухоро, Қашқа- дарё, Самарқанд, Сурхондарё облас- тиларида етиштири- лади	Узок масофага жўна- тишга яроқсиз

Жадвалниң давоми

Көвүн навлары, хосилдорлыгы (уннб чикканидан хосил етилады)	Меваларининг ташқи күрниши	Мева этининг таърифи	Районлантирилган областлари	Узок масофага жұнанатишга яроқсазлиги
Махалий Залма, хосилдорлыгы гектаридан 200—230 ц, 60—65 кунда етилады	Меваси ялпокрок, хар бири ўрта хисобда 1,2—2,3 кг, билнар-билинмас тилеми бор, думи ва үч томони түрләнгән, дөғи йүл-йүл, оч яшил ва жигар ранг, тилемларини оч яшил йүллар ажратиб турады	Эти оқ ёки яшил тусда, тиғиз, шираси үртака, таркибида 4—5% қанд молдаси бор	Бухоро, Қашқадарё, Самарқанд, Сурхондарёда	Узокқа жұнатишга яроқсиз
Бўрикала, хосилдорлыгы гектаридан 180—200 ц, 65—70 кунда етилади	Меваси ясси, сирти силлик, тўрлари бир-бiri билан кам туташган, сирак, ҳар бири 0,8—2,0 кг, оч яшил бўлади	Эти оч яшил, ширин, таркибида 8—10% қанд молдаси бор Юмшоқ этли, томирим кам	Бухоро, Корақалпоғистон АССР	Яроқсиз
Кўккалаатуши, хосилдорлыгы гектаридан 200—250 ц, хосили 73—80 кунда етилади	Меваси юмалюқ, ҳар бири 3,5—5 кг, тилемлари билнар-билинмас, турланмаган, оқ-яшил, сарғинш, яшил бўртиб турган йўллари бор	Эти оқ, ширин, тифиз, таркибида 6,2—8% қанд молдаси бор	Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё, Самарқанд	Яқин масофа-га жұнатишга яроқли
Асати, хосилдорлыгы гектаридан 250—300 ц, 83—98 кунда етилади	Тухумсими ёки эллипс шаклида, ҳар бири 4—7 кг, сирти силлик, йўл-йўл турлари туташиб кетган, йўллари оқ-сарик	Эти оқ-сарик, ширин, таркибида 8—11% қанд молдаси бор, томирли, хушбүй	Андижон, Фарғона, Намаган, Тошкент, Сирдарё	Яқин масофа-га жұнатишга яроқли

Жадвалнинг давоми

Коюн навлари, хосилдорлиги (униб чикканидан хосил етил- гунча ўтган давр, кун)	Меваларининг ташқи кўрининши	Мева этигининг таърифи	Районланштирилган областлари	Узоқ масофага жунатига ярокли ёки яроқсизлиги
Ўртапишаравлар				
Чўғири (Бухарка-944), хосилдорлиги гектаридан 250—300 ц, хосили 85—90 кунда етилади	Меваси овал шаклда, ҳар бир 4—6 кг, сирти бир оз буришган, тўрсиз, сийрак сарик додглари бор, оч сарик (лимон ранг) ёки тўқ сарик	Эти оқ, ширин, тар- кибида 9—12% қанд моддаси бор, мазаси нокка ўйаш, этида ин- гичка томирлари бор	Фарғона, Анди- жон, Наманган, Сир- тишга ярамайди Самарқанд област- ларида етиширила- ди	Узоқка жўна- тишга ярамайди
Дахбеди (маҳаллий), хосил- дорлиги гектаридан 170—250 ц, хосили 85— 90 кунда етилади	Меваси тухумсимон ёки дум томони тўмтоқроқ ҳар бира 3—4 кг, сирти сил- лик, сергур, тўрининг ёриқлари ўргача, асосан оч-яшил рангли, тўнининг йўллари тўқ яшил	Эти оқ яшил, тарки- бида 7—8,6% қанд моддаси бор, хуш бўй, еганда карсилгайди	Самарқанд, Сир- тишга ярамайди областларида етиши- рилади	Узоқка жўна- тишга ярамайди
Махаллий қўйтиц , хосил- дорлиги гектаридан 240—280 ц, хосили 70—75 кунда етилади	Шарсимон ёки чўзиқ- роқ, ўргача катталикда, ҳар бира 3—4 кг, сирти буришган, тўрлари йирик, тўқ сарик рангли, жигар- ранг ёки тўқ сарик доф- лари бор	Эти оқ, томирли, сершира, таркибида 8—10% қанд моддаси бор, нок ҳидли	Бухоро, Қашқа- дарё, Самарқанд, Сурхондарёда етиш- тирилади	Узоқка жўна- тишга ярамайди

Жадвалнинг давоми

Меваларининг ташки кўринишни хосиллорлиги (уchinch чиқkанидан ҳосил етил- gунчча ўтган давр, кун)	Мева этининг тарифи	Районлаштирилган областлари	Узок масофага жўнатишга ярокли. яроқсизлиги
Камол-814, хосиллорлиги ектаридан 200—270 ц, ҳосили 75—80 кунда етил- лади	Тухумсимон, сирти бир оз ғадир-бутир, меваси ўртача катталика, ҳар би- ри 2—5 кг, йирик тўрли, сиртидаги гуллари тасма- симон узун-узун ва кўп- роқ дотга ўхшайди, о‘ чишл жигар ранга яқин жигар ранга яқин	Эти оқ, серцира, таркибида 7—10% қанд моддаси бор	Андижон, Наман- ган, Фарғона област- ларида етиштирила- ди
Ургеничи, хосиллорлиги ектаридан 200—260 ц, хо- сими 72—78 кунда етила- ди	Тухумсимон, ўртача катталника, ҳар бири 2,5—4 кг, сирти силлик, сертур, тўрлари дағал ва йирик, кенг йўлли, асосан сарғиш ёки оч ўшил, йўл- лари эса жагар ранг ва сарик	Эти оқ, серцира, таркибида 5,5—7,0% қанд моддаси бор	Қашқадарё, Сур- хондарё областла- рида етиштирилади
Обливотов, хосиллорли- ги гектаридан 180—250 ц, ҳосили 70—78 кунда ети- лади	Шарсимон ёки эллипс шаклида, мевалари йирик, ҳар бири 3—4 кг, бир оз ғадир-бутир, тўри кам, дум томонидан тўрлайди, зар- ғалдик рангли ёки сарғиш	Эти оқ, ширадор, юмшок, таркибида 7—9,8% қанд моддаси бор	Бухоро, Кашка- дарё, Самарқанд, Сурхондарё област- ларида етиштирила- ди

Жадвалнинг давоми

Ковун навлари, хосилдорлиги (учниб чикканидан хосил етил- гунчча ўтган давр, кун) ¹⁴	Меваларининг ташки кўрининши	Мева этининг таърифи	Районплантирилган областлари	Узоқ масофага жў- натишга ярокли ёки яроқсизлиги
Босвонди, хосилдорлиги гектаридан 250—300ц, хо- сили 70—75 кунда етила- ди	Эллипссимон, мевалари йирик, ҳар бир 3—4 кг, тилимлари билинар-билин- мас, тўри кам ва майдा, факат дум томонидан тур- лайди, ок сарғинш, тилим- лари яшил	Эти оч яшил, мой- симон ва юмшоқ, ши- рин, таркибида 8—10,5% қанд мода- си бор	Бухоро, Кашка- дарё, Самарқанд, Тошкент областла- рида етиширилади	Узоққа жўна- тишга яроқсиз
Тошлилокчи-862, хосилдор- лиги гектаридан 200—260 ц, хосили 72—75 кунда етиляди	Цилиндриксимон, дум то- мони йўғонрой, мевалари майдা на ўртача катталки- да, сирти силлик, кам тур- лайди, дум томонидаги майда турлари бир-бираiga тушашган, яшил рангли	Эти оқ, ширин мой- симон, таркибида 8,3—11,8% қанд мода- си бор	Андижон, Бухо- ро, Фарғона, Самар- қанд, Сирдарё ва Тошкент областла- рида етиширилади	Узоққа жўна- тишга яроқсиз
Оқ новвот, хосилдорлиги гектаридан 230—250 ц, хосили 85—90 кунда ети- лади	Эллипссимон, мевалари нинг катталиги ўргача, ҳар бир 3—4 кг, сирти ғадир- будир, тўрлаши ўртacha, ок сарғинш	Эти оч яшил, жуда ширин, юмшоқ, кумок- кумок, таркибида 88% қанд моддаси бор	Хоразм, Самарқанд областларида етиш- тирилади	Узоққа жўна- тишга кам ярай- ди

Жадвалнинг давоми

Коёнин навлари, ҳосилдорлини (унид чикканидан ҳосили етил- гунча ўтган давр, кун)	Меваларининг ташки кўринишни кўрсатади	Мева этининг таърифи	Районлаштирилган областлари	Узок масофага жү- натишга яроқли ёки яроксизлиги
Туржман қизил уруги-513, ҳосилдорлиги гектаридан 200—260 ц, ҳосили 88—92 кунда етилади	Эллипссимон, канталиги ўргача, ҳар бири 2,4—5 кг, сирғи тилим-тилим, тўрлари ўзгарувчан, Улар меваларни бутунлай ёки қисман қоплайди, тилим- лари билинар-билинмас, унинг ўрамидаги тор ва тўқ яшил ва оч яшил йўл- лари бор	Эти зарфалдок ранг- ли, карсиляйди, жу- да ширин ва хушбуй, таркибида 8—12,2% қанд мoddаси бор	Коракалпогистон АССРда етиши- рилади	Унча узок бўлмаган масо- фага жўнатиш мужкин
Ўзбекистон қизил уруги- 331, ҳосилдорлиги гекта- ридан 220—300 ц, ҳосили 94—100 кунда етилади	Эллипссимон, ўртача кат- талика, ҳар бири 2,5—3,6 кг, сирғи силлик, ийрик тўрлар билан қопланган, тор ва узук-узук йўллари бор, уч томони сарғиш, дум томони оч яшил, йўллари тўқ яшил	Эти зарфалдок ранг, жуда ширин, ванилин ҳиди келиб туради, таркибида 10—12,2% қанд мoddаси бор	Сирдарё, Тошкент областларида етиш- тирилади	Узок, масофа- ларга жўнатиш га яроқли
Аммиакли ўғитларнинг нитратли ўғитлардан фарқи шундаки, аммиакли ўғитларда азот оксидланмаган бўлади. Бу ўғитлардан энг кўп тарқалгани сульфат аммонийдир. Аммиак селитрада азотнинг ярми аммоний шаклида бўлади.

Фосфорли ўғитлар. Ўсимлик учун фосфор кислотасининг тузлари фосфор манбай бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги учун фосфорли ўғитларни маҳаллий заводларда Қоратау фосфорларидан тайёрланадиган суперфосфат шаклида ишлатилади.

Суперфосфатдаги фосфор, монофосфат кальций шаклида $\text{Ca}(\text{H}_2\text{PO}_4)_2$ бўлади. У сувда яхши эрийди, ўсимликлар уни осон ўзлаштиради.

Фосфорли ўғитларнинг барча шакллари Ўзбекистон тупроқларида осон эрийдиган шаклдан қийин эрийдиган шаклга айланадилар. Шунинг учун ҳам фосфорли ўғит-

лар азотли ўғитларга нисбатан тупроқда кам ҳаракатчан бўлади.

Фосфор тупроққа ўғит солинган жойдагина тупроқ томонидан ўзлаштирилади (бирикади).

Калийли ўғитлар. Бизнинг ватанимизда калий хом ашёсига энг бой бўлган жой Соликамск ҳисобланади. Бу ерда калий тузлари хлорли минерал карналит ва сильвинитдан ташкил топгандир.

Ўрта Осиёга калий ўғитларидан асосан калий хлори (KCl) ва 40% ли калий тузи келтирилади.

Ерни калийли ўғитлар билан ўғитлаш натижасида тупроқда модда алмашиш реакцияси содир бўлади ва тупроқ калийли ўғитларни ўзлаштиради. Ердаги калийли ўғитларни ўсимликлар осон ўзлаштиради.

Ёғингарчилик кўп бўлган йиллари ва экинларни нормадан ортиқча суғориш натижасида калий тупроқнинг пастки қатламларига ювилиб кетади.

Қисман калий тупроққа сингиб ўсимликлар ўзлаштириши қийин бўлган бирикма ҳосил қиласди.

Қўйидаги жадвалда сабзавот-полиз ва картошка экинларининг ўсиш ҳамда ҳосил бериш даврида тупроқдан оладиган озиқ моддалари миқдори кўрсатилган.

10 - жадвал

Сабзавот-полиз экинлари ва картошканинг тупроқдан оладиган озиқ моддалари миқдори*

Экинлар	Ҳар 100 центнер маҳсулот ҳисобига ўзлаштирилган			Моддалар нисбати, %		
	тупроқдан (кг)			азот N	Фосфор P_2O_5	калий K_2O
Картошка	50,0	20,0	70,0	35,7	14,3	50,0
Полиз экинлари	50,7	12,5	—	—	—	—
Помидор	33,0	11,4	45,3	37,0	13,0	50,0
Бодринг	27,5	14,6	44,2	32,0	17,0	51,1
Оқ карам	41,0	14,0	49,0	39,8	13,7	46,5
Бошибиёз	44,2	11,6	21,0	57,5	15,1	27,4
Сабзи	23,3	10,2	38,0	32,6	14,3	53,1
Хўраки лавлаги	27,0	15,3	42,8	31,6	17,9	50,5

* Ўғит тўғрисида қўлланма «Колос» нашриёти, Москва, 1964 й.

Минерал ўғитларнинг физик-химик хусусиятлари

Ўғитлар номи	Асосий химия-вий тарқиби	Тарқибидаги озиқ мөддалар миңдори, %	1м³ ўғитнинг вазни, т	Бошқа айрим хусусиятлари
Аммиак селитраси (нитрат аммоний) Майда кристали ва дона-дорлаштирилган	NH ₄ NO ₃ NH ₄ NO ₃	34,7—35,0 «	0,82 0,84	сувда жуда яхши эриди, ўзига нам тортиши жуда юқори, сочилиш қобилияти ёмон, муштлашиб қолишига мойил
Сульфат аммоний (сернокислый аммоний)	(NH ₄) ₂ SO ₄	20,5—21,5	0,80	сувда яхши эриди, намни кам тортади, сочилиши ўртача, муштлашиб қолиши кучсиз
Мочевина (карбамид майда дона-дорлаштирилган кристали)	(NH ₄) ₂ CO « «	46,00 46,00 46,0	0,65 « «	сувда жуда яхши эриди, кучли нам тортади (гигроскопик). Қуруқ ўғити яхши сочилади. Сал нам тортса сочилиши жуда қийинлашади
Оддий су-перфосфат Дона-дорлаштирилган су-перфосфат	Ca(H ₂ PO ₂) ₂ H ₂ O+2CaSO ₄ аралашмали, соф H ₃ PO ₄ билин 5,5 % гача (P ₂ O ₅) хисобида) юқоридаги- дек софи (P ₂ O ₅) хисо- бида 1—2,5%	1-сортida 19,5 2-сортida 19,0 3-сортida 14,0 19,5	1,2 1,1	сувда эрувчан, намликни кам тортади, сочилиши нам тортиб қолганда ёмон, бир оз муштлашади юқоридагидек сува эрувчан, лекин ёпишиб қолмайди
Преципитат	CaHPO ₄ × ×2H ₂	38—40	0,85	лимон-нордон-аммонийда эриди, нам тортмайди, яхши сочилади ва ёпишиб қолмайди
калий хлор	KCl га бир оз NaCl ара-лашган	52,4—56,9	0,92—0,95	эрувчан, намни кам тортади, қуруқ ўғити яхши сочилади, қаттиқ муштлашиб қолади

Ўғитлар номи	Асосий химиявий таркиби	Таркибидаги озиқ моддалар миқдори, %	1м³ ўғитнинг вазни, т	Бошқа айрим хусусиятлари
40% ли калий тузи	75% гача NaCl аралашган KCl	40,0	1,0—1,2	эрувчан, намни кам тортади, яхши сочилади, бир оз муштлашиб қолади
Сильвинит	75—80% гача NaCl аралашган KCl	12—15	1,1—1,2	эрувчан, намни кам тортади, яхши сочилади, қаттиқ муштлашиб қолади
Калий сульфати	K ₂ SO ₄	45—60	1,25—1,4	эрувчан, намни кам тортади, яхши сочилади, муштлашиб қолмайди

Кейинги йилларда таркибида икки ёки учта озиқ моддаси бўлган мураккаб ўғитлар кенг тарқала бошлади. Ўзбекистон сабзавотчилигига таркибида азот ва фосфор миқдори бир хил бўлган мураккаб аммофос диаммофос ва нитрофос каби ўғитлар ишлатилади.

12 - жадвал

Мураккаб ўғитларнинг физик-химик хусусиятлари

Ўғитларнинг номи	Асосий химиявий таркиби	Таркибида, %			Бошқа хусусиятлари
		N	P ₂ O ₅	K	
Аммофос	NH ₄ H ₂ PO ₄	11—12	48—50	—	нам тортмайди ва ёпишиб қолмайди
Диаммофос	(NH ₄) ₂ HPO ₄	20	53	—	бир оз нам тортади ва бир оз ёпишиб қолади
Аммонийлашган суперфосфат	Ca(H ₂ PO ₄) ₂ — —H ₂ O+ +NH ₄ H ₂ PO ₄	2,3	14	—	нам тортмайди (гигроскопик эмас, муштлашиб қолмайди)
Нитрофоска (нордон аммонийли азот, диаммофос ва калий хлори аралашмаси)		16	16	16	бир оз нам тортади ва муштлашиб қолади

Микроўфитлар

Үсимликлар томонидан жуда кам ўзлаштирилади-
ган, таркибида озиқ моддалари кам бўлган ўфитлар
м и к р о ў ф и т л а р дейилади.

Микроўфитлар асосан турли саноат корхоналарининг
чиқиндилиаридан тайёрланиб қишлоқ хўжалигида ўғиг
сифатида жуда оз фойдаланилади.

13 - жадвал

Микроўфитларнинг муҳим хусусиятлари

Микроўфитларнинг номи	Химиявий таркиби	Тарки- бидаги озиқ модда миқдо- ри % ҳи- собида	Баъзи хусусиятлари
Бор кислотаси	H_3BO_4	17,5	сувда яхши эрийди ва нам тортмайди
Бура	$Na_2B_4O_7 \times 10H_2O$	11,3	(гигроскопик эмас) сувда яхши эрий- ди ва ўзига нам тортмайди
Марганец сульфати Марганец чиқиндиси (фабрика чиқиндилари)	$MnSO_4 \times 4H_2O$	24,6	»
Мис сульфати	$CuSO_4 \times 7H_2O$	9,15	»
Молибденли нордон аммоний	$(NH_4)_6 \times$ $\times MO_7O_{25} + 4H_2O$	25,9	«
Темир купороси	$FeSO_4 \times 7H_2O$	54	«
Сульфатли кобальт	$CoSO_4 \times 7H_2O$	20,0	«
		21,0	«

Ерга оддий ўфитлар билан бирга микроэлементлар ҳам солинади. Масалан, ерга бир тонна гўнг солинганида унинг таркибида 28—29 грамм марганец, 20 грамм мис, 35—36 грамм бор ва 2,1—2,2 грамм кобальт бўлади.

Сабзавот-полиз экинлари ва картошка учун микроўфитларнинг сувда эрийдиган хилларидан фойдаланила-ди.

Микроўфитларни асосий ўфитларга аралаштириб со-
лиш, шунингдек, улардан экиш олдидан уруғларга
ишлов беришда фойдаланиш ҳам мумкин. Уруғлик кар-
тошкани микроўфитлар эритмаси билан намлаш ёки шу
эритмани экинларга сешиб озиқлантирса ҳам бўлади.

МАҲАЛЛИЙ ЎҒИТЛАР

Маҳаллий ўғитлар таркибида ўсимликлар ҳаёти учун зарур бўлган барча озиқ моддалар бўлади. Маҳаллий ўғитлар тупроқдаги микроорганизмларнинг фойдали ишини кучайтиради ва тупроқнинг физик хусусиятини яхшилайди.

Гўнг асосий органик ўғит ҳисобланади, унинг таркибида ўсимлик ҳаёти учун зарур бўлган озиқ моддалар: 0,35—0,50% азот, 0,2—0,3% фосфор, 0,5% калий ва макроэлементлар бўлади.

Гўнгнинг сифати ем-хашак ҳамда молларнинг турига, гўнгни сақлаш усулига ва молхоналардаги тўшамаларнинг миқдори ва сифатига боғлиқ.

14 - жадвал

Гўнг таркибидаги озиқ моддалар, %

Гўнгнинг тури	Гўнг таркибидаги		
	азот	фосфор	калий
От	0,32—0,84	0,18—0,68	0,23—0,80
Мол	0,21—0,75	0,11—0,65	0,19—0,75
Чўчқа гўнгидан	0,28—1,05	0,15—0,73	0,22—0,85

Ўзбекистонда тўшама сифатида похол, кесилган қамиш, шоли қипиғи, дарахт барглари, дарахт қириндила-ри ва бошқалар ишлатилиб, ҳар суткада битта молга қўйидаги миқдорда тўшама ишлатилади: от учун 3—6 кг, қўй ва эчки учун — 0,5—1 кг ва чўчқа учун 6—7 кг.

Бу тўшама молларнинг суюқ чиқиндиларини ўзига сингдириб фойдали озиқ моддаларни, айниқса аммиакли азотни йўқолишини кескин камайтиради.

Агар, моллар йилига 220 кун боғлаб боқилади деб фараз қилинса, уларнинг ҳар биридан қўйидагича гўнг олинади:

қорамолдан	— 7,5	т
отдан	— 4,8	т
қўй ва эчкилардан	— 0,6	т
чўчқадан	— 0,8	т
паррандалардан	— 0,007	т

Гўнг қўйидаги уч усулда сақланади:

1. Зичлаб ёки «совуқ усулда» сақланганда гўнгнинг температураси 35—50° га етади.

2. Иссиқ усулда гүнг зичланмасдан сақланади, шунда гүнгнинг температураси 60—70° га етади.

3. Гүнгни сийрак, зичламасдан совуқ усулда сақлаш жуда фойдали ҳисобланади.

Гүнг катта уюмда сақланганда кичик уюмда сақлашга нисбатан таркибидаги озиқ моддаларни кам йўқотади. Гүнгга суперфосфат аралаштириб (10 т гүнгга 200—400 кг суперфосфат ва унинг) устуни тупроқ билан беркитиб сақланганда, озиқ моддаларнинг йўқолиши камаяди.

Имконият бўлса сабзавот-полиз экинлари ва картошка экилган майдонинг ҳар гектарига 25—40 т дан гүнг солиш тавсия қилинади.

Кўпинча органик ўғитларга минерал ўғитлар аралаштириб солинади ва бу яхши натижада беради.

Гўнгни тавсия этилган миқдорда минерал ўғитларга аралаштириб берилганда ҳар гектарга 15—20 т дан гўнг сарфланади.

Эртаги сабзавотлар экиладиган ерга гўнг кузда ҳайдаш вақтида, ёзги экинлар экиладиган бўлса баҳорда ёки ерни экишга тайёрлаш вақтида солинади.

Гўнгни ханжуворларга ёки қаторлар орасига солиш энг фойдалидир; бунда гўнг солиш нормаси икки-уч марта камайсада, гўнгнинг фойдали таъсири камаймайди.

Масалан, тажрибаларда қовуннинг Қизилуруғ нави экилган майдоннинг гектарига 60 т ҳисобидан гўнг берилганда гектаридан 259 ц ҳосил олинган бўлса, гектарига 20 т гўнг фақатгина ханжуворларга солингандагектаридан 249 ц ҳосил олинди.

Сабзавотчиликда органик ўғит сифатида гўнгдан ташқари парранда ахлати, компостлаштирилган ҳожатхона ахлати, ҳар хил компостлар, кунжара, ипак қурти ганаси, ариқ лойи ва ғўзапоя куллари ишлатилади. Бундан ташқари бошқа маҳаллий ўғитлардан ҳам фойдаланилади.

Органик ўғитларни ерга минерал ўғитларга аралаштириб солиш уларни алоҳида-алоҳида солишга нисбатан самаралироқдир.

Кўкат ўғитлар. Ерни органик моддалар ва азот билан бойитиш учун дуккакли экинларнинг кўк ҳолида ерга ҳайдаб юборилишига кўкат ўғит ёки сидерат деб аталади.

15-жадвал

Органик ва минерал ўғитларни алоҳида-алоҳида ва аралаштириб солишинг экинлар ҳосилдорлигига таъсири, (ҳосил, гектаридан центнер)

Экин турлари	Ўғитланмаган ҳолда	Гектарига 40 т гўнг солингандага	Минерал ўғит солингандага азот, фосфор, калий	Гектарига 10—15 т гўнгга минерал ўғитлар: азот, фосфор, калий аралаштириб солингандага
Карам	241	473	464	545
Помидор	337	423	446	456
Қовун	166	242	196	246
Картошка	93	107	114	126

16-жадвал

Турли маҳаллий ўғитлар таркибидағи озиқ моддалар миқдори, ҳар тоннасида килограмм ҳисобида

Маҳаллий ўғит хиллари	Азот	Фосфор	Калий
Компостлаштирилган ҳожатхона ахлатида	4,5	1,5	1,5
Парранданинг қуруқ тезагида	34	16	8
Парранданинг суюқ тезагида:			
төвуклар	15	18	9
ўрдаклар	8	5	5
ғозлар	6	5	10
Кунжарарада	68	28	16
Ипак құрты ахлатларида	100	20	15
Ариқ лойида	0,6	1,2	0,7
Ғұзапоя кулларида	—	80	30

17-жадвал

Дүккакли экинлар таркибидағи күк масса ва йигилган озиқ моддалар миқдори

Экинлар турлари	Күккат ҳосили, гектаридан центнер	Ҳар гектарда түпланган азот, кг	Күк массасына нисбатан озиқ элементлар миқдори, %		
			азот	фосфор	калий
Хашаки нұхат	160—250	80—130	0,50	0,15	0,50
Нұхат	130—250	75—130	0,50	0,15	0,50
Чина	100—180	50—90	0,48	0,14	0,40
Кизил беда	130—260	70—140	0,48	0,13	0,44
Шабдар	180—350	70—140	0,50	0,14	0,50
Мош	180—220	75—135	0,50	0,15	0,50

Дуккакли экинлар кўқати таркибидаги азот ва бош-қа озиқ моддалар миқдори қўйидаги жадвалда келтирилади.

Сидератлар эртаги экинлар ҳосили йиғиштириб олингандан кейин ёки кеч кузда экиласди.

Кузда экилган сидерат экинлар баҳорда ҳайдаб юборилиб, у ерга қовун экиласди. Ҳайдашдан олдин ер дискали борона билан узунасига ҳамда кўндалангига яхшилаб дискаланади.

Кўкат экинлар чимқирқар ўрнатилган плуг ёрдамида 30—35 см чуқурликда ҳайдаб юборилади ва бу иш асосий экин экилишига 20—30 кун қолганида бажарилиши керак.

Гумин ўғитлар. Бу ўғитлар кўмир, тўқимачилик ва қоғоз саноати чиқиндиларидан ҳамда қўнғир кўмирнинг нураганидан олинади.

Бизда саноат йўли билан гумат натрий, гумофос. нитрогумофос ва бошқалар ишлаб чиқарилади.

Гумофос таркибида 13% фосфор, 55% азот, 7,5% гумин моддалари бор.

Гумофос ўғити сабзавот, полиз экинлари ва картошкага берилади. Бунинг учун асосий ўғит сифатида ҳайдашдан олдин гектарига 400—500 кг, қўшимча озиқ сифатида эса 150—200 кг дан гумофос солинади.

Гумофоснинг самарадорлигини қўйидаги мисолдан кўриш мумкин.

Ўзбекистоннинг бўзтупроқли ерларида гумофос берилмайди. Картошканинг Лорх нави экилганда гектаридан 208 ц ҳосил кўтарилди. Унинг таркибидаги крахмал 13,5% га етди. Шу ерларнинг гектарига 4 ц гумофос солинганда картошканинг Лорх навининг ҳосилдорлиги 211 ц ни, таркибидаги крахмал эса 14,1% ташкил қилди, ҳосили гумофос солинмаганда 604 ц ни, кечки камарники 634 ц ни, таркибидаги қанд моддаси 3,0% ташкил этди.

Гектарига 8 ц дан гумофос солинганда картошка ҳосилдорлиги 257 ц ни, таркибидаги крахмал 14,7%, камарни ҳосили эса 772 ц ни ва қанд моддаси 3,4% ташкил қилди.

Сабзавот-полиз экинлари ва картошкани ўғитлаш. Сабзавот-полиз экинлари ва картошкани ўғитлаш учун бу экинларнинг биологик хусусиятлари ҳамда минерал ўғитларнинг тупроқдаги ҳаракатланишини эътиборга

18-ЖАДВАЛ

Сабзавот-полиз экинлари ва картошканинг ҳосилдорлигига қараб бериладиган йиллик минерал ўғитлар миқдори, (соғ модда) гектарига килограмм

Экин турлари	Планлаштирилган хосиллардан гектаридан центнер	Органик үйитлардан гүнг, гек- тарига тон- на	Бўз тупрокларда		Ўтлоп тупрокларда		
			азот	фосфор	калий	азот	фосфор
Сабзавотлар	220-250	20	120-160	120-160	50-60	100-120	120-140
Полиз экинлари	250-300	20	100-120	100-120	40-50	80-100	100-120
Картошка	140-180	20	100-140	100-140	60-80	80-100	100-120

И з о х: Минерал ўғитлар органик ўғитларга аралаштириб солинганда,
йиллик минерал ўғитлар нормаси камайтирилади.

олиш, ўғитлар экин экишдан олдин (ер ҳайдаш вақтида) ва экин экиш вақтида ва экишдан кейин (қўшимча озиқлантириш) солиши тавсия қилинади:

Эртаги карам, гулкарам, пиёз, барча кўкат экинла ва эртаги картошка экиладиган ерни ҳайдаш вақтида гектарига 10 т дан гўнг, йиллик фосфор нормасининг 75% и, калийнинг бир йиллик нормасининг ҳаммаси солинади, фосфорнинг қолган 25% и картошка экиш вақтида майдо уруғли сабзавот экиладиган ер эса эгат олиш вақтида ўғитланади.

Азотли ўғитлар йиллик нормасининг 50% и ерни асосий ҳайдаш олдидан (сизот сувлари чуқур жойлашган тупроқларда) экиш олдидан тупроқни тайёрлаш вақтида солинади. Ўғитнинг қолган қисми эса карам бош ўраш олдидан, картошка гуллаши олдидан, пиёз ва кўкат экинлар биринчи ўтоқдан чиққанидан кейин солинади.

Помидор, бодринг экинларига фосфорни йиллик нормасининг 75% и ерни кузги ҳайдаш даврида ёки экинни экиш олдидан тупроқни ишлаш пайтида органик ўғитларга (гектарига 20 т дан) аралаштириб берилади, ўғитнинг қолган қисми эса эгат олиш вақтида берилади.

Азотли ўғитлар йиллик нормасининг 50% и, калийли ўғитлар йиллик нормасининг ҳаммаси экин экиш олдидан тупроқни ишлаш пайтида солинади. Ўғитнинг қолган қисми бодринг 5—6 та барг чиқарганда, помидорга эса биринчи ишлов бериш даврида солинади.

Карамга фосфор йиллик нормасининг 75% и, калийнинг эса ҳаммаси ерни шудгорлаш даврида солинади.

Карам кўчати экилиб яхши тутганидан кейин бериладиган йиллик азот нормасининг 30% и, карам бош ўрагандан кейин эса қолган 70% и берилади. Бунда карамнинг азотдан фойдаланиш коэффициенти яхшиланади, азот тупроқнинг пастки қатламига ювилиб кетмайди, ҳосилдорлик ортади.

Кечки картошка экинига солинадиган йиллик фосфорнинг 75% и, калийнинг эса 50% и ерни ҳайдаш олдидан берилади. Калийли ўғит йиллик нормасининг 50% и ерни ҳайдаш даврида, қолган 50% и эса картошка ғунчалагандан кейин 25% фосфор қўшиб солинади, шундай қилинганда картошка фосфор ва калий билан тўлиқ таъминланиб, ҳосилдорлик ошади, ҳосилнинг сифати яхшиланади,

Картошкага азотли ўғитларнинг 50% и экишдан олдин ерни ишлаш вақтида, қолган қисми эса картошка гүнжалаш даврида берилади.

Полиз экинларига минерал ўғитлар гүнгі (гектарига 20 т дан) аралаштириб берилади. Хўжалик қатарли миқдорда гўнг бўлса, ерни ҳайдаш вақтида йиллик фосфор нормасининг 75% и гўнгга аралаштириб солинади.

Гўнг етишмаганида эса, гўнгни жуфт эгатларга бир метр кенглика, йиллик фосфор нормасининг 25% ига аралаштириб солиш тавсия этилади.

Қовун ҳосилдорлигини ошириш ва қовун таркибида қанд моддасини кўпайтириш учун бир йиллик азот нормасининг 50% ини экиш олдидан тупроқни тайёрлаш вақтида берилади, қолган қисми эса ўсимликда тўртбешта барг пайдо бўлган вақтида бериш тавсия қилинади.

Гўнг солинганидан кейин у иккинчи йили қаргошка, пиёз ва илдиз мевали экинларга яхши таъсир этади.

Эски бедапоялардан бўшаган ерларни органик ўғит билан ўғитлашнинг фойдаси жуда каттадир. Ҳар гектарга бериладиган органик ўғитлар миқдори (гектарига 10—40 т) планлаштирилган ҳосилдорликка ва агротехника даражасига боғлиқ.

Бедапоялар ҳайдалганидан кейин биринчи ва иккинчи йили фақатгина минерал ўғитларгина берилади. Бунда азотли ўғитлар фосфорли ўғитларга қараганда камроқ солинади.

Бедапоялар ҳайдалганидан кейин учинчи йилдан бошлаб унинг азотга талаби ортади, шунинг учун азотнинг йиллик нормаси оширилади.

Ўтлоқ-ботқоқ тупроқлар азотга қараганда кўпроқ фосфорни талаб қиласди.

Сабзавот алмашлаб экишда кўкат ўғит сифатида сидерат экинлардан биринчи навбатда нўхат ҳамда шабдор куз-қишиш ва баҳорда ўстирилади.

Ўғитнинг йиллик нормасини аниқлашда дастлаб экинни биологик хусусиятлари, ўғитларнинг экинларга таъсири, тупроқ унумдорлиги, экин ҳосилдорлиги ва қўлланиладиган агротехника эътиборга олинади.

Ўғитлар тупроқдаги мавжуд озиқ моддалар миқдорига қараб берилади. Тупроқ таркибидаги фосфор ва калийнинг миқдорига қараб сабзавот-полиз экинлари

ҳамда картошкани мана шу ўғитлар билан ўғитлашнинг тахминий йиллик нормаси тавсия қилинади.

Ҳозир барча колхоз ва совхозларнинг тупроқ ва агрохимик карталари бор. Бу карталарда тупроқ анализи натижасида, далаларда озиқ моддалар кам ёки кўплиги кўрсатилган бўлиб, ўғит солишдан олдин дала-нинг ўзидағи қолдиқ ўғитлар эътиборга олинади ва шунга қараб далаларни ўғитлаш нормалари белгилана-нади.

Агрохимик картограммага асосланиб минерал ўғиг бериш натижасида ўғит бирмунча тежалади ва ўғитдан тўғри фойдаланилади. Шунинг учун минерал ўғитларни тақсимлашда агрохимик картограммага асосланиш керак. 19-жадвал тупроқни анализ қилиш натижасига қараб унинг тажрибада ўғит миқдори кўп ёки озлигини белгилаб беради. Ўғит солишда мазкур жадвалдан фой-даланиш мақсадга мувофиқдир.

19- жадвал

Агрохимик картограмма бўйича фосфор ва калийнинг тахминий йиллик нормаси

Экинлар	Планлантирилган хосил, гектаридан центнер	1 кг тупроқ таркибидағи фосфор, миллиграмм ҳисобида				Тупроқнинг калий билан таъминланганлиги 1 кг тупроқдаги калий миқдори, миллиграмм ҳисобида					
		Жуда кам, 15 гача	КdM, 16—30	Ўргача, 31—45	кўп, 46—60	Жуда кам, 60 дан ортик	Жуда кам, 100—60 дан ортик	Кам, 101—200	Ўргача, 201—300	кўп, 301—400	Жуда кам, 400 дан ортик
Сабзавотлар	220	I44	I20	96	72	48	60	50	40	30	20
	250	I40	I60	I28	96	64	72	60	48	36	24
Полиз ҳинклари	250	I20	I00	80	60	36	60	50	40	30	20
	300	I44	I20	96	72	48	72	60	48	36	24
Картошка	I40	I20	I00	80	60	36	72	60	48	36	24
	180	I68	I40	I12	84	50	96	80	64	48	32

Маълумки, колхоз ва совхозларга минерал ўғитларнинг хилма-хил тури келтирилади ва улар таркибидағи соф озиқ модда миқдори ҳам турлича бўлади. Масалан, азотли ўғитлардан аммофос таркибида 11—12%, карбамид таркибида эса 46% соф азот моддаси бўлади. Оддий суперфосфатда 19,5% фосфор, преципитат таркибида эса 38—40% гача соф фосфор элементи бор. Шу-

нинг учун ҳам одатда ўғитлаш нормалари гектарга соф ўғитлар ҳисобида ўғит тури бўйича бир гектарга сарфланадиган миқдори ҳар хил бўлади. Масалан, бир гектарга 70 кг соф азот моддаси солиш учун аммофосдан (таркибида 11—12% азоти бор) 540 кг, карбамид ўғитидан фақат 153 кг сарфланади, холос.

Таркибида турлича озиқ мэддалари бўлган ўғитларни ерга солиш нормалари 20-жадвалда кўрсатилганидек аниқланади.

20-жадвал

Таркибидаги озиқ мэддалари турлича бўлган ўғитларни ерга солиш нормаси

Ўғитлар таркибидаги озиқ мэддалар миқдори, %	Соф озиқ мэддаларнинг дозалари, кг									
	10	20	30	40	50	60	70	80	90	100
Бир гектарга сарфланадиган ўғит миқдори, кг										
13	77	154	231	308	385	462	539	616	690	770
14	71	143	214	286	357	429	500	572	642	714
15	67	133	200	267	333	400	466	532	600	666
16	62	125	187	250	312	375	438	500	563	616
17	59	118	176	235	294	354	412	472	528	588
18	56	111	157	222	278	333	389	444	498	554
19	53	105	157	210	263	315	368	420	474	526
20	50	100	150	200	250	300	350	400	450	500
33	30	61	91	121	151	182	212	242	273	303
34	30	60	90	120	150	180	210	240	270	300
35	29	57	86	114	143	171	200	228	257	284
40	25	50	75	100	125	140	175	200	225	250
60	17	33	50	66	83	100	107	133	150	167
63	16	31	47	66	79	95	111	127	143	159

Кохзоз ва совхозларнинг ишлаб чиқариш шароитида сабзавот экинларга ишлов бериш ва ўғитлаш вақтида минерал ўғитларни кўпинча аралаштириб солиш эҳтиёжи туғилади. Лекин ҳамма ўғитлар ҳам бир-бири билан безарар аралашиб кетавермайди. Баъзан улар ўзаро бирикиб фойдали хусусиятларини йўқотиши мумкин. Шунинг учун ўғитларни бир-бирига аралаштиришда маълум қоидаларга риоя қилиш керак (21-жадвал).

Асосий ўғитларни аралаштириш қоидалари

Ўғит хиллари	Хлорли аммоний	Сульфат аммоний	Цианамид кальций	Преципитет	Суперфосфат	Томас шлак	Фосфоруни	Сильвинит	Калий тузи	Карбонат антидрид
Гүнг	0	0	0	M	M	0	M	M	M	0
Хлорли аммоний . . .	—	M	0	0	M	0	0	M	M	0
Сульфат аммоний . . .	M	—	0	0	X	0	0	M	M	0
Цианамид кальций . . .	0	0	—	0	0	M	M	X	X	M
Преципитет	0	0	0	—	0	M	0	X	X	0
Суперфосфат	M	X	0	0	—	0	X	M	M	0
Сильвинит	M	M	X	X	M	X	X	—	M	X
Калий тузи	M	M	X	X	M	X	X	M	—	M
Мочевина (карбамид)	M	M	X	M	M	M	M	X	X	X

Жадвалда графалар тик ва күндалангига учрашган жойда О белгиси бўлса, ўғитларни аралаштириш мутлақо ярамайди, М белгиси бўлса, ўғитни тупроққа солишдан анча олдин аралаштириш мумкин, X белгиси бўлса ўғит тупроққа солишдан фақат бир сутка олдин аралаштирилиши мумкинлиги кўрсатилган.

САБЗАВОТ-ПОЛИЗ ЭКИНЛАРИ ВА ҚАРТОШКА ПАРВАРИШИ ҲАМДА ҲОСИЛНИ ИИГИБ ОЛИШДА ИШЛАТИЛАДИГАН МАШИНА ВА ҚУРОЛЛАР

Меҳнат унумдорлигини ва ишлаб чиқариш самара-дорлигини оширишда комплекс механизацияни қўлла-ниш, техник-иқтисодий кўрсаткичлари юқори бўлган машиналар системасини жорий қилиш асосий омиллардан ҳисобланади.

Сабзавот-полиз экинлари ва картошка етиштириш илмий текшириш институти ҳамда республикадаги илгор хўжаликлар ёрдамида Ўзбекистоннинг сугориладиган деҳқончилик шароитига мос келадиган технология ва машиналар системаси аниқланган.

Сабзавотчиликда ишларни янада кўпроқ механизациялаштириш учун биринчидан, пахтачиликда қўлланиб келинаётган барча механизация воситалари сабзавотчилик эҳтиёжларига мослаштирилиши ва иккинчидан саб-

завотчилик учун маҳсус чиқарилаётган техника бизнинг суғориладиган шароитга мослаштирилиши лозим. Масалан, ер ҳайдаш, текислаш, бороналаш, зааркунандаларга қарши кураш ҳосилни ташиб олиш каби ишлар, экин қатор ораларига ишлов бериш асосан пахтачиликда қўлланиб келинаётган техника воситаларида бажарилса, сабзавот экинларини экиш, кўчат ўтқазиш, ҳосилни йиғиши учун суғориладиган зона шароитларига мавжуд техникани мослаштириш керак. Ана шундагина сабзаточиликда механизация кенг кўламда жорий этилиб меҳнат унумдорлиги ортади ва қўл меҳнати сарфи камаяди.

Натижада 1 ц маҳсулот етишириш учун ҳозир 1,2—1,3 киши куни сарфланаётган бўлса, механизациядан кенг фойдаланилган Тошкент область Қалинин районидаги «Қорасув», «Назарбек», «Тошкент» совхозлари, Қалинин номли, Охунбоев номли колхозларда 1 ц сабзавот маҳсулотлари етишириш учун 0,5—0,6 киши куни сарфланмоқда.

Биргина кўчат экувчи СКН-46 машинаси қўлланилганда меҳнат унумдорлиги тўрт марта, полиз экинлари СТХ-4А маркали мослаштирилган сеялкада экилганда эса етти марта ортади.

Тракторлар. Тракторлар бажарадиган ишларига қараб уч группага бўлинади: умумий ишларни бажарадиган тракторлар, экинларга ишлов берувчи ёки универсал тракторлар, боғ ва томорқаларни ишлайдиган маҳсус тракторлар.

Умумий ишларни бажарадиган трактор ёрдамида ер ҳайдалади, экин экилади, экинлар культивация қилинади ва ҳосил йиғишириб олинади. Бу группага асосан ўрмаловчи Т-74, ДТ-75, Т-4, Т-100 маркали тракторлар киради. Иккинчи группага кирувчи тракторлардан кўпинча экин экишда, қатор ораларини ишлашда ва техник экинларга ишлов беришда, ҳосилни йиғишириб олиш, юк ташиш ва бошқа ишларни бажаришда фойдаланилади. Бу группага Т-28Х 4, МТЗ-5, МТЗ-50, Т-40 маркали гилдиракли тракторлар киради.

Боғ-томорқани ишлайдиган III группа тракторлар ва ўзиюрар шассилар сабзаточиликдаги барча ишларни механизациялашда қўлланилади. Бу группага Т-25 тракторлари, Т-16 М, СШ-20 каби ўзиюрар шассилар киради.

Ер ҳайдаш ва тупроқни тайёрлаш. Сабзавот-полиз экинлари ва картошка учун ерни ўз вақтида сифатли қилиб тайёрлаш тупроқ структураси яхшиланишига, нам тўплашга, бегона ўт ва ҳашаротлар анча камайишига имкон беради.

Ерга асосий ишлов бериш бу бегона ўтларга қарши оловли культиваторлар қўллаш, бегона ўтларнинг илдиз ҳамда пояларини йўқотиш, ерни ҳайдаш олдидан суғориш, органик ва минерал ўғитлар солиш, ерни кузда шудгорлашдан иборатdir.

КО-2,4 маркали оловли культиватордан экинлар ҳосили йиғишириб олингандан кейин қолган бегона ўтлар уруғи ва ҳосил чиқиндиларини ёппасига куйдириб юборишда фойдаланилади. Бу культиватор Т-28Х3 тракторига ўрнатилади ва суютирилган пропан-бутан гази аралашмаси билан ишлайди.

Оловли культиваторнинг иш унуми соатига 0,74 гектар, шунда гектарига 40—50 кг суюқ газ сарф бўлади, 900—1000° иссиқ аланга бериб ўсимлик қолдиқларини куйдиради.

Кўп йиллик бегона ўтлар (гумай, ажриқ) илдизларини тирмалаб олиш, ерни экишга тайёрлашнинг энг муҳим агротехник тадбирларидан бири ҳисобланади. Бунинг учун КНП-4Г культиваторидан фойдаланилади. Бу культиваторда ер 16—18 см чуқурликда юмшатилилади.

3—4 м кенгликдаги КПН-4Г культиватори «Беларусь» тракторига ўрнатилади. Унинг иш унуми соатига 2 гектар.

Ерни шудгорлаш. Ер кузда ва баҳорда уч-тўрт, беш корпусли ва тиркаладиган плуглар ёрдамида ҳайдалади.

Тўрт корпусли «Пахарь» ўрнатма плуг солиштирма қаршилиги 0,9 кг/см² ли тупроқларни ҳайдашга мўлжалланган бўлиб, ДТ-75, Т-74, ДТ-54А тракторлари ёрдамида ишлайди. Трактор соатига 7 км тезликда юрганда бир соатда 1,0 гектар ер ҳайдайди.

Беш корпусли «Труженик — У» ўрнатма плугида солиштирма қаршилиги 1,3 кг/см² гача бўлган ер ҳайдалади. Бу плуг ДТ-75, Т-74, Т-4 тракторлари ёрдамида ишлайди. Трактор соатига 7 км тезликда юрганда бир соатда 1,2 гектар ер ҳайдалади.

Ерни икки ярусли плугда ҳайдаш, касаллик, зааркунанда ва бегона ўтларга қарши курашда яхши натижа беради.

Уч корпусли ПЯ-3 —35 маркали плугда солиштирма қаршилиги 1 кг/см² гача бўлган ерлар икки ярусли қилиб ҳайдалади. Бу плуг ДТ-75, Т-74, ДТ-54 А тракторлари ёрдамида ишлайди. Иш унуми (трактор соатига 7 км тезликда юрганда) — соатига 0,7 гектар. Тупроқ майдагесакли бўлиши учун ҳайдаш билан бир йўла борона ҳам босилади.

Сабзавот-полиз экинлари ва картошканинг сифатли экилиши кўп жиҳатдан далани экишдан олдин яхшилаб текислашга боғлиқ. Ернинг текис бўлиши айниқса суфориладиган деҳқончилик районларида жуда муҳимdir, чунки текис ерда сув тўғри тақсимланади. Ер ДТ-54 А, ДТ-75, Т-74 тракторлари ва КЗУ-0,3 агрегати ёрдамида текисланади.

«Беларусь» тракторига ўрнатилган ВПН-3,5 маркали текисловчи мослама ишлатилганда ҳам ерни экишга тайёрлашда яхши натижага эришилади.

Ерни ўғитлашни механизациялаштириш. Сабзавог экинлари ўғитга талабчан, айниқса органик ўғитлар минерал ўғитларга аралаштириб берилганда яхши натижаларга эришилади.

Органик ўғитлар РПТУ-2, ПТУ-3,5 маркали тиркама ўғит сепгичларда солинади, улар Т-28 X Т-40, «Беларусь» тракторлари ёрдамида ишлайди, унинг қамраш кенглиги — 3,5 м.

Бу ўғит сепгичларни гектарига 2 т дан 50 т гача органик ўғит солишга созлаш мумкин.

РПТУ-2,0А нинг иш унуми соатига 1,8 гектар. Ўғит солишида РПТМ-2,0А ҳам ишлатилиши мумкин. Бу иккала ўғит сепгичнинг бир-биридан асосий фарқи шундаки, РПТУ-2,0А кузовининг полида қирғичли транспортёри бор. РПТМ-2,0А транспортёри эса тахтачали бўлиб, кузов поли ўрнида хизмат қиласи. Сепувчи механизми олинниб, олдидағи ва кетидаги панжаралар, ён бортлари ўрнатилса бу мосламадан юк ташишда фойдаланиш мумкин.

Ерга минерал ўғитлар солишида СТН-2,8 сеялкаларидан фойдаланилади.

СТН-2,8 сеялкасининг асосий қисмлари ишга солувчи механизм, таянч ғилдиракли, тиркалма мосламали

рама, ўғит сепувчи аппарат, ўғит солинадиган яшик ва шамол қалқонидан иборат.

Ўғит солиши аппарати ўғит солинадиган яшикнинг пастки қисмида жойлашган саккизта сепувчи тарелкадан иборат. Ҳар қайси тарелканинг остида жуфт-жуфт бўлиб жойлашган ўн олтида икки қатор ўғит сепгич жойлашган. Бу аппарат фиддиракларнинг ҳаракати натижасида ишга тушади, ўғитнинг кўп ёки кам тушиши регулятор ёрдамида бошқариб борилади.

СТН-2,8 маркали ўғит сепувчи сеялка Т-28Х4 тракторига ўрнатилади. Ўғит солинадиган яшикнинг ҳажми $0,30 \text{ м}^3$, уни гектарига 70 кг дан 4500 кг гача ўғит тушадиган қилиб созлаш мумкин. Агрегатнинг иш унуми соатига 1,1 гектар.

Ёпишиб қолган ўғитлар ИСУ-4 машинасида майданади. Бу машинанинг иш унуми соатига 2—4 т. ИСУ-4 машинаси Т-28Х4, Т-40 тракторлари ёки 7 квт қувватли электромотор ёрдамида ишлаши мумкин.

САБЗАВОТ ЭКИНЛАРИНИ МАШИНАДА ЭКИШ

СОН-2,8А маркали сабзвот экадиган ўрнатма сеялка сабзвот уруғларини тор ва кенг қаторли қилиб экишга мўлжалланган. Сеялка Т-25, Т-40, Т-28Х4 тракторларига ўрнатиб ишлатилади.


Сеялкани экиш аппарати чап фиддирагидан ҳаракатга келтирилади.

Экиш нормаси ричагли созлагич ёрдамида белгиланади.

Майда уруғларни экишда аппаратнинг уруғ турадиган қутичасининг ости қисми тепага қаратиб қўйилади. Сеялка 45, 60, 70 ва 90 см қатор ораларига, уруғни лента шаклида 15—20 см кенгликда ва ленталар орасини 50 см дан қилиб экишга мўлжалланган. Сеялканинг иш унуми соатига 0,7 гектар.

СКОН-4,2 маркали комбинациялаштирилган сабзвот сеялкаси уруғни қаторлаб экиш билан бир вақтда эгат олиб ўғит ҳам солади. У 45, 60, 70 см ли қатор ораларига уруғ экади, Т-40, Т-28Х, «Беларусь» тракторлари ёрдамида ишлайди. Иш унуми соатига 2,5 гектар.

Кўчат экишни механизациялаштириш. Кўчатни машинада экиш учун қуйидаги агротехник талаблар қўйилади. Машинада экиладиган кўчатлар яхшилаб хиллан-



СОН-28 маркали сеялкада пиёз экиш

ган, пояси тик турадиган бўлиши керак. Карам кўчатининг узунлиги (илдиз бўғзидан баргларининг охиригача) 12—15 см, барлари нормал ривожланган бўлиши; помидор кўчатлари 20—25 см бўлиб, барглари 8—12 тадан бўлиши керак.

Кўчат машинада экилганда қатордаги кўчатлар бир чизиқда жойлашган бўлиб, асосий чизиқдан фақат 2 см ичкарига ёки ташқарига чиқишига йўл қўйилади. Бир-бири билан туташган қаторларда эса асосий чизиқдан 7 см четлатилиши мумкин.

Гўнг-чириндили тувакчаларда ўстирилган кўчатлар 10, тувакчасиз карам кўчатлари 8—10, помидор кўчатлари эса 10—12 см чуқурликда экилиши керак.

Кўчат илдизлари ва тувакча тупроққа зич қилиб яхшилаб кўмилиши лозим.

Кўчат ўтқазиш вақтида ҳар бир кўчат тагига 0,50—0,60 л дан, кўчат ўтқазиб бўлинганидан кейин гектарига 500—600 м³ ҳисобидан сув бериш зарур. Ана шу талабларга жавоб берилгандагина машинада экилган кўчат ва экинлар яхши тутиб кетади.

Күчат экадиган машина. Саноатимиз СРДН-2 РПШ-4, СКНБ-4, СКН-6 маркалы сабзавот күчатларини экадиган машиналар ишлаб чиқармоқда. СРДН-2 маркалы машина күчатни икки қатор, СКН-6 маркалы машина олти қатор, СКНБ-4 маркалиги тўрт қатор қилиб экади.

СКНБ-4 маркалы машинада күчат тўрт қатор, сабзавот ва тамаки күчатлари қаторлаб ва шахмат усулида экилади. Бу машина «Беларусь», Т-38 ва юриш тезлигини камайтиргич мосламали ДТ-54 тракторлари ёрдамида ишлайди.

Картошка экишни механизациялаштириш. Ҳозирги вақтда хўжаликларда картошка экадиган СН-4 Б маркалы тўрт қаторлаб экувчи ўрнатма машина ишлатилади. Картошка КСН-90 маркалы машинада экин қатор оралари 90 см қилиб экилади. Машинанинг иш унуми соатига 1,6 гектар, у МТЗ-50, МТЗ-52 тракторлари ёрдамида ишлайди.


Қоплардан уруғлик картошка экадиган машина бункерига ЗКС-0,2 картошка тўлдиригич машина ёрдамида тўкилади, бу машина «Беларусь» тракторига уланади. 1970 йилдан бошлаб саноатимиз СН-4Б маркалы картошка экадиган ва айни вақтда ерга қат-қат қилиб минерал ўғит соладиган машина ишлаб чиқара бошлади.

Полиз экинлари экишни механизациялаштириш. Полиз экинлари уруғини экадиган маҳсус машина бўлмаганлигидан Сабзавот-полиз экинлари ва картошкачилик илмий текшириш институтида белгиланган миқдорда чигит экадиган СТХВ-4А маркали тўрт қаторли сеялка полиз экинлари уруғини экишга мосланди. Бу сеялкани мослаштириш учун қўйидаги ишлар бажарилиши керак;

СТХВ-4А сеялкасидан четки уруғ экувчи аппарат олиб ташланади, фақат ўртадаги иккитаси қолдирилади. Мана шу қолдирилган аппаратлардан чигитни танлаб оладиган диска ўрнига қовун-тарвуз ва бодринг уруғларини танлаб оловчи маҳсус диска қўйилади. Бу дискалар Сабзавот-полиз экинлари ва картошкачилик илмий текшириш институтида тайёрланган.

Сеялкада қолдирилган иккита уруғ сенадиган аппаратурни ўртасига эгат очгич ўрнатилади;

сеялканинг маркёrlари (тупроқ чизгичалари) эчиш схемасига мослаб узайтирилади.



Полиз әкинларини СТВХ-4А маркалы сеялкада әкиш

САБЗАВОТ-ПОЛИЗ ЭКИНЛАРИ ВА КАРТОШҚАГА ИШЛОВ БЕРИШНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШТИРИШ

Сабзавот-полиз әкинлари озиқ моддалар, сув ва ҳа-
во-иссиқлик режимига жуда талабчандыр. Сабзавот
әкинларига ишлов беришдан асосий мақсад, әкин қатор
оралари, әкин ораларидаги тупроқни юмшатиши ва бего-
на ўтларни йўқотишидан иборатдир.

Әкин қатор оралари сифатли ишланиши учун асосий
агротехник талабларга, яъни ишлов беришни бегона ўт-
лар майса кўрсатиши билан бошлаш, әкин сугорилган-
дан кейин тупроқни юмшатиб, намни сақлаб қолиш чо-
расини кўриш, яъни әкинлар сугорилгандан кейин ер
об-тобига келиши биланоқ 10—12 см чуқурликда куль-
тивация қилиш керак.

Бороналаш. Бунинг учун культиваторга ўрнатилган
БСО-4 маркали борона энг қулайдир.

БСО-4 маркали борона ерни 4 м кенгликда, 4—8 см
чуқурликда юмшатади. Боронанинг тишлари бир-бирлар-
ги билан ҳаракатчан туташганлигидан ернинг паст-ба-
ландликларига ишлов бериш вақтида яхши мослашиб
олади.

Культиваторлар: экин қатор ораларини ишлаш ва айни вақтда сабзавот-полиз экинлари ва картошкани минерал ўғитлар билан ўғитлаш учун КРН-2,8А, КРН-4,2, КОН-2,8, МП маркали культиваторлардан фойдаланилади.

Ёмғирлатиб суғориш. Қейинги оилларда республикамизнинг илғор хўжаликларида экинларни машиналар ёрдамида ёмғирлатиб суғориш қўлланила бошлади. Ёмғирлатиб суғориш ўсимлик атрофида, айниқса ёзниг иссиқ кунларидаги микроиқлим ҳосил қиласи, ҳаво температурасини пасайтиради, бу эса сабзавот экинлари ҳосилининг ошишига сабаб бўлади.

Ёмғирлатиши машиналаридан ДДН-45 маркали машинани тавсия қилиш мумкин.

Сабзавот-полиз экинлари зааркунанда ва касалликларига қарши курашда механизмлардан фойдаланиш

Сабзавот-полиз экинларини юздан ортиқ ҳашаротлар, ҳар хил каналар, нематодалар ва микроорганизмлар заарлантиради. Улар бутун ўсув даврида ўсимликларнинг илдизлари, ер устки қисмларини нобуд қилиб, уруғларини қаттиқ шикастлайди.

Зааркунандаларга қарши химиявий кураш ҳосилни сақлашда асосий усул ҳисобланади.

Ўсимликларни ҳимоя қилиш учун уларга ҳар хил эритма, эмульсиялар ва суспензияли заҳарловчи моддалар пуркалади. Об-ҳаво қулай бўлса сабзавотчиликда сунъий туман-аэрозоль ва экинларни чанглатиш усули қўлланилади.

Ўсимликларни химиявий воситалар билан ҳимоя қилиш ишларида ОТН-4—8 ва ОТН-8—16 аэрозоль мосламали чанглатгич-пуркагичлар ишлатилади.

САБЗАВОТ ЭКИНЛАРИ ВА КАРТОШКАНИ ЙИГИБ-ТЕРИБ ОЛИШ

Сабзавот экинлари ҳосилини йигиштириб олиш энг оғир ва манаққатли ишdir.

Маҳсулот етиштириш учун сарфланадиган умумий меҳнат сарфларининг 70% и фақат ҳосилни йигиштириб олишга кетади.

Хозирги вақтда сабзавот экінлари ҳосиһи қысман механизация ёрдамида йиғишириб олинмоқда.

Хұраки илдизмевали сабзавотларнинг ҳосиһини йиғиб олиш. Хұраки илдизмевали сабзавотлар ҳосиһини құл мәхнати ёрдамида йиғиширилса қуйидаги ишлар бажарилади; кавлаш, уюмларга түплаш, баргини кесиш, хиллаш, қоп ва яшикларга жойлаб машиналарга юклаш, жүннатиш ва тушириб олиш ва ҳоказо. Бунда ҳосиһни қазиб олиш ва уюмларга түплашга бир гектар майдондаги ҳосиһни йиғиб олишга белгиланган барча мәхнат сарфларидан 25% и, баргларини кесиш ва хиллашга 65% и, идишларга солиш ва юклава ташишга эса 10% и сарфланади, холос.

Ҳосиһ йиғиши қысман механизациялаш учун тракторга ўрнатыладиган СНУ-3Р, СНШ-3, СНС-2М маркалы лавлаги кавлагачлар ишлатилади.

Сабзи ҳосиһини йиғишида эса КБШ-1 маркалы сабзи кавлагач машина ишлатилади ва у сабзини кавлаш билан бир вақтда баргларини ҳам кесиб беради.

Пиёз қазиши. Саноатимиз УЛШ-2М маркалы пиёз қазиидиган машина чиқармоқда.

Бош пиёзни қазиб олишда лавлаги кавлагач ҳамда КВН-2 маркалы картошка қазиидиган машина ишлатилади.

Карам ҳосиһини йиғишириб олиш. Қейинги йилларда карамни ёппасига йиғишириб оладиган машина ишлаб чиқарылди.

Карам яшил барглари билан КПН-1 маркалы машинада йиғиб олинади, унинг иш унуми құлда йиғишириб олишга қараганда 4 марта күпdir.

Карамни ялписига йиғишириб олишда ТН-12 маркалы ўрнатма транспортёрдан ҳам фойдаланилади. У карам бошларини машиналарга юклаши мүмкін.

Помидор теришда ПНСШ-12, ПОУ-2 маркалы транспортёрни ишлатиш мақсадда мувофиқдир.

ПОУ-2 маркалы универсал платформа ёрдамида турли муддаттарда пишиб етиладиган сабзавотлар териб олинади ва ташилади. Платформада ҳосиһни икки ҳолатда йиғишириб олинади. Бириңчи ҳолатда, платформа прицеп сифатида карам ҳосиһини йиғишида ишлатилади. Құлда кесиб олинған карам бошлари унга юкланади. Ҳосиһ дала чеккасига олиб чиқылыб машиналарга ортилади. Иккінчи ҳолатда эса платформанинг ён девор-

лари (бортлари) қанотга ўхшаб икки томонга ёйлади. Уларга эса яшиклар ўрнатилиб помидор ва бодринг териш учун ишлатилади. Маҳсулотга тўлдирилган яшиклар платформа марказига йўналиб платформа устига тахланади.

Картошка қазиш энг кўп меҳнат талаб қиласидиган ишдир. Картошка етиширишга сарфланган жами меҳнат ва маблағнинг 60% и картошкани қазиб олишга тўғри келади.

Ҳозирги вақтда картошкани қазиб олиш ва хиллаш жараёнларини тўлиқ механизациялаширишга имкон берадиган машиналаримиз бор.

Бу механизмлардан тўлиқ фойдаланиш натижасида картошкани қазиб олиш ҳамда хиллашга сарфланадиган меҳнат ва маҳсулот таннаҳри камаяди.

Машиналар ёрдамида картошка кавланганда кесак ва бегона ўтлар пояси, илдизлари кавлагичларнинг ишли органдарига тиқилиб қолиб, улар иш унумини пасайтириш билан бир вақтда картошкани ҳам заарлантиради. Шунинг учун машинада картошка кавланадиган дала-ларда кесак ҳосил бўлишига йўл қўйилмаслиги, ёзги ер ҳайдаш олдидан далалар суфорилиб кейинчалик ўз вақтида ишлов бериб турилиши керак. Ҳосил йиғишдан 5—6 кун олдин суфориш тўхтатилади. Картошкани кавлашдан олдин дала участкаларга бўлинади, агрегатлар қайтариладиган йўллар тайёрланади. Ўқ ариқлар КЗУ-0,3 культиватори ёрдамида текисланади. Картошка палагини кесиш ва даладан чиқариш учун КИР-1,5 косилкаси ёки УБД-3 маркали палак қирқич машинаси ишлатилади.

Картошка кавлашда эса КТН-2Б, КВН-2М маркали кавлагичлар ишлатилади.

Енгил тупроқли ерларда картошка қазидиган, хиллайдиган, ортиб туширадиган К-3, ККУ-2 «Дружба» маркали комбайнларни ишлатиш мумкин.

Саноатимиз ККУ-2 «Дружба» комбайнини ишлаб чиқармоқда. Картошка ҳосили комбайнда қазиб олиниадиган ерда тупроқ нами 16—18%, дала бегона ўтлардан тоза, ҳосилдорлиги гектаридан 10 т дан кам бўлмаган, узунлиги камида 150—200 м ли далалар ажратилиши керак. Картошка қазишдан беш-олти кун олдин унинг палаклари йиғишириб олиниади. Картошка комбайнда қазиб олинганда, уларни хиллаш, ортиш ва туширишга

**Сабзавотчилик ва картошқачиликда ишларни механизациялаш
учун керакли маҳсус машина ва қуроллар**

Машина, механизм ва қуроллар	Маркаси	Қайси тракторга ёки тортиш воситасига ула- нади	Иш унуми, соатига ектар
Сабзавот сеялкаси, түрт-саккиз қаторли	СОН — 2,8 А	T — 28Х4	1,5 — 1,8
Сабзавот сеялкаси, олти қаторли	СКОН — 4,2	T — 28Х — 4	2,0 — 3,0
Кўчат экадиган машина, түрт қаторли	СКНБ — 4	МТЗ — 50	0,25
Картошка экадиган машина, түрт қаторли	СН — 4Б — 1	МТЗ — 50	1,8
Картошка экадиган машина, түрт қаторли, қатор оралари 90 см	КСН — 90	МТЗ — 50	1,3
Культиватор (ўсимликларни озиқлантирадиган)	КРН — 2,8	T = 28Х4	1,5
Культиватор окучниги түрт қаторли	КОН — 2,8пм	T — 28Х4	0,8 — 1,4
Универсал тиркама сабзавот платформаси	ПО4 — 2.0	T — 28Х4	0,2
Карам ва полиз экинларини йиғишириб оладиган транспортёр	ТН — 12	МТЗ — 52	0,3
Палак йиғиширадиган машина	УБД — 3А	МТЗ — 50	1,2
Роторли палак кесувчи ва майдаловчи машина	КИР — 1,5	T — 28Х4	0,7
Картошка ковлагич, икки қаторли	КТИ — 2Б	МТЗ — 50	0,4
Картошка ковлагич, икки қаторли	КВН — 2М	— « —	0,5
Картошка йиғувчи комбайн	КК4 — 2	МТЗ — 50	0,2 — 0,4
Картошкани хиллайдиган машина	РКС — 10	ЗпД — 4,5 двигатель билин	соатига 7 — 9
Картошкани хиллайдиган пункт	КСН — 15	ЗИД — 4,5 двигатель 3,0 квт.	соатига 15 т
Помидор ва бошқа сабзавотларни ювадиган машина	МПП — 1.5А	электр двигатели	соатига 1 — 1,5
Помидор уруғини ажратадиган машина	ВСТ №1. 5А	— » —	1 — 1,5 т
Бодринг уруғини ажратадиган машина	СОМ — 2	T — 28Х4	2 — т
Полиз экинларини майдалаб уруғини ажратадиган машина	ПБК — 5	— » —	5 т
Сабзавот уруғларини янчадиган машина	МО — 700	электр двигатели 10 квт ли	0,2 — 1,0
Полиз ва сабзавот уруғларини ювадиган машина	МОС — 300	электр двигатели 4 — 5 квт	0,4 — 1,4

22- жадвайлнинг давоми

Машина, механизм ва қуроллар	Маркаси	Қайси тракторга ёки тортиш воситасынга уланади	Иш унуми, соатига гектар
Уруг тозалагич Универсал уруг тозалаш машинаси	ОЕ — 4,5А СУ — 0,1	—«— «— электр двигатели 2,8квт ли электр двигатель 4 квт	4,5 — 6 т 0,1 т
Дон тозаловчи машина петкус-супер	K — 541	ли электр двигатель 2,8 квт	1,25—1,5 гектар
Ўзиорар электр фрезаси (тепли-циаларда ишлатилади)	ФС — 0,7	электр двигатель 2,8 квт	0,06 га
Транспортёр—элак	ТА — 5—30	электр двигатель 1,7 квт	30 м ³
Мат тўқийдиган машина	МВМ — 250	двигатель 2,8 квт	180 м ²
Тувакча ясайдиган машина	НГ — 9	электр двигатель 2,8 квт	8—9 минг дона
Сабзавотларни парник ва тепли-циаларда сугорадиган ярим автомат кўчма машина	АП — 2	—«—	0,05 гек-тар
Чанглагич-пуркагич	ОТН — 8—16	T — 28x4	6,0 гек-тар
Тўрт фидиракли трактор прице-пи, юкни ўзи афдаради	ТМЗ — 793 2ПТС — 4 — 793	—«—	

сафланадиган меҳнат картошка қазийдиган машиналарнига қараганди икки-уч марта камаяди.

Сабзавоткор хўжаликларда ер ҳайдаш, текислаш, тупроқни экишга тайёрлаш, гидротехника ва мелиоратив ишлар, юк ташиш, тушириш ишлари одатдаги қишлоқ хўжалигида қўлланиладиган машиналар ёрдамида бажарилади. Бундан ташқари, ихтисослашган сабзавотчилик колхоз ва совхозларида маҳсус машиналар бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Картошкани хиллаш — учун КСП-15 ва РКС-10 машинаси ишлатилади, бу машина картошкани тозалайди, хиллайди ҳамда хилланган картошкаларни идишларга жойлайди.

ПАРНИК ВА ТЕПЛИЦАЛАРДА САБЗАВОТЧИЛИК

Теплица, парникларда юқори сифатли күчат, турли сабзавот ва резаворлар етиштирилади. Сифатли күчат олиш учун асосий агротехник талаблардан ташқари энг яхши навларни ўз вақтида экиш, температурани нормал сақлаш, озиқлантириш ва ўсимликни чиниқтириш каби ишларнинг аҳамияти катта. Бу борада тупроқнинг унумдор бўлишига парник ва теплицаларда алоҳида эътибор берилади. Тупроқ барвақт тайёрлаб қўйилади.

Парник ва теплица тупроқлари озиқ моддаларга бой бўлишига қарамасдан, унга албатта минерал ва органик ўғитлар солинади.

23-жадвал

Парникларда ўстириладиган күчатларни қўшимча озиқлантиришга сарфланадиган минерал ўғит миқдори

Экинлар күчати	Битта ғом остига, грамм		
	аммиак селитраси	супер- фосфат	калий хлорид
Эрта пишар оқ карамнинг оддий күчати	10	40	40
Гўнг-чириндили туvakда ўстирилган эртаги карам күчати	40	80	—
Ўртаги карам күчати	40	40	20
Эртаги гул карам	120	140	98
Ўрта ва кеч пишар гул карам	60	120	30
Оддий помидор күчати	10	120	52
Гўнг-чириндили туvakда ўстирилган помидор күчати	20	80	—
Парник ёки плёнка остига (тувакчаси билан) ўтқазиладиган гўнг-чириндили туvakчаларда етиштирилган күчат	15	120	60
Теплицага ўтқазиладиган гўнг-чириндили туvakчадаги помидор күчати	5/35	40/240	20/172 ¹
Далага ўтқазиладиган гўнг-чириндили туvakчадаги бодринг күчати	20	80	—
Парник ёки плёнка остига ўтқазиладиган гўнг-чириндили туvakчадаги бодринг күчати	40	80	20
Теплицага ўтқазиладиган туvakчадаги бодринг күчати	20/40	40/80	10/20

* Биринчи рақам кузда ва қишида теплицаларга ўтқазишга күчат тайёрланганда, иккинчиси эрта баҳор ва ёзда күчат тайёрланганда бериладиган ўғит миқдори.

Парник ва теплицаларда кўчат ўстириш учун унумдор озиқ аралашмалари тайёрланади. Озиқ аралашмалари тайёрлашда кўпинча яхши чириган мол гўнгидан фойдаланилади. Барча кўчатлар иккига — ниҳол ва кўчатга бўлинади. Кўчат характерига қараб озиқ аралашмаси турлича тайёрланади.

Ниҳол ўстириш учун бир қисм тупроққа бир-икки қисм чиринди аралаштирилади. Кўчат етиштириш учун эса бир қисм тупроққа албатта икки қисм чиринди солинади.

Ўзбекистонда парникларни қиздириш учун от, мол, қўй гўнглари ва ҳар хил чириндилар, ғўзапоя чиқиндилари ҳамда шоли қипиқларидан фойдаланилади. Ёзда гўнг ҳар бир ром тагига $0,9-1,2 \text{ м}^3$ ҳисобидан тайёрлаб қўйилади.

Парникка солишдан 7—12 кун олдин гўнг қиздирилади. Температураси 50°C га етганда гўнг парникларга солинади. Гўнг солиш муддати сабзавот экинлари уруфни экиш муддатларига боғлиқ. Парник бир оз қизигандан кейин, яъни гўнг солингач орадан 5—6 кун ўтгач у яхшилаб текисланади, зичланади ва устидан озиқ аралашмалари солинади.

Уруғдан ниҳол ўстириш учун озиқ аралашмалари 10—12 см қалинликда, кўчат етиштириш учун эса 15—18 см қалинликда солинади. Барча сабзавот экинларининг уруғи экишдан олдин касаллик ва зааркунандаларга қарши заҳарли химикатлар билан дориланади ва кўчатлари пикировка қилинади.

Карам уруғи 1 грамм НИУИФ-1 нинг 3 л сувдаги эритмасида 15 минут дориланади.

Бир килограмм карам уруғи 4 грамм НИУИФ-2 (гравозан)да 15 минут дориланади.

Сулема билан (хром симоби) уруғлар 30 минут дориланади, бунда 1 грамм сулема 1 л сувга аралаштирилади. Уруғлар дорилангандан кейин тоза сувда ювилади.

Помидор уруғлари НИУИФ-1 да дориланади, бунинг учун 1 грамм дори 3 л сувга аралаштирилади. Сулема юқоридаги концентрацияда олиниб, помидор уруғи 5—6 минут дориланади. НИУИФ-2 дорисидан 3 грамм олиб 1 кг уруғ ишланади. Уруғлар бу дори билан шиша идишларда дориланади, идишлардаги дори 8—10 минут аралаштириб турилади.

Помидор уруғлари экишдан олдин албатта 1% ли калый перманганат ёки ош тузи билан ишланади.

Бодринг уруғлари бир дорилашда 1 грамм НИУИФ-1 ни 2 л сувга аралаштириб, 5 минут ёки бир килограмм урукқа НИУИФ-2 дан 2 грамм олинади. Уруглар қаторлаб ёки сочма қилиб экилади. Бир гектар кўчат экиш учун помидор уруғидан 300—400 грамм, эртаги карам уруғи 350—400, ўртаги ва кечки карам уруғи 300—350 грамм сарфланади.

Парникка экилишидан олдин уруғнинг униб чиқиш қобилияти текширилади.

160×160 см ли бир ром остига 20 грамм эртаги карам уруғи, кўчати пикировка қилинмайдиган помидор уруғидан 8 грамм, пикировка қилинадиган помидор уруғидан 15 грамм сепилади.

Эртаги карам уруғи парникка Тошкент, Самарқанд областларида 10—25 декабрда, Фаргона, Андижон областларида 1—15 декабря, Хоразм области ва Қорақалпоғистон АССРда 20 декабрян 5 январгача, ўртаги карам уруғи 1—10 апрелда, апрелнинг охири ва май ойининг бошларида ва 15 майдан 10 июнгача сепилади.

Помидор уруғи иссиқ парникларга январнинг охирдан 25 февралгача сепилади.

Соғлом майса етишириш учун парниклардаги температура нормал бўлиши керак.

24- жадвал

Уруғ сепилганидан кейин парниклардаги зарурй ҳарорат, даража

Экиплар	Уруғ сепилгандан то майса кўрингунча	Майса кўрингандан кейин орадан тўрт-беш кун ўтга	
		кундузи	кечаси
Карам	20	6—10	6—10
Помидор	20—25	12—15	6—10
Бодринг	25—28	15—17	12—14

Карам ва помидор кўчатларини шоли қипифида ҳам ўстириш мумкин, бунинг учун озиқли аралашма устига 1 см қалинликда шоли қипифи солинади, сўнг уруғ се-

пилиб устидан яна 1,5—2 см қалинликда шоли қипиги солинади. Шоли қипигида майса озиқли аралашмаларга қараганда икки-беш кун олдин пайдо бўлади, шундан кейин майсалар икки марта: биринчи марта биринчи чинбарг чиқарганда, иккинчи марта эса биринчи озиқлантиришдан кейин орадан 10 кун ўтказиб ҳар парник ромига 10 л сувга 20 грамм амиак селитраси, 40 грамм суперфосфат, 40 грамм калий хлорид эритмаси берилади.

ҚЎЧАТ ЕТИШТИРИШ

Эртаги карам кўчати. Майса кўрсатганидан кейин орадан 15—30 кун ўтгач уруғдан чиққан кўчатлар пикировка қилинади, яъни бошқа парникка 6×6 см ли схемада кўчириб ўтқазилади. Ўсув даврида кўчатлар бир текис сугорилади ва икки марта минерал ўғитлар билан озиқлантирилади: биринчи озиқ кўчат пикировка қилингач 10 кундан кейин, иккинчи озиқлантириш эса кўчат далага ўтқазилишидан 10 кун олдин берилади. Ҳар бир ром ҳисобига 5 грамм амиак селитраси, 20 грамм суперфосфат, 20 грамм калий хлорид, 10 л сувда эритиб сепилади.

Карам кўчатини ҳам шоли қипигида ўстириш мумкин. Бунинг учун озиқ аралашмасига 5—10 см қалинликда яхши намланган шоли қипиги солиниб, у ерга карам уруғидан чиққан учта чинбаргли кўчат пикировка қилинади. Шоли қипигида ўстирилганда минерал ўғитлар ҳар бир ром остидаги кўчатларга қуйидаги миқдорда берилади: 30 грамм амиак селитраси 50 грамм суперфосфат ва 30 грамм калий хлорид.

Кўчат пикировка қилинганидан кейин орадан 10 кун ўтгач, биринчи марта яна 10 кун ўтказиб, иккинчи марта, кўчатни далага ўтқазишидан 7—10 кун олдин учинчи марта озиқлантирилади.

Ўртаги ва кечки карам. Ўрта пишар карам уруғи 1—10 апрелда ва апрелнинг охири — майнинг бошларида сепилади. Кечки карам уруғини экишда энг қулай муддат 15 майдан 10 июнгачадир.

Кўчатлар яхши ўғитланган, тупроғи ишланган маҳсус кўчатхоналарда етиштирилади. Кўчат етиштириш учун кенглиги 60—70 см, баландлиги 10 см, узунлиги 40—50 м лик эгатлар олинади.

Кўчатлар пикировка қилинмайди, шунинг учун уруғлар сийрак қилиб эгатларга сепилади. Шунда олинган эгат пуштасининг ҳар метрига 3—4 грамм уруғ сарфланади.

Уруғ сепилгач 40—45 кундан кейин ўрта ва кеч пишар карам кўчатлари кўчатхоналардан далага кўчириб экиласди.

Помидор кўчатлари етиширишда уруғдан чиққан кўчатлар икки-учта чингбарг чиқарганда пикировка қилинади. Пикировка учун парник етарли бўлганида кўчатларнинг озиқланиш майдони 8×8 , парник етишмаганида 6×6 , баъзан 5×5 см бўлади. Кўчат ўсаётган вақтда парник температураси ҳаво очик кунлари $18-22^{\circ}$ иссиқ, ҳаво булат вақтида $15-17$, кечалари эса $10-12^{\circ}$ бўлиши керак. Тупроқ нами 50—60% дан ошмаслиги лозим.

Кўчатлар минерал ўғитлар билан икки марта озиқлантирилади. Биринчиси пикировка қилингандан 10 кун кейин бир ром тагига 10 л сувга 5 грамм аммиак селитраси, 40 грамм суперфосфат ва 12 грамм калий ўғити эритмаси берилади. Иккинчи озиқлантириш кўчатни далага ўтқазишга 10 кун қолганда, 5 грамм аммиак селитраси, 80 грамм суперфосфат ва 40 грамм калийли ўғит 10 л сувга аралаштириб берилади.

Парникдаги кўчат парвариши тупроқни юмшатиш, ўтоқ қилиш, шамоллатиб туриш ва парник ромларини ўз вақтида очиш ёки матлар билан ёпиб туришдан иборат.

Кўчатлар далага ўтқазишга 10—15 кун қолганда чиниқтирилади, бунинг учун ромлар тез-тез очиб шамоллатилади, сугориш сони камайтирилади, совуқ хавфи бўлмаса парниклар кечаси очик қолдирилади.

Помидор кўчатларини шоли қипифида (5—10 см ли) ёки шоли қипифининг парник тупроғи аралашмасида (1:1 ёки 1:2 нисбатда) ўстириш мумкин.

Шоли қипифида ўстирилган помидор кўчатининг озиқлантириш нормаси ва муддати эртаги карамники кабидир.

Қалампир ва бақлажон кўчатлари ҳам кўп жиҳатдан помидор кўчати каби парвариш қилинади.

Гўнг-чириндили тувакчада кўчат етишириш. Сабзавотлардан юқори ва эрта ҳосил олиш учун хўжаликдаги

умумий экин майдонининг 5—10% ига гўнг-чириндили тувакчада ўстирилган кўчатлар экилиши керак.

Гўнг-чириндили тувакча тайёрлаш учун қўйидаги озиқ аралашмаларидан фойдаланилади:

10—15% ёғоч қипиги аралаштирилган соф чиринди;

50% чириндига 30% эски гўнг ва 20% қириндига аралаштирилган тупроқ;

50% торфга 30% гўнг, 20% чиринди аралашмасининг ҳар куб метрига 7,5 кг ҳисобидан суперфосфат қўшилган компост;

60% гўнгга 40% чиринди аралашмасининг ҳар куб метрига 7,5 кг ҳисобидан суперфосфат қўшилган компост.

Яхшилаб аралаштирилган намроқ компостдан ҳажми ҳар хил бўлган гўнг-чириндили тувакчалар ясалади. Тувакча тайёрланадиган материаллар етарли бўлган хўжаликларда тувакчанинг ҳажми $8 \times 8 \times 8$ ҳамда $6 \times 6 \times 6$ см дан бўлади. $8 \times 8 \times 8$ см ли тувакчаларда ўстирилган эртаги карам $6 \times 6 \times 6$ см ли тувакчада ўстирилган кўчатлар ҳосилига нисбатан 8—12 кун олдин пишади, ҳосилдорлиги эса 15—20% га ортади. Тувакчалар ясаш ва уларга кўчат ўстириш учун қилинган барча харажатлар ҳосилнинг эрта пишиши ва кўплиги ҳисобига қопланади.

Уруғдан чиққан кўчатлар тувакчаларга пикировка қилинганда илдизларини қайирмасдан, уруғ паллалар асосигача чуқурчага кўмилади ва тувакчалар тайёрланадиган аралашма тупроқ билан тўлдирилади.

25-жадвал

Тувакча тайёрлаш учун озиқ аралашмалари қўйидаги миқдорда олинади

Тувакчалар ҳажми, см	Минг дона тувакча тайёрлашга сарфланадиган озиқ аралашмаси, м ³ ҳисобида
$5 \times 5 \times 5$	0,25
$6 \times 6 \times 6$	0,33
$8 \times 8 \times 8$	0,75

Зичланмаган 1 м³ биологик ёқилғининг (иситгичнинг) оғирлиги

Похол тўшалган от гўнги —0,35—0,45
Похол тўшалган қўй қийи —0,40—0,50

Похол түшалған мол гүнги	-0,40—0,50
Похол түшалған чүчкә гүнги	-0,55—0,70
Чиқинди ахлатлар	-0,70—0,75
Ефөн қилиғи	-0,15—0,20
Хазон	-0,20—0,30

26-жадвал

Теплицаларнинг 1 м² ини иситишга сарфланадиган тошкүмир миқдори, т

Иситиладиган мавсум	Күмір сарғи
Октябрь	0,015
Ноябрь	0,023
Декабрь	0,023
Январь	0,023
Февраль	0,023
Март	0,015
Мавсум давомида жами	0,15

И з о х: 1. Еқілғига бўлган талаб теплицалардаги температурани 20° сақлаш ҳисобидан олинган.

2. Сарфланган ёқилғи иссиқхонадан икки марта экиб фойдаланишга: баҳор ва қишида 15 январгача кўчат етиштириш; 15 январдан кейин сабзавот етиштириш; кузги-қишки (октябр, декабр) ва қишки-баҳорги (январдан) сабзавот етиштиришга мўлжалланган.

27-жадвал

Парникларнинг 107×213 см ли битта ромига солинадиган гүнг-чириндилар миқдори

Парник тури	Гүнг ва чириндилатлами, см	Гүнг		чиринди			
		тонна	м ³	ур үр экишда			
				тонна	м ³	тонна	м ³
Иссиқ	60—70	0,5—0,7	1—1,5	0,3	0,25	0,4	0,35
Ўртача иссиқ	40—50	0,4—0,5	0,5—0,8	0,3	0,25	0,4	0,35
Совуқ	—	—	—	—	—	0,4	0,35

Экинларни плёнка остида алмашлаб әкиш схемалари

Экинлар	Экин әкиш муддати	Хосилни йиғишириб олиш муддати	1 м ² дан олинади ган хосил, кг	Максулот сотиндан олинади ган даромад, сүм
---------	-------------------	--------------------------------	--	--

1-схема

Редиска	1—5/II	5—10/III	3,1	1,50
Помидор күчати ўтқазилади . . .	15/III	20—25/IV	250 дона	5,60
Бодринг күчати ўтқазилади . . .	20—25/IV	25/V—1/VI	3,6	1,84
Барра пиёз (уруги сепилади)	15—20/VII	10—15/IX	5,3	0,80
Редиска	15—20/IX	10—15/XII	2,1	1,00
Жами			14,1	10,14

2-схема

Редиска	15—20/I	1—5/III	2,9	1,40
Помидор күчати ўтқазилади	5/III	10—20/V	3,5	3,26
Укроп	10—15/VIII	25/IX—5/X	2,7	0,68
Нұш пиёз барраси таңлаб олинади	15/IX—5/X	20/XII—1/I	12,3 21,4	7,13 12,27
Жами				

3-схема

Редиска	15—20/I	1—5/III	2,7	1,30
Бодринг күчати әкілади . . .	5/III	20/IV—5/V	6,2	5,53
Барра пиёз етиштириш учун уруги сепилади	20—25/VII	15—20/IX	5,2	0,78
Редиска	20/IX	20/XII	2,0 16,1	0,96 8,57
Жами				

**Парникдаги әкинларни алмашлаб әкишнинг тахминий схемалари
(ром алмашуви—обороти)**

Йил бўйи әкинларни алмашлаб әкиш тартиби	Ўсув даври		Битта роm ос-тидан олина-диган ўртача ҳосил, кг
	бошланиши	охири	

1-схема

1. Карам кўчати әкилганда	10.XII	25.II—5.III	
2. Помидор кўчати әкилганда (пикировка)	25.II—5.III	15—25.IV	
3. Бодринг кўчати әкилганда	15—25.IV	10—15.IV	6—8
4. Барра пиёз уруғи сепилганда	20.VII—1.VIII	1—10.X	6—7
5. Редиска уруғи сепилганда	1—10.X	1—5.XII	3—4

2-схема

1. Карам кўчати әкилганда	10.XII	20.II—5.III	
2. Помидор ёки бодринг кўчати әкилганда	25.II—5.III	10—25.VIII	8—10
3. Укроп уруғи сепилганда	5—10.VIII	1—10.X	1,5—2
4. Нўш пиёз (барраси танлаб олинади)	1—10.X	20.XII—1.I	15—18

3-схема

1. Карам кўчати әкилганда	10.XII	20.II—5.III	
2. Помидор кўчати әкилганда (пикировка)	25.II—5.III	15—25.IV	
3. Помидор кўчати әкилганда	1—5.III	15—25.VII	8—10
4. Бодринг кўчати әкилганда	1—5.III	10—15.VII	12—14
5. Барра пиёз уруғи сепилганда	20.VII—1.VIII	1—10.X	6—7
6. Редиска уруғи сепилганда	1—10.X	1—5.XII	3—4

ТЕПЛИЦА ВА ПАРНИҚЛАРДА ЭРТАГИ САБЗАВОТ ЕТИШТИРИШ

Бодринг. Теплицаларда етиштириш учун Клинский местний, Многоплодний BCXB, Одностебельный-33, ВИР-1 дурагай навлари энг қулайдир. Уруғ әкишдан олдин гранозан (1 кг урукқа 3 грамм) билан дориланди, уруғ сувда ҳўлланиб 25—30° қиздирилади, сўнгра ниш оттирилади. Теплицаларга ўтқазиладиган бодринг кўчати чириндили тувакчаларда ўстирилади.

Ургунинг униб чиқиши учун энг қулай температура 30—32° дир. Майса пайдо бўлиши билан температура бир оз пасайтирилиб 18°га туширилади. Кундузи температура 25—30, кечаси 16—18° атрофига тутиб турилади.

Майсалар биринчи чинбарг пайдо бўлиши билан органик ҳамда минерал ўғитлар билан ўғитланади. Бунинг учун ҳар 2 м^2 га 20 грамм аммиак селитраси, 40 грамм суперфосфат, 10 грамм калий хлорид олиб 10 л сувга аралаштирилади.

Уч-бешта яхши ривожланган барг пайдо бўлиши билан кўчат иссиқхоналарга: куз-қишида ўстирилганлари 25 сентябрдан 10 октябргача; қиши-баҳорда ўстирилганлари 20 декабрдан 10 январгача; баҳор-ёзда ўстирилганлари эса 10—25-февралда ўтқазилади.

Теплицаларда экинларнинг озиқланиш майдони $70\times35\times40$ см бўлади. Бунда томорқа тупроғига тенг миқдорда чиринди аралаштирилган аралашма энг яхши озиқ ҳисобланади.

Теплицанинг температураси ҳаво очиқ кунлари 25—32, булутли кунларда 25, кечаси 18° , ҳаво нами эса 85—95% дан кам бўлмаслиги керак. Куз-қишида ҳаво булат вақтида температура $20—22^\circ$, намлик эса 60—75% бўлиши зарур.

Кўчат ўтқазилгач бир ҳафтадан кейин биринчи марта, кейинчалик ҳар 7—10 кунда кўчатлар органик, минерал ва органо-минерал ўғитлар билан озиқлантириб турилади.

Бунинг учун 10 л сувга гуллагунича 10 грамм аммиак селитраси, 15 грамм калий хлорид, 40 грамм суперфосфат, ҳосил туғиши даврида 30 грамм аммиак селитраси, 15 грамм калий хлорид ва 60 грамм суперфосфат аралаштириб солинади.

Бодринг теплицада бир пояли қилиб ўстирилади.

Чилпиш. Бодрингнинг Клинский местний нави биринчи марта иккинчи баргнинг устидан, иккинчи марта бешинчи-олтинчи барг устидан, кейинчалик эса ҳар қайси баргдан кейин чилпилади. Многоплодний навида эса чилпиш иккинчи ва бешинчи баргдан кейин ўтқазилади ёки бутунлай чилпилмайди. Барча навларнинг ён поялари улардаги мева тугунчаларининг сонига қараб биринчи-учинчи баргларининг устидан чилпилади. Бодринг гуллари албатта асослари билан чанглатилиши керак, бунинг учун ҳар қайси теплицада асалари уяси бўлиши зарур.

Парникда ўстириладиган бодринг агротехникиаси. Парникда ўстириш учун бодрингнинг Неросимий ва Тошкент-86 навлари тавсия қилинади. Ургуни экишга

тайёрлаш, бодринг кўчатларини ўстириш усули теплицаларда кўчат ўстириш кабидир.

Март ойининг боши ва февралнинг ўрталарида парниклардан карам кўчати бутунлай олингандан кейин 30 кунлик бодринг кўчатлари парникнинг жанубий ва шимолий деворлари бўйлаб ҳар бир ром остига 12 тадан кўчат жойлаштирилади. Ўсув даврида парникда температура ҳаво очиқ вақтида 25—30, ҳаво булут кунлари эса 20—22, кечаси 18—20° бўлади.

Парник ҳавоси ҳар доим нам бўлиши керак. Бодринг тез-тез суфориб турилади. Ўтқазилганидан кейин орадан тўрт-олти ҳафта ўтгач кўчатлар минерал ва органик ўғитлар билан ҳар бир ром остига 10 л сувга 20 грамм аммиак селитраси, 50 грамм суперфосфат ва 30 грамм калий хлорид солиб суфорилади.

Юқоридаги норма ўсимликнинг ўсиши ва ривожланишига қараб ўзгартириб турилади, лекин 10 л сувга солинадиган ўғит 120 граммдан оширилмайди.

Помидор. Помидор кўчатлари ўтқазиш муддатларига қараб теплица ва парникларда ўстирилади. Уруғ экилгандан кейин 5—6 кунда (25—32° ли температурада) униб чиқади. Майса кўриниши билан 3—4 кун давомида (қишиш-баҳорда ўстириладиган бўлса) кундуз кунлари температура 15—18, кечалари 12—15, келгусида эса ҳаво очиқ кунлари 20—25, булут кунлари 15—18, кечалари эса 10—12° бўлиши керак.

Кўчатлар пикировка қилингач, 10 кундан кейин ҳар бир ром тагига 10 л сувга 5 грамм аммиак селитраси, 40 грамм суперфосфат ва 20 грамм калий хлорид солиб озиқлантирилади. Шундан кейин кўчатларни озиқлантириш ҳар 10 кунда такрорланади.

Теплицаларга кўчат экиш муддатлари. Куз-қишида экинларнинг кўчати 45 кунлигига, яъни 10—12 августда, қишиш-баҳорда ўстириладиганлари 60 кунлигига — 10—20 январда, баҳор-ёзда ўстириладиганлари 10—15 февралда экилади.

Кўчатлар теплицанинг кўндалангига қаратиб экилади. Бунда экин қатор оралари 50—60 см, кўчат ораси 30—40 см дан бўлади.

Помидор тупларига шакл бериш учун қишиш-баҳор ва баҳор-ёзда ўстириладиган помидор кўчатларида битта поя қолдириб бешинчи-еттинчи бўғиндан юқориги қисми чилпиб ташланади. Куз-қишиш-баҳорда ўстириладиган

помидор туплари чилпилмайди, вақт-вақти билан фақат бачкилари олиб ташланади.

Ўсув даврида теплицаларда ҳаво очиқ кунлари температура 20—29, булутли кунлари эса 17—20, кечалари 15—18° бўлиши керак. Ҳаво нами 60—70% дан ошмаслиги зарур. Ўсув даврида ҳар 10—12 кундан кейин минерал ва органик ўғитлар берилади. Минерал ўғитлардан кўчат яхши илдиз отгандан кейин 15 грамм аммиак селитраси, 50 грамм суперфосфат, 20 грамм калий хлорид, мева туккандан кейин иккинчи ва учинчи бўғин пайдо бўлиши билан 30 грамм аммиак селитраси, 30 грамм суперфосфат, 30 грамм калий хлорид; ҳосил тўплаш даврида 40 грамм аммиак селитраси, 40 грамм суперфосфат ва 30 грамм калий хлорид берилади. Ҳар 12—15 помидор тутика 10 л озиқ эритмаси сарфланади. Ўғит нам тупроққа солинади. Тупроқ ҳар доим юмшоқ бўлиши керак. Мева яхшироқ тувиши учун кўчатлар бир оз силкитилади ва гулларига ТУ эритмаси пуркалади. Ўзбекистон теплицаларида ўстириш учун Майкоп урожайний-2090, Уральский многоплодний-281/1 навлари районлаштирилган.

Республика колхоз, совхозларининг тажрибаси кузқиши ва баҳорда ўстириш учун Волгоград 5/95 нави ҳам яхши эканлигини кўрсатди.

Теплицаларда помидор етишириш муддатларига қараб кўчат тайёрлаш ва парваришлаш иши ҳар хил бўлади, лекин ўстириладиган кўчатлар, албатта, гўнг-чириндили тувакчаларда етиширилиши шарт.

Парнида ўстириладиган помидор агротехникаси. Помидорнинг Перемога-165 навини тувакда ўстириш тавсия қилинади.

Кўчат етишириш ва парваришлаш ишлари парнида ҳам теплицадагидек олиб борилади.

Қарам кўчатлари олиб бўлинганидан кейин парника 60 кунлигига помидор кўчатлари ҳар бир ром остига 12 тадан икки қатор экиласди. Кўчат илдиз отгандан кейин экинда битта ноя ва бешта шоҳ қолдирилади.

Помидорнинг Талалихин-186 нави шакллантирмай ўстирилади.

Парнида ҳаво очиқ кунлари температура 24—25°, булутли кунлари 17—20°, кечалари 10—12° бўлади. Ҳавонинг намлиги 70% дан юқори бўлмаслиги керак.

Ҳар 10—15 кунда бир ром ҳисобига 10 л сувга 30 грамм аммиак селитраси, 35 грамм суперфосфат ва 15 грамм калий хлорид аралаштириб берилади.

СИНТЕТИК ПЛЁНКАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

Синтетик плёнкаларни қўллаш эртаги сабзавот кўчачининг сифатига ва ҳосилдорлигига катта таъсир этади.

Сабзавотчиликда парникларни илитиш, далада баҳор ва кузда ўстириладиган экинларни совуқдан сақлаш мақсадида полиамид ва полиэтилен плёнкалардан кенг фойдаланилади.

Экинларни совуқдан сақлаш учун 5×3 ёки 5×4 см йўғонликдаги поялар — рейкалар олинниб улардан узунлиги 3,5, кенглиги 1,8, учининг баландлиги 1 м, ён деворларининг баландлиги помидор, бақлажон, қалампир учун 40 см, бодринг, салат, редиска учун 20 см ли қилиб маҳсус ишком ясалади. Ҳар қайси ишком устидан яхлит плёнка ёпилиб маҳкамланади. Плёнканинг ерга тегиб турган томони рейка билан бостирилади. Тупроқни иситиш учун 20—25 см қалинликда гўнг солинади. Сўнгра иссиқ гўнг устига резавор экин экиладиган бўлса 8—10 см, помидор экиладиган бўлса 20 см қалинликда, бир ҳисса тупроққа бир ҳисса чиринди аралаштирилади. Озиқ аралашмаси сифатида компостдан фойдаланилади.

Плёнка остида илитилган тупроқда озиқ моддалар солиб ўстирилган сабзавотлар, оддий усулда етиштирилган сабзавотларга караганда 15—25 кун олдин пишади.

31 - жадвал

Синтетик плёнка остида ўстириладиган сабзавот
экинлари кўчачларини экиш муддати
(бодринг, помидор)

Областлар	Бодринг	Помидор
Тошкент	1—10.III	25.II—5.III
Самарқанд	1—10.III	25.III—5.III
Фарона	15—25.II	10—25.II
Андижон	15—25.II	10—25.III
Сурхондарё	1—10.II	25.I—5.II

Плёнка остида ердан интенсив равишда фойдаланиб бир йилда камидан түрт-беш хил экин ҳосил олиш керак.

32 - жадвал

Плёнка остида ўстириладиган экинларни алмашлаб экиш схемаси

Экинлар	Экин ўстирила бошланган давр	Ҳосилни йигиб-териб олиш муддати	1 м ² дан олинадиган ўртача ҳосил, кг
---------	------------------------------	----------------------------------	--

1-схема

Редиска	1—5.II	5—10.III	3,1
Помидор күчати пикировка қи- линади	15.III	20—25.IV	250 дона
Бодринг күчати экилади	20—25.IV	25.V—1.VI	3,6
Барра пиёз уруғи сепилади . .	15—20.VII	10.15—IX	5,3
Редиска	15—20.IX	10—15.XII	2,1
Жами ҳосил			14,1 кг

2-схема

Редиска	15—20.I	1—5.III	2,9
Помидор күчати экилади	5.III	10—20.V	3,5
Укроп	10—15.VIII	25.IX—5.X	2,7
Нүш пиёз барраси танлаб ишла- тилади	25.IX—5.X	20.XII—1.I	12,3
Жами ҳосил			21,5

3-схема

Редиска	15—20.I	1—5.III	2,7
Бодринг күчати экилади	5.III	20.IV—5.V	6,2
Барра пиёз уруғи сепилади . .	20—25.VII	15—20.IX	5,2
Редиска	20.IX	20.XII	2,0
Жами ҳосил			16,1

Далалардаги экин устига плёнка ёпишда қўлланиладиган ускуналарнинг тузилиши жуда оддий: диаметри 5—6 мм ли симдан ёй тайёрланади. Ёй ўсимлик қаторлари бўйлаб бир-бирларидан 1 м оралиқда ўрнатилади. Ёйнинг тепасидан каноң тортилади. Плёнка ерга ҳар 2—3 м га узунасига ташланган ёғоч қозиқлар диаметри 3×4 см ли рейкалар, металлдан ясалган ёйлар ёрдамида бириктирилади. Бодринг (180 см оралиқда) қўш эгат

олиб экилса гектарига 1500 кг сим, 500 кг плёнка, қатор оралари 60—70 см ли эгатларга помидор ва қўй экинлар экилганида эса 3000 кг сим ҳамда 1000 кг плёнка кетади.

Сабзавот-полиз экинлари ва картошкачилик илмий текшириш институтида карам, помидор ҳатто ширин қалампир кўчатлари плёнка остида ўстирилмоқда.

Плёнка остида тувакчада ўстирилган кўчатларни далага экиш муддати:

Областлар	Помидор	Бодринг
Тошкент	25.III—1.IV	25.III—1.IV
Самарқанд	25.III—1.IV	25.III—1.IV
Фарғона	15—20.III	15—20.III
Андижон	15—20.III	15—20.III
Сурхондарё	25.II—1.III	25.II—1.III

33 - жадвал

Теплицаларда экинларни алмашлаб экишнинг тахминий схемалари

Йил давомида экин алмашувининг тартиби	Ўсув даври		1 м ² дан олинадиган ўртача ҳосил, кг
	бошланиши	охири	

1-схема

1. Бодринг (кўчати экилади)	25.IX—10.X	10—15.II	3—4
2. Помидор (кўчати экилади)	10—25.II	1—15.VII	6—7

2-схема

1. Укроп	1—10.XI	20—30.X	1,5—2
2. Нўш пиёз (барраси танлаб олинади)	1—10.IX	15.XII—5.I	10—12
3. Бодринг (кўчати экилади)	2.XII—10.I	10—20.VI	8—10

3-схема

1. Помидор (кўчати экилади)	1—5.VIII	10.25.II	5—6
2. Бодринг (кўчати экилади)	10—25.II	10.20.VI	6—8

4-схема

1. Помидор (кўчати экилади)	10—20.VIII	10—15.VII	8—10
2. Редиска	1—10.IX	20—30.X	2—3
3. Нўш пиёз (барраси танлаб олинади)	5—15.IX	25.XII—5.I	10—12

5-схема

1. Редиска	1—10.IX	20—30.X	1—3
2. Укроп	5—10.XI	1—5.I	1,5—2
3. Помидор (кўчати экилади)	10—20.I	1—15.VII	8—10

САБЗАВОТ-ПОЛИЗ ЭКИНЛАРИ УРУГЧИЛИГИ

Уруғ ҳақида умумий маълумот. Сабзавот экинлари уруғи майда-йириклигига қараб бир неча группага бўлинади: жуда йирик — нўхат, ловия — бир грамми 1—10 дона.

Йирик — шолғом, редиска, исмалоқ, лавлаги, бодринг — бир грамми 10—100 дона.

Уртacha — карам, помидор, пиёз, қалампир, бақлајон, пастернак — бир грамми 150—350 дона.

Майдада — сабзи, петрушка, кашнич, шолғом, укроп — бир грамми 600—900 дона.

Жудамайдада — шчавель, салат, сельдерей — бир грамми 1000—2000 та бўлади.

Уруғларнинг физик-механик хусусиятларини аниқлашнинг сабзавот-полиз экинлари уруғчилигига аҳамияти жуда каттадир. Уруғни физик-механик хусусияти аниқланганидан кейингина унинг экиш нормаси, чуқур ёки юза экилиши, сифати ва саралаш ишлари тўғри ҳал қилинади.

34 - жадвал

Сабзавот-полиз экинлари уруғнинг физик-механик хусусиятлари

Сабзавот экинлари	Йўғонлиги	Кенглиги	Узунлиги
а) Уруғнинг катта-кичиклиги, мм			
Хўраки нўхат . . .	4,5—8,0	4,5—9,0	5,0—9,5
Хўраки ловия . . .	3,0—7,0	4,0—9,0	6,0—15,0
Ширин маккажўҳори	2,7—3,3	5,0—11,0	6,0—14,0
Салат	0,4—1,0	0,9—2,2	3,4—4,7
Исмалоқ	1,0—3,0	2,0—4,3	2,5—5,0
Укроп	0,4—1,0	1,0—2,5	2,5—4,5
Помидор	0,75—2,2	3,25—3,5	2,5—5,0
Қовун	1,0—2,5	3,25—5,25	5,25—9,25
Тарвуз	2,0—2,75	5,10—9,0	6,0—14,0
Қовоқ	2,25—3,75	8,75—12,0	16,0—25,0
Қарам	— —	1,1—2,5	1,5—2,7
Шолғом	— —	0,75—1,6	1,5—1,8
Турп	— —	2,25—3,5	2,5—4,2
Редиска	— —	1,25—3,25	2,3—4,0
Сабзи	0,4—2,0	1,0—2,35	2,0—5,0
Кашнич	0,4—1,0	0,85—1,5	1,3—2,75
Сельдерей	0,55—1,0	0,75—1,05	1,1—1,95
Лавлаги	2,0—5,5	2,5—6,5	3,2—7,5
Бош пиёз	0,5—2,5	1,25—3,25	2,25—3,6

Уруғларнинг катта-кичиклиги (кенглиги, узунлиги ва қалинлиги) уларни тозалаш ва ҳар хил фракцияларга ажратиш учун уруғ тозаловчи ва сараловчи машиналарнинг элакларини танлашда катта аҳамиятга эга.

1000 дона уруғнинг оғирлигини аниқлаш учун уруғлар сони ва экиш нормасини билиш жуда зарурдир.

Уруғнинг солиштирма оғирлиги, унинг сифат кўрсат-кичларини кўрсатувчи омиллардан биридир. Уруғ йирик бўлгани ҳолда унинг солиштирма оғирлиги кам бўлиши мумкин, бу уруғнинг пишиб етилганлигидан ва пуч-тўқлигидан далолат беради.

35 - жадвал

Сабзавот экин- лари	Абсолют оғирлиги 1000 донаси, грамм ҳи- собида		Солиши- тирма оғирли- ги (зич- лиги)	Ҳажм оғирли- ги, бир литри- да грамм	Уруғ вазни ва сони	
	уруғ сони, дан- -гача	ўртача			1м³ да кг	1 граммда дона

б) Уруғ оғирлигининг ҳажм бирлигидаги сони

Хўраки нўхат	175—350	264,0	1,17	850	350—855	3—5
Хўраки ловия	190—800	358,0	1,11	870	750—800	2—3
Ширин мак- каждухори	90—330	180	1,3	580	520—580	3—10
Салат . . .	0,70 1,35	1,08	1,0	520	334—500	700—1300
Исмалоқ . . .	6,8 9,6	9,0	0,8	430	334—500	100—150
Укроп . . .	1,8 2,5	1,8	0,8	312	313—325	400—650
Помидор . . .	2,58 4,20	3,5	1,28	260	260—350	225—880
Бодринг . . .	18,0 27,2	22,0	1,1	475	475—550	40—85
Қовун . . .	29,0 50,2	35,0	1,1	500	400—500	20—35
Тарвуз . . .	12,0 170,0	135,0	1,2	500	286—503	5—25
Шолғом . . .	1,0 2,8	1,28	1,14	660	650—700	550—1000
Карам . . .	2,6 4,6	3,96	1,0	700	700—725	220—480
Турп . . .	9,5 13,87	10,85	1,15	650	650—700	70—120
Редиска . . .	6,0 12,5	9,20	1,08	670	672—700	75—150
Сабзи . . .	0,70 2,80	1,30	1,0	445	390—445	350—12
Кашнич . . .	0,65 1,75	1,15	1,11	480	510—600	850—950
Сельдерей . . .	0,35 0,90	0,47	0,8	450	450—530	1200—3000
Лавлаги . . .	12,2 25,0	14,0	0,7	250	215—250	40—80
Бош пиёз . . .	2,04 5,0	4,06	0,98	488	500—540	200—500
Қовоқ . . .	125,0 448,0	350,0	1,0	400	400—450	2—8

36 - жадвал

Уруғнинг униб чиқиши учун зарур температура, энг камидা

a) Сабзавот уруғи учун

редиска, турп, шчавель, нўхат
карам, шолғом, салат, укроп, исмалоқ

—1—2°
—2—3°

петрушка, кашнич, сельдерей, дуккаклилар	— 3—4°
бош пиёз, сабзи	— 4—5°
лавлаги	— 5—6°
маккажүхори, ловия	— 8—10°
кабачки, помидор	— 10—12°
бодринг	— 13—15°
бақлажон	— 14—16°
қалампир	— 15—17°

б) Полиз әкинлари уруғи учун

қовун, тарвуз	— 15—17°
қовоқ	— 10—12°

37 - жадвал

Уруғни уруғхоналарда яхши сақданишини таъминловчи энг қулай температура ва ҳаво намлиги

Уруғнинг сақланиш давридаги намлиги, %	Ҳаво температураси, С	Ҳаво намлиги қўйидаги миқдордан юқори бўлмаслиги керак, %
10	20° ва ундан юқори	70
12	20° ва ундан юқори	80
10	15° ва ундан юқори	60
12	15° ва ундан юқори	70
10	7—8°	50
12	7—8°	60

САБЗАВОТ-ПОЛИЗ ЭКИНЛАРИ УРУҒИННИГ НАВ СИФАТИ ВА ЭКИШГА ЯРОҚЛИЛИГИ

Категория ва класслар. Сабзавот — полиз әкинлари ва хашаки илдизмевали әкин уруғи нав сифати ҳамда экишга яроқлилигига қараб қўйидагиларга бўлинади:

а) нав сифатига қараб: элита уруғлар.

Нав тозалилигига қараб биринчи (I) ва иккинчи (II) категорияли уруғлар.

б) экишга яроқлилигига қараб эса 1 ва 2 классга бўлинади.

Сабзавот-полиз ва хашаки илдизмевали әкинлар уруғи нав сифати жиҳатдан қўйидаги талабга жавоб бериши керак.

Уруғнинг нав сифати

Экинлар	Уруғнинг нав тозалиги камидা %			Бошқа нав ва дурагай уруғлар арадашмаси (II категорияли уруғларда) кўпчи билан
	элита	категория	II категория	
Хўраки ва хашаки тарвуз	99	98	90	1
Бақлажон	98	97	90	1
Хўраки нўхат	99,8	99	97	3
Қовун	99	97	92	3
Қабачки ва патиссон	99	97	95	1
Оқ ва қизил карам, брюссел карами ва гулкарар	98	97	80	3
Ширин маккажўҳори	99,5	98	95	3
Порей пиёзи	99	97	90	5
Бош пиёз	98	95	80	2
Бодринг	98	96	90	2
Пастернак	97	95	85	1
Қалампир	99	97	95	1
Петрушка	97	95	90	1
Редиска	98	95	85	2
Шолғом	98	95	85	2
Ровоч	97	95	85	2
Салат	99	99	95	5
Спаржа (құшқұнмас)	97	95	85	2
Хўраки ва хашаки лавлаги	98	95	85	2
Сельдерей	97	95	85	1
Помидор	99	99	95	1
Хўраки ва хашаки қовоқ	95	93	85	3
Хўраки ловия	99,8	99	97	3
Исмалоқ	97	95	80	2
Шавель (қўзиқулоқ)	97	95	85	2

И з о ҳ: Элита уруғлар ичидаги бошқа нав ёки дурагайлар бўлишига йўл қўйилмайди.

I категорияли уруғлар ичидаги бошқа нав ёки дурагайлар бўлишига йўл қўйилмайди.

Юқоридаги жадвалда сабзавот экинлари уруғлари ГОСТ 2559-55 га, полиз экинлари уруғлари ГОСТ 13590-68 га, дуккакли экин уруғлари эса ГОСТ — 12400-66 га мувофиқ келтирилган.

Уруғнинг экишга яроқлилиги

Сабзавот-полиз экинлари ва илдизмевали экинлар уруғнинг сифати жиҳатдан қўйидаги талабларга жавоб берishi керак.

Сабзавот-полиз әкинлари ва илдизмевали әкинларнинг нав сифати

Экин турлари	Ургунинг класси	Униб чи- қиши, ка- мида %	Асосий экин уруглари, камида %	1 кг уруғ- да болса экин уруғ- лари ара- лашмаси, камида до- на	Шундан 1 кг уруғда бегона ўсимлик уруглари, камида
Тарвуз	1	95	99	10	0
	2	80	96	30	20
Бақлажон	1	85	98	40	0
	2	60	95	160	80
Дуккакли сабзавот- лар	1	95	99	2	1
	2	85	98	5	3
Хўраки нўхат	1	90	99	10	1
	2	80	96	50	25
Қовун	1	90	99	10	0
	2	75	97	40	20
Кабачки ва патиссон	1	95	99	10	0
	2	80	96	20	10
Бош карам, баргли карам ва брюссел ка- рами	1	90	98	160	80
	2	60	95	480	280
Гул карам	1	80	98	160	80
	2	50	95	400	200
Ширин маккажўхори	1	96	99	2	1
	2	88	98	5	3
Бош пиёз ва порей пиёзи	1	80	99	400	280
	2	50	95	2000	1200
Хўраки ва хашаки сабзи	1	70	95	12000	1000
	2	45	90	2500	2000
Бодринг	1	90	99	10	0
	2	70	96	40	20
Пастернак	1	70	97	200	100
	2	40	90	800	400
Қалампир (перец)	1	70	98	40	0
	2	60	95	160	80
Петрушка	1	70	96	700	500
	2	45	92	1500	100
Помидор	1	85	98	40	0
	2	60	96	320	200
Редиска	1	85	96	150	100
	2	60	92	300	200
Турп	1	85	96	150	100
	2	60	92	300	200
Шолғом	1	95	98	240	160
	2	80	95	400	240
Салат	1	80	95	1200	1000
	2	65	90	2000	1500
Хўраки ва хашаки лавлаги	1	80	97	60	30
	2	60	94	160	120

Экин турлари	Уруғнинг класси	Униб чи- киши, ка- мида%	Асосий экин уруғлари, камида%	1 кг уруғда бошқа экин уруғлари аралашша- си, камида дона	Шунда 1 кг уруғда бегона үсімлік уруғлари, камида
Сельдерей	1	75	98	600	400
	2	50	93	1400	1000
Қовоқ	1	95	99	10	0
	2	80	96	20	10
Оддий ва лима лови- яси	1	95	99	5	1
	2	90	98	20	5
Укроп	1	60	95	1500	1000
	2	40	85	3000	2000
Исмалоқ (шпинат)	1	70	97	150	200
	2	50	93	600	400
Шчавель	1	80	95	400	200
	2	60	90	700	500

Уруғларнинг экишга яроқлилиги: сабзовотларники ГОСТ 2559—44; полиз экинлариники ГОСТ 13590—68, дуккакли экинларники ГОСТ 12400—66, макажүхориники ГОСТ 12401—66 асосланиб берилган.

Уруғни экишга тайёрлаш. Уруғ тозаланган ва хилланганидан кейин ичидә баъзан 15—20% майдада ва пучлари қолади. Шунинг учун уни экишдан олдин, ош тузи эритмасида солиштирма оғирлигига қараб танлаб олилади.

Помидор уруғини танлаш учун 1 л сувга 50 грамм ош тузи солиб эритма тайёрланади. Уруғ миқдорига қараб эритма бочкада тайёрланади ва зарур миқдорда ош тузи солинади.

Ана шу эритмага уруғ солиб яхшилаб аралаштирилади, 5—7 минутдан кейин пуч уруғлар эритма бетига қалқиб чиқади ва уни элак ёки чўмичда олиб ташланади, сўнгра эритма тўкиб ташланиб уруғ 2—3 соат оқар сувда ювилади ёки идишдаги сув ҳар 30 минутда алмаштириб турилади.

Уруғ экишдан олдин занглашмайдиган идишга илиқ (16—25°) сув солиб намланади. Уруғни халтачаларда ивитса ҳам бўлади. Бунда уруғ халтача ҳажмининг $\frac{2}{3}$ қисмидан кўпини эгалламаслиги лозим. Идишдаги сув ҳар 10—12 соатда алмаштириб турилиши, халтачаларда бўлса, уни оқар сувга солиб қўйилиши керак. Уруғни намлаш муддати қўйидагича: карам, турп, редиска,

шолғом, бодринг, қовоқ, кабачки, қовун, тарвуз, нұхат, ловия ва дуккакли әкінлар уруғи 12—20 соат, пиёз, сабзи, петрушка, сельдерей, укроп, исмалоқ, шовул уруғи 50—60 соат ивитиб қўйилади.

Уруғ зангламайдиган идишларда наматда, қолларда 20—25° температурада, йирик уруғлар эса қайнатилган қипиқларда ундириб олинади. Уруғ нам бўлиши, қалинлиги 6—8 см дан ошмаслиги, устидан эса нам қоп ёпиб қўйилиши керак. Бинолар шамоллатиб турилиши, уруғ эса суткасига икки-уч марта аралаштирилиши лозим. 1-класс уруғларнинг униб чиқиши барча уруғларнинг ярми ёки $\frac{2}{3}$ қисмida ёк үсимталар чиқиши билан тугалланади. Тахминий униб чиқиш муддати — нұхат, ловия, қовун, бодринг, карам, шолғом, редиска, турп уруғлариники 30—50 соат, қовоқ, кабачки, помидор, қалампир уруғлари 60—80 соат, сабзи, укроп, петрушка, сельдерей, тарвуз уруғлариники 70—100 соатдир.

Уруғни ивтиш. Ивтиладиган идишларга дастлаб керакли сувнинг ярми, кейин 8—10 см қалинликда уруғ солинади ва яхшилаб аралаштирилади, сўнг устига нам қоп ёпилади, кейинчалик ҳар соатда аралаштириб турилади. Орадан 3—5 соат ўтгач, яъни уруғ сувнинг ҳаммасини шимиб олгач, устига яна сув солинади, сув бутунлай шимилиб бўлгунча ҳар соатда аралаштириб турилади.

Қовоқ ва пиёз уруғини қиздириш. Уруғ маҳсус хоналарда ёки термостатларда қиздирилади. Термостатда қуруқ уруғларни қиздириш яхши натижа беради. Бодринг ва қовун уруғи 3,5 соат 55—60° ёки 4 соат 40°, тарвуз уруғи 72 соат 35—40° да қиздирилади. 1,5—2 соат давомида температура секин-аста юқорида келтирилган даражага кўтарилиб боради. Агар уруғ температурани созлаш мумкин бўлган хоналарда қиздирилса симдан ясалган элакларга ёки тунука идишларга солинади. Тунукада қиздириладиган уруғ тагига қофоз қўйиб 1 см қалинликда ёйлади. Қиздириш даврида бир неча марта: температураси 40° бўлганида, ҳар 30 минутда, 60° бўлса, ҳар 10 минутда аралаштириб турилади. Уруғ температурасини кузатиб туриш учун элакнинг ўртасидаги унча катта бўлмаган тешикка термометр ўрнатилади, бунда термометрнинг симоб устуни уруғ тагига бўлиши керак. Уруғ димиқиб қолмаслиги учун хона яхшилаб шамоллатиб турилади.

Уруғни ғұлаклаш. Экиш олдиdan уруғ органик ҳамда минерал ўғит аралашмасида ғұлакланади, кейинчалик бу озиқ моддалардан уруғдан униб чиққан майсалар фойдаланилади.

Лавлаги, пиёз, сабзи, петрушка ва редиска уруғлари ғұлакланади. Лавлаги уруғи экиш олдиdan ўғитга аралаштирилади.

Лавлаги уруғи дастлаб 2 соат сувда ивитилади, кейин сувдан олиниб ўғит ёпишадиган бўлгунча шамоллатилади, сўнgra фанер ёки пола бир текис тўкилади, устига ўғитлар: дастлаб 1 кг уруқقا 250 грамм ҳисобидан азотбактерин, кейинчалик 1,7 кг донадорлаштирилган суперфосфат сепиб бир текис аралаштириб турилади.

Юқорида қайд қилиб ўтилган бошқа сабзавот уруғларининг усти силлиқ бўлгани учун уларга ўғит ёпишкоқ моддалар воситасида ғұлакланади. Бунинг учун янги мол гўнгидан фойдаланилади. Шу мақсадда бир килограмм уруқقا 4 кг торф, 2 кг чиринди, 200 грамм ёғоч кули, 200 грамм суперфосфат ва 400 грамм мол гўнги аралаштирилади.

Идишдаги уруғлар дастлаб суюқ мол гўнги билан намланади ва бошқа ўғитлардан оз-оздан солиб яхшилаб аралаштирилади. Сўнgra тайёрланган донадорлаштирилган уруғ тайёрлайдиган мосламага солинади. Мослама ҳаракатга келтирилиб уруғ пўстида донадорлаштирилган ўғит қобиғи пайдо бўлгунча оз-оздан сув қўйилади, шу тартибда тайёрланган уруғ ғўлакчалари фанер устига ёйилади. Икки-уч кундан кейин уруғ устидаги ўғит қобиғи билан экишга яроқли ҳолга келади.

Уруғ етиштириш. Уруғнинг қиммати етиштирилган шароит ва унинг ҳосилдорлигига боғлиқ. Уруғнинг экишга яроқлилиги ва нав сифатларини яхшилашда уруғ ўстириш шароитининг аҳамияти каттадир. Тажриба маълумотларига кўра ўсимликларнинг яхши навлари фақатгина қулай агротехника шароитидагина пайдо бўлади. Агротехника даражаси паст бўлганида яхши нав олиш мумкин эмас.

Соф навлар яхши парвариш қилинмаса, кейинчалик улар айнийди.

Бундай навлар алоҳида парваришланиши керак.

Сабзавот-полиз экинлари уруғини етиштириш агро-

техникаси бу экинлардан маҳсулот олиш агротехника-
сидан деярли фарқ қилмайди.

Уруғчилик хўжаликларида барча ишлар ўз вақтида
сифатли ўтказилиши керак. Икки йиллик экинларнинг
иккинчи йилги агротехникаси ўзига хос хусусиятга эга,
бунда экинларни экиш, парваришлаш, сугориш ишлари
ўз вақтида ўтказилиши жуда муҳимдир.

Уруғи олинадиган экинларга сифатли ишлов бериш,
ўғитлаш мўл уруғ олиш гаровидир.

БИР ЙИЛЛИК ЭКИНЛАР УРУҒЧИЛИГИГА ҚЎЙИЛАДИГАН АСОСИЙ АГРОТЕХНИК ТАЛАБЛАР

Полиз экинлари. Полиз экинларининг уруғи олина-
диган хўжаликларда экинлар юқори агротехника асо-
сида етиштирилади.

Уруғчилик хўжаликларининг вазифаси юқори сифат-
ли биринчи ва иккинчи категорияли уруғ олишдан ибо-
рат. Бу вазифани бажариш учун қўйидагиларга амал
қилиш керак:



Тарвуз уруғини қуритиш

а) бир экиннинг ҳар хил навининг уруғи алоҳида хирмонларда янчидан олинади, акс ҳолда бир нав иккинчи навга аралашиб кетиши мумкин;

б) навдор уруғлар тасодифий ифлосланишининг олдини олиш учун ҳар хўжаликда бир нав етиштирилса яхши натижа беради;

в) биологик ифлосланишга йўл қўймаслик керак.

Сабзавот-полиз экинларининг кўпчилиги четдан чангланувчи, шу экин навининг бошқа ўсимликларидан ҳашарот ёки шамол ёрдамида чангланади.

Шунинг учун уруғлик экин теварак атрофида, шу экиннинг бошқа навлари ўсаётган бўлса, экинлар четдан чангланиб (дурагай) қолиши мумкин. Четдан бошқа нав билан чангланган экинлардан олинган уруғлар келгусида турлича авлод беради, асосий навлар билан бир қаторда дурагайлари ҳам учрайди, бу вақтда навлар биологик ифлосланган ҳисобланади.

Четдан чангланишнинг олдини олиш мақсадида экиннинг турли навлари экиладиган бўлса, ҳар қайси нав экин орасида маълум масофа қолдирилади.

40 - жадвал

Ҳар қайси нав орасида қолдириладиган масофа, м

Экинлар тури	Атрофи очиқ далада	Атрофи тўсиқ дала-ларда
Қовун, қалампир, бақлажон, қовоқ, тарвузлар .	1000	500
Помидорлар	300	100
Қарам, лавлаги, сабзи, шолғом, турп ва бошқа четдан чангланадиган экинлар	2000	600

1. Изоҳ: Агар бир хил экинлар орасида тепалик, боф, уй-жой, бўйи баланд экинлардан кунгабоқар, маккажӯхори экилган майдон бўлса экинларни бир-биридан четлатиш масофаси қисқартирилади.

Экинлар маълум масофада экилганида навларнинг ифлосланиши тўлиқ тутатилмайди. Бундан ташқари ўтган йилги тўқилиб қолган уруғлардан ўсиб чиқсан бошқа навлардан дурагай аралашмалар пайдо бўлиши мумкин. Шунинг учун навлар орасида маълум ўзаро четлатиш масофаси қолдириб экилишидан ташқари, экинлар турли биологик аралашмалардан ва дурагайлардан тозаланиши уруғчилик участкаларида бегона ўтлар,

Сабзавот-полиз экинлари ургучилигига оңд норматив күрсаткычлар

Уруги va маҳсулоти учун экилган экинлар	Навлар ўргасидаги ўзаро чеглатни масофаси		Будектарга сапф жархангарлардан очик дала- да, м		Атрофи тү- сикли жу- ларда, м		Ходчиликка оңдари- штилардан маҳсул бас, инчимесе,		Мөбаси- хинлардан YPy'e нинг оңдурчилга- нигина, %		YPy'нин көнчиги- нада, инчимесе,	
	Tapguzan methered Xodchiyopkink, reke-		Tapguzan methered Budketapra capfa jashxanhar YPy'e niga		Tapguzan methered Xodchiyopkink, reke-		Tapguzan methered Budketapra capfa jashxanhar YPy'e niga		Tapguzan methered Xodchiyopkink, reke-		Tapguzan methered Budketapra capfa jashxanhar YPy'e niga	
Тарвуз	•	•	1000	500	4—6 кг	250	60—80	0,5—1	0,7—1,5	1,0—1,5	—	
Ковун	•	•	1000	500	4—5 кг	200	60—70	0,5—1,5	1,0—1,5	1,5—2	—	
Кабачки	•	•	1000	500	4—6 кг	300	70	0,6—1,6	1,1—1,3	2—2,5	—	
Бодринг	•	•	1000	500	4—6 кг	250	80	0,5—1,5	1,1—1,3	1,5—2	—	
Помидор	•	•	300	100	0,4кг	150	65—80	0,1—0,5	0,3—0,45	1,2—1,5	—	
Баклажон	•	•	1000	500	0,6 кг	200	50—60	0,2—0,5	0,4—1	1—1,2	—	
Ширин қалампир	•	•	1000	500	1,0 кг	180	75	—	—	—	—	
Ўрга пишар карам	•	•	—	—	0,35кг	200	60	—	—	—	—	
Карам (кеч пишар навлар)	•	•	—	—	0,35кг	250	—	—	—	—	—	
Карам (боши учун экиладиган ҳамма навларининг ўргача оғирлиги 3 кг)	2000	600	460	460	—	—	—	—	—	5—6	—	
Карам ўзаклари билан экилганда	2000	600	—	—	12 кг	110	60	—	—	5	—	
Бош пиёз (уруг учун экилганда)	—	—	—	—	56,0 и	—	60	—	—	5—6	—	
Пиёз бошларининг оғирлиги 80 грамм	2000	600	—	—	—	—	—	—	—	4—5	—	
Сабзи уруни учун экилади (иildizmeva- sinning оғирлиги 150 грамм)	2000	600	42,0 и	—	20кг	160	160	—	—	—	—	
Хўяраки лавлаги (уруглик учун экилади)	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	
Хўяраки лавлаги (уруги учун хар бири ўргача 200 грамм)	2000	600	47,6 и	—	130	60	—	—	—	8—10	—	
Шолғом (уруги учун экилади)	—	—	—	—	2 кг	—	—	—	—	—	—	

41. ЖАДВАЛНИНГ ДАЗОМ

биринчи навбатда мазкур экинларнинг ёввойи формалари йўқотилиши талаб қилинади.

Уруғчилик хўжаликларида сабзавот-полиз экинлари уруғининг нав сифатини яхшилаш учун мунтазам ра-вишда танлаб серҳосил юқори сифатли экин маҳсулотла-ридан уруғ тайёрлашни йўлга қўйиш керак, ҳосилдорлик кўтарилиши ва ҳосил сифати яхшиланиши керак.

Уруғчилик хўжаликларида уруғларни ёппасига ях-шилаш оммавий танлаш методи билан яъни ҳар бир нав-га хос типик белгилари бўлган ва йирик сабзавот, ширин қовун-тарвузнинг энг серҳосил мевалар танланиб уруғи олинади.

Меваларни қайта ишлайдиган ва уруғ тозалайдиган машиналарнинг қисқача характеристикаси

Помидор уруғи ажратиб олинадиган ВСТ-1,5 маркали машина. Бу машина яхши пишган помидордан уруғ билан бир қаторда помидор шарбатини ҳам ажратиб олади. Бунда қалампир ва бақлажон уруғлари ҳам аж-ратиб олиниши мумкин. У бир соатда 1,8—2 т меванинг уруғини олади.

Бодринг уруғини ажратиб оладиган СОМ-2 маркали машина. Бу машинада бодринг, қовун уруғлари ажра-тиб олинади ва уруғлар ювиб тозаланади. У бир соат-да 2 т меванинг уруғини олади. Унда бешта ишчи иш-лайди.

Полиз экинларининг уруғини ажратадиган ИБК-5 маркали машина. Бу машина тарвуз, қовун, кабачки ва бодринг уруғларидан ташқари, тарвуз шираси ва уруғини ажратиб олади. Машинада соатига 5 т ва ундан ортиқ меванинг уруғи ажратилади. Бунинг учун 4,5 квт. энер-гия талаб қиласи. Машина доим бир жойда электро-мотор орқали дала шароитида трактор ёрдамида иш-лайди. Уни беш киши бошқаради.

Уруғни елпиб хиллайдиган машина (Веялка-сорти-ровка). Уруғни турли аралашмалардан шамол билан тозалайдиган машиналарга ВС-2, Уфимка № 5 ва бош-қалар киради. Бу хилдаги машиналардан энг кўп қўл-ланиладиган Трумф 2 дир. Уни уч киши бошқаради ва соатига 75 кг уруғ тозалайди.

Спирал — винтли Змейка. Бу мосламада битта ёки иккита ишчи ишлайди. Унинг иш унуми соатига 25—65 кг.

ОСП-2 маркали пневматик тозалагич колонка. Бу машина донли, дон-дуккакли экинлар, кўпгина сабзавотлар, гул ва доривор экинлар уругини тозалайди.

Машинада уруғ аэродинамик белгиларига қараб тозаланди. Иш унуми соатига 0,3—0,8 т.

СП-1,5 маркали пневматик хиллаш столи. Бу донли, дон-дуккакли экинлар ҳамда сабзавот ва ўт уруғлари ни тозалаш, хиллашга мўлжалланган. Уруғлар дастлаб фалвирли машиналардан ва триердан ўтказиб олинади.

Пневматик столда уруғлар солиштирма юғирлиги, йириклиги, шакли ва ташқи хусусиятларига қараб ажратилади, бу эса ўз навбатида уруғларни яхши танлаш, қийин ажраладиган бегона ўт уруғларидан уруғларни осон ажратиб олишга имкон беради.

СП-1,5 машиналаридан бир нечтаси ишласа ҳар қайсисини бир киши, агарда якка ҳолда ишласа, иккуч киши бошқаради.

Донли экинлар уругини ажратишида машинанинг иш унуми соатига 2, ўт ва сабзавотлар уругини ажратишида 0,3—0,5 т. Сабзавот ва полиз экинларини қуруқ уруғдан бегона ўтлар, тола, чанг ҳамда пучларини уруғ тозаловчи К-541, Петкус-Супер типидаги ва Петкус-Гигант машиналарида тўлиқ тозаланади (ГДР да ишланган).

К-541-тиpidаги «Петкус-Супер» уруғ тозалаш машинасини дон, мойли ҳамда дуккакли экинлар, лавлаги, ем-хашак, шунингдек боғ ва томорқа экинларни уруғларини тозалашда ҳам қўлланиш мумкин. Унинг иш унуми соатига 130 кг.

САБЗАВОТ-ПОЛИЗ ЭКИНЛАРИ ВА КАРТОШКА КАСАЛЛИКЛАРИ

Усти берк жойларда ўстириладиган сабзавот экинлари касалликлари. Карам касалликларидан қорасон кенг тарқалган бўлиб, унинг ҳамма хилларини (бош карам, гул карам ва бошқаларни) шикастлайди. Қорасон кўпинча кўчатда ривожланади. Поянинг остки томони қораяди, бунинг натижасида ўсимлик ётиб қолади ва

нобуд бўлади. Парникларда мунтазам равишда тупроқни алмашлаб турмаслик, кўчатлар парваришининг бузилиши, экинларнинг зичлашиб кетиши, ортиқча намлик, биргина азот ўғити билан озиқлантириш касалликни ривожланишига олиб келади. Касалликнинг қўзғатувчиси тупроқ остида қишлиайди.

Кураш чоралари: 1. Парникларда заарлланмаган тупроқдан фойдаланиш ёки тупроқни заарсизлантиришдан иборат. Тупроқни дезинфекция қилиш учун химик дорилардан карбатион (1:10) ҳар квадрат метрга 2—2,5 л, хлорпикриндан 60 грамм, формалин (1:50) ҳар квадрат метрга 10 л, сўндирилмаган оҳакдан эса 1,5 кг дан сарфланади. Мана шу дорилардан бири парник тупроғига солинади. Парникнинг ёnlари 3—4% ли хлорли оҳак эритмаси билан заарсизлантирилади. Парник ромлари эса формалин эритмаси (1:40) билан артилади. Асбоб-ускуналар формалин эритмаси (1:25) билан заарсизлантирилади, келгусида 10—15% ли фосфорокислий натрийга тўрт сутка бостириб қўйилади.

2. Тупроққа 5 см гача шоли қипифи солинади.

3. Экишдан олдин уруғлар бир килограмм уруққа 8 грамм ТМТД билан дориланади. Тупроқнинг ҳар квадрат метрига 50 граммдан ТМТД ёки ҳар квадрат метрига 50—100 миллиграммдан карбатион билан заарсизлантирилади, бу дори пуркалгандан кейин (10° температурада ҳар квадрат метрга 50—75 миллиграмм, 5° температурада эса 75—100 миллиграмм) тупроққа аралаштириб юборилади ($50—100 \text{ мл}/\text{м}^2$).

4. Қасаллик пайдо бўлгач кўчатлар 3% ли тўтиё эритмаси билан суфорилади, экинларга 1% ли бордосс суюқлиги ҳар квадрат метрга 1 литрдан пуркалади.

Карамнинг соҳта уншудринг касаллиги тарқалганда уруғпалла ва баргларда оч сариқ рангли, ноаниқ доғлар пайдо бўлади, баргларининг остки томонида кул ранг унсимон губор ривожланади. Кўчат далага ўтқазилгандан кейин баъзан касаллик бир оз енгиллашади — касаллик аломатлари кўринмайди. Лекин касаллик замбуруғи поя ва барг бандида сақланиб қолади. Қасалланган карам бошларини сақлаш вақтида касаллик яна авж олади, бунда барг томирлари атрофида сариқ, кейинчалик қуруқ доғлар пайдо бўлади. Ўсимлик қолдиқларида касаллик замбуруғлари қишлиайди. Заарланган уруғлик карам бошлари касалликнинг ривожланиш

манбай ҳисобланади. Замбуруғлар уруғ пўстлоқлари атрофида қишлиши ҳам мумкин.

Кураш чоралари:

1. Фақат соғлом уруғликлардан уруғ олинади.
2. Уруғларни экишдан олдин 20 минут 48—50° температурада қиздирилади.

3. Қарам кўчати етиштириш агротехникаси қоидалига амал қилиш лозим.

4. Парникдан касалланган экинларни олиб ташлаш, қолган экинларга ҳар бир ромга 0,5—1% ли бордосс суюқлиги (0,3 л) пуркашдан иборат. Бундан ташқари яхши ёпишиши учун клейстер ёки сут аралаштирилган 80% ли цинебнинг 0,3—0,4% ли суспензияси пуркалади, бу иш ҳар 5—7 кунда тақрорланиб туради.

5. Майдондаги касалланган экинларга 1% ли бордосс суюқлиги пуркалади ёки цинебнинг 0,3—0,4% ли эритмаси ёки 90% ли мис хлор оксидининг 0,3% ли суспензияси пуркалади; олтингугурт ва оҳак аралашмаси (1:1 нисбатда) чангланади.

6. Ҳосил йиғишириб олингандан кейин қолдиқларни йўқотиш ва ерни чуқур шудгорлаш лозим.

Помидор касаллиги. Қорасон — бу касаллик белгилари ва унга қарши кураш чоралари қарамнинг қорасон касаллигига ўхшашдир.

Баргларнинг оқ доғланиш касаллигининг белгилари қарамнигига ўхшайди. Қасаллик ўсимлик баргларини заарлайди.

Баргларнинг оқ доғланиш касаллиги тарқалганда баргда юмалоқ оқ ҳошияли қўнғир доғ пайдо бўлади. Қасаллик авж олганда барг буришиб қолади, қўнғирлашади, кўпинча тўкилиб кетади. Қасалликнинг белгилари дастлаб парниклардаги эртапишар навларда яққол кўзга ташланади, далада ривожланиши давом этади. Қасаллик қанча барвақт бошланса, у ўсимликнинг ривожланишига шунчалик кучли таъсир этади. Қасаллик тарқатувчи парникларда ўсимлик қолдиқлари орасида, мева танасида спора ҳолида қишлиайди. Баҳорда споралар ёш ўсимликларнинг пастки баргларига, кейинчалик эса устки баргларига ўтади.

Кураш чоралари: 1. Ҳосил йиғишириб олингандан кейин чиқиндиларни йиғишириб олиб йўқотишдан иборат.

2. Парникларни тозалаш ва 1 қисм формалинга 50 қисм сув аралаштириб дориланади.

3. Ўсимликка 1% ли бордосс суюқлиги бир неча марта пуркалади; биринчи марта кўчат далага ўтқазилмасдан, иккинчи марта эса мева тугиш даврида, кейинчалик ҳар 10—15 кунда бир-икки марта дори пуркалади. Бундан ташқари 90% ли мис хлор оксидининг 0,4% ли суспензиясини ҳам пуркаш мумкин.

4. Оқ доғланиш касаллигига чидамли помидор навларини экиш керак.

Кўнғир доғланиш касаллиги кўпинча парник ва теплицалардаги экинларда учрайди. Қасаллик белгила-ри дастлаб баргларнинг остки томонида сариқ рангли тарқоқ доғлар пайдо бўлишидан бошланади, кейинчалик доғлар баргнинг устки томонида ҳам ҳосил бўлади.

Кураш чоралари: 1. Уруғларни экишдан олдин бир килограммига 3 грамм гранозан ёки бир килограммига 6—8 грамм ТМТД билан дорилашдан иборат.

2. Экиннинг талабига қараб қулай температура ва намлик сақланади. Бошқа кураш чоралари помидорнинг оқ доғланиш касаллигиникига ўхшайди.

ДАЛАДА ЎСТИРИЛАДИГАН ҚАРАМ ҚАСАЛЛИКЛАРИ

Қарам қасалликларидан қора доғланиш ёки алтернариоз. Бу қасаллик баргларни ва айниқса қарам уруғларининг қўзоқларини заарлайди. Қасалланган ёш қўзоқларнинг учи қораяди, намгарчилик кўпайиб кетганида улар қора куйинди билан қопланади. Уруғлар сут олганда айниқса қаттиқ заарланади. Уруғлар пишиш, қуриш ҳамда сақланиш вақтида авж олади. Натижада уруғларнинг униб чиқиши қобилияти пасаяди. Қасаллик қўзғатувчиси ўсимлик қолдиқлари орасида сақланади. Об-ҳаво нам келганда қасаллик авж олади.

Кураш чоралари:

1. Янчилгандан кейин уруғлар бир сутка 30°C температура қиздирилиб кейин уруғлар бир килограмм уруқча 4 грамм гранозан ёки бир килограмм уруқча 6 грамм ТМТД билан дорилашади.

2. Яхши қуритилган ва дорилашган уруғлар салқин жойларда 2—8°C температурада сақланиши керак. Бунда ҳаво намини 65% дан оширмаслик лозим.

3. Уруғ экилишидан олдин 48—50°C иссиқ сувда 20 минут ивитилиши зарур.

4. Ўсимликини шикастловчи ва касаллик тарқалишига имкон берувчи ҳашаротларга қарши кураш олиб борилиши керак.

5. Уруғликларга 1% ли бордосс суюқлиги ҳар гектараiga 800—1000 л пуркалиши лозим. Бу иш касаллик пайдо бўлиши билан ҳар 10—15 кунда такрорланиши керак.

6. Уруғликлардаги касалланган баргларни йиғиб олиб ўқотилади.

Қарам касалликларидан томирли бактериозни фитопатоген бактериялар тарқатади. Заарланган ўсимлик томирлари қораяди, барглари оқаради. Касалланган ўсимлик пояси кесиб кўрилганда қора томирлар кўзга ташланади. Касаллик авж олганда қарам бошлири ўсишдан тўхтайди. Касаллик уруғлар, тупроқ ва ўсимлик қолдиқлари орқали тарқалади, уни ҳашаротлар ҳам тарқатиши мумкин. Ҳарорат кўтарилганда ва ёғингарчилик кўп бўлганда касаллик авж олади.

Кураш чоралари: 1. Парникларни дезинфекция қилиш (тупроқ ва асбоблар) қарамнинг қорасон касаллигига қарши кураш кабидир.

2. Экишга тўрт-беш ой қолганда уруғ ҳар гектарга 4 кг гранозан билан дориланди.

3. Касалланган ўсимликлар парникдан олиб ўқотилади.

4. Уруғликлар чуқурларда 1—2°C температурада сақланиши, баҳорда ўзаги касалланган қарамлар текширилиши ва брак қилиниши керак.

5. Барча агротехник қоидаларга амал қилиниши ва алмашлаб экиш тўғри йўлга қўйилиши зарур.

Гулкарам касалликларидан қора чириш — майсалар кўриниш даврида уруғпаллаларни заарлаб, унда қора ёғсимон доғлар пайдо бўлади. Бу касалликдан ўсимликларнинг барча ер устки қисмлари заарланади. Касаллик авж олганида барглар буришиб қолади, заарланган гулкарам ва унинг бандлари ва қўзоқларида чўзиқ қора доғлар пайдо бўлади.

Кураш чоралари: 1. Уруғларни 50°C иссиқ сувда иви-тишдан иборат.

2. Экинлар барвақт экилиши керак.

3. Уруғликларнинг касалланганларини ўқотиш лозим.

4. Даладаги ўсимлик қолдиқлари йиғиштириб олиб ўқотилади.

5. Парникларни дезинфекция қилиш карамнинг қорасон касаллигиники кабидир.

ПОМИДОРНИНГ ВИРУС КАСАЛЛИҚЛАРИ

Помидорнинг столбур касаллигига чалинган ўсимликнинг барглари, гуллари ва меваларида турли хил морфологик ўзгариш рўй беради. Кўчатларнинг барглари кўп кесикли, оқ-яшил рангли бўлади.

Ўсимлик гуллай бошлаганда касаллик барг палларида сезилади, барглар гунафша ранг ялтироқ тус олади. Ўсиш органларида гулбанди, гулкоса барги, оналик қисми, оталик қисми, устунчъ ва тугунчаларида ҳар хил ўзгаришлар пайдо бўлади. Мевалар ёғочсимон, мазасиз, оқ, ўзаги ўсиқ бўлади. Касалланган мева уруғлари пуч бўлиб, яхши униб чиқмайди. Бу касалликнинг вируси бегона ўтлар: печак, сут, ўт ва бошқаларда бўлади. Касаллик касалланган экинлардан соғлом экинларга бегона ўтлар орқали ўтади.

Помидорнинг стрик касаллиги тарқалганда кўчатларда оч яшил ранг пайдо бўлади. Касаллик кўчатлар далага ўтқазилгандан кейин орадан 10—15 кун ўтгач, пастки баргларда, ҳар хил жигар ранг, қўнғир рангли, мойсимон доғ шаклида пайдо бўлади. Доғларнинг ҳажми ва сони кўпайиб кетиши натижасида барг бўлаклари ва бутун барглар нобуд бўлиши мумкин.

Поя, барг банди ва меваларда жигар ранг-қўнғир йўллар ёки чизиқлар пайдо бўлиши доғланишга олиб келади. Экинлар бу касаллик билан барвақт заарланса ҳосил (40—80%) нобуд бўлади ёки экин бутунлай қуриб қолиши мумкин. Касаллик кеч авж олганида меваларда билинар-билинмас жигар ранг доғ пайдо бўлади. Заарланган меваларнинг шакли ўзгаради ва улар пишмай қолади. Кўпинча касалланган мевалар қораяди ва чирийди.

Помидорнинг мозаика касаллиги тарқалганда, касаллик экинлар ўсув даврида бир ўсимликдан иккинчи ўсимликка ҳашаротлар, сув, бегона ўтлар, иш қуроллари орқали ўтади. Инкубацион даври 10—14 кун.

Касалланган экинлар барги оч ва тўқ яшил ранглар билан қопланади, бу ранглар доғлар билан алмашиб туради. Баргларни оч яшил қисмлари бошқа қисмларига қараганда секинроқ ўсади, бунинг натижасида барг-

нинг тўқ яшил қисми шишади ва баргларда нотекис нуқтачалар пайдо бўлади. Бу эса экинларни умумий ҳолатига заарли таъсир этади. Учки баргларнинг шакли ўзгаради ва ўртадаги томирларигина қолади. Мевалардаги ранглар ҳам ўзгаради (пишган меваларда оч сариқ рангдан тўқ қизил рангга, пишмаган меваларда эса оч яшил рангдан тўқ яшил ранггача). Бу касаллик ўсимликнинг тез ўсуви қисмларида жуда яхши билинади. Ҳосилга заарли таъсир қиласиди. Касаллик вируслари механик йўл билан ва ҳашаротлар ёрдамида тарқалади.

Кураш чоралари: 1. Соғлом экинлардан уруғ тайёрлашдан иборат.

2. Уруғ тайёрлашда серодиагностикадан фойдаланиш керак.

3. Касалликка чидамли (Волгоград, Майкоп урожайний, Дурагай-88, Совфа) навларини экиш, тупроқни зарарсизлантириш карамнинг қорасон касаллигиники кабидир (тупроқ 30—40 минут 90—100°C буфда қиздирлади).

4. Уруғларни экишдан олдин қиздириш, бунинг учун уруғ халтачаларга 200—250 граммдан солиб, 50—52°C температурада 2—3 сутка, 80°C температурада бир сутка термостатда тутилади.

5. Солиширма оғирлигига қараб уруғлар калибропка қилинади. Уруғлар қиздирилгандан кейин 3 минут 5% ли ош тузи эритмасига солиб тўхтовсиз аралаштирилади ва енгил уруғлар элакда олиб ташланади; қолган уруғлар яхшилаб ювиб қуритилади, бунинг учун 1 кг уруққа 3 л 5% ли ош тузи эритмаси солинади.

6. Калибрланган уруғлар 0,03% ли метилен синкаси эритмасида ивитилиши керак. Бунинг учун 3 грамм метилен синкасига 10 л сув аралаштирилади. 10 кг уруғни дорилаш учун 30 л эритма сарфланади. Анабазин сульфатнинг 0,05% ли сувдаги эритмасидан фойдаланиш мумкин, бунинг учун 15 грамм анабазин сульфатга 30 л сув аралаштирилади, ҳосил бўлган эритма билан 10 кг уруғ дориланади. Уруғларни 16 соат давомида 20—22°C температурали эритмада сақлаб кейин қуритилади ва бунда бир килограмм уруққа 2 грамм гранозан ёки 1 кг уруққа 5—8 грамм ТМТД чангланади.

7. Кўчатни далага ўтқазишдан 3—5 кун олдин метилен синкасининг 0,03% ли эритмаси (3 грамм метилен

синкасининг 10 л сувдаги эритмаси) ёки анабазин сульфатнинг 0,05% ли эритмасини (5 грамм анабазин сульфатнинг 10 л сувдаги эритмаси) 15—20 грамм рогорга (фосфамид 0,15; 0,20% ли концентрацияси) аралаштириб бир парник роми ичига пуркалади.

8. Кўчатлар тутганидан кейин юқоридаги эритмалар комплекси ҳар гектарига 500—800 л ҳисобидан қайта пуркалади.

9. Алмашлаб экишни тўғри уюштириш ва помидордан олдин беда, карам ва пиёз экилади.

10. Уруғчилик ҳўжаликларида уруғ далага сепилади (кўчат қиммасдан).

11. Ўсув даврида барча агротехника усуллари — суғориш, культивация, озиқлантириш (айниқса калий билан) ўз вақтида тўғри қўлланилади.

Помидор мевалари учки қисмининг чириш касаллиги. Катта-кичиклиги турлича бўлган помидор меваларининг учиди якка ҳолда тўқ яшил доғлар пайдо бўлади. Кейинчалик доғлар катталашиб жигар ранг-қўнғир тусга айланади. Меваларнинг учки қисми ўсишдан тўхтайди. Меваларнинг учки қисмида доғ пайдо бўлишига сабаб ички тўқималарнинг ўзгаришидир. Меванинг ўрта қисми кучли ўсади, тўқималар зичлашиб ёғочсимон бўлиб қолади. Меваларни ўрта қисмининг ўсиши ҳисобига уруғ камералари қисқаради. Касаллик очиқ далада ҳам, усти берк ерларда ҳам учрайди.

Кураш чоралари: 1. Ўсимликларнинг ривожланишига энг қулай шароит (иссиқлик ва намлик) яратилади.

2. Тупроқ ва парник теплицалар дезинфекция қилинади.

3. Соғлом мевалардан уруғ тайёрланади ва уруғ гранозан билан ёки ТМТД билан дориланади. Бунинг учун 1 кг уруққа 3 грамм гранозан сарфланади ёки 1 кг уруғ 6 грамм ТМТД билан дориланади.

4. Алмашлаб экишга риоя қилиниши, гэмидор экилган далага 3—4 йилгача яна помидор экилмаслиги керак.

ПИЁЗ ВА САРИМСОҚ ҚАСАЛЛИКЛАРИ

Пиёз қасалликлари

Соҳта уншудринг қасаллиги тарқалганда барг ва гул бандлари сарғаяди, кейин билинар-билинмас спора ташувчи замбуруғлардан ташкил топган қўнғир-гунаф-

ша рангли ғубор билан қопланади. Етилган замбуруғлар сочилиб құшни соғлом экинларга тушиб уларни заарлайды. 10—15 кундан кейин янги заарланган үсимликда касаллик белгилари күринади. Қасалланган үсимлик үсишдан қолади, барралари ва пиёз бошлари авж олмайды. Қаттиқ заарланган экин сарғаяди, қурийди. Уруғ бошлари кучсиз ривожланади, уруғлари пуч бўлиб кўкармайды. Замбуруғлар асосан үсимликнинг учки қисмида ривожланади. Замбуруғлар спора ҳолатида қишлийдилар (заарланган барг тўқималари ичидан). Қасалланган пиёз бошлари касаллик манбаи ҳисобланади. Сохта уншудринг билан барра ва бош пиёzlар заарланади.

Кураш чоралари: 1. Алмашлаб экиш усули қўлла-нилиши, пиёз экилган ерга 2—3 йилгача қайта пиёз экмаслик лозим.

2. Уруғлик пиёз бошлари касалланмаган участкалардан тайёрланиши керак.

3. Уруғликлар (бош пиёз ва нўш) экишдан олдин 3 соат давомида 40—40°C температурада, уруғлик кўп бўлганда у 16—24 соат қиздирилади. Кузда яхшилаб куритилади, баҳорда экишга 1,5—2 ой қолганда қиздирилади. Димиқиб қолмаслиги учун пиёз юпқа қилиб ёйиб қўйилади ва афдариб турилади.

4. Пиёз шамол яхши юришиб турадиган очиқ далага экилиши зарур.

5. Қасалланган экинлар даладан йўқотилиши керак.

6. Уруғликларни 1% ли бордосс суюқлиги ёки 0,3% ли мис хлор оксиди ё цинеб препаратидан гектарига 600—900 л пуркалади. Дорилар яхши ёпишиши учун суюқликка сут ёки клейстер солинади, бунинг учун 100 кг эритмага 1 кг клей сарфланади.

7. Ҳосил йигиб олингандан кейин үсимлик қолдиқлари даладан олиб кетилиши ва ер чуқур қилиб шудгорланиши керак.

Пиёзниң қоракуя касаллиги кўпинча бош пиёзларда, камдан-кам саримсоқда учрайди. Замбуруғлари сепма пиёз уруғи униб чиққанидан кейин икки кунлигидан 15 кунлигигача бўлган майсаларни заарлайди. Қасаллик 5 кунгача билинмайди. Замбуруғ споралари ўш барг тўқималари ичига кириб қўнғир жигар ранг тасма ҳосил қиласи. Кейинчалик бу тасмалар шишга айланади. Шишлар қўнғир жигар ранг замбуруғлар споралари

билан тұлиб, ёрилганида соғлом пиёз бошлари за-
парланади. Қоракуя споралыры гупроқда бир неча йил
(6—8) сақланиб касаллик тарқатиш манбай ҳисобланади.

Кураш чоралари: 1. Уруғ әртә муддатда сепилиши
керак.

2. Уруғ ундириб әкилиши лозим.

3. Күчат қилиб әкиб ўстирилиши керак.

4. Пиёзни эски әкилган жойига камида 5 йилдан ке-
йин такрор әкилиши лозим.

5. Ұсув даврида касалланган әқинлар ҳосил үиғиши
вақтида заарарланган пиёз бошлари йўқотилади. Пиёз
хилланган майдончага 10% ли хлорли оҳак эритмаси се-
пилади.

6. Тупроқ 40% ли формалин билан заарасизлантири-
лади. Бунинг учун ҳар 100 м² га 900 мм формалин сарф-
ланади (1:140). Ерга қуруқ олтингургурт билан оҳак
аралашмасини ҳам солиш мумкин.

Бунда гектарига 112 кг олтингургурт ва 56 кг оҳак
сарфланади.

7. Уруғлик учун пиёз бошлари заарарланмаган участ-
калардан олиниши лозим.

8. Үсимлик қолдиқларини үиғишириб йўқотишдан
иборат.

Пиёзниң занг касаллиги пиёз ва саримсоқ барглари-
да учрайди. Замбуруғ билан заарарланган баргларда са-
риқ думалоқ ёки овал доғлар пайдо бўлади. Барглар
қурийди, товар сифатини йўқотади. Баргларнинг бар-
вақт қуриши натижасида пиёз бошлари яхши ривож-
ланмайди ва ҳосили камаяди. Ёзда пиёз баргларида зам-
буруғларнинг насл берувчи ҳамма босқичлари ривожла-
нади.

Кураш чоралари: 1. Үсимлик қолдиқларини үиғишири-
би олиш ва ёқиб ташлашдан иборат. Ерни чуқур шуд-
горлаш керак.

2. Үсимликларга (сохта уншудринг касаллигиники-
га ўхшатиб) дори пуркаш лозим.

Кул ранг бўғиз чириш касаллиги билан пиёз ва са-
римсоқ заарарланади. Кул ранг чириш омборларда ри-
вожланадиган замбуруғли касаллик. Заарарланган пиёз
бошлари бўғизида кул ранг мағор губори — замбуруғ ва
споралар ҳосил бўлади. Пиёз бошлари бўғизи, юмшаб
тушиб кетади. Кейинчалик замбуруғдонлар тўлишиб,
қора, майда склероция ташкил қиласиди.

Бўғиз чириш касаллиги билан экинлар далада ҳосили етилгунича заарланади. Уруғдонлар зараарланганида уруғлар ривожланмай қолади. Замбуруғлар тупроқда, уруғлик пиёз бошлари ва уруғларда қишлиайди. Қасалликнинг асосий манбай уруғликлар ҳисобланади. Қасалликни тарқатишда тупроқ ва пиёз уруғининг роли унча катта эмас.

Кураш чоралари: 1. Экин экиш, ҳосилини йиғиштириб олишни ўз вақтида ўтказишдан иборат.

2. Соғлом экинлардан уруғ олиш, уруғни ўсимлик қолдиқларидан яхшилаб тозалаш ҳамда гранозан ёки ТМТД билан дорилаш зарур. Бунинг учун 1 кг уруққа 3 грамм гранозан ёки 1 кг уруққа 6 грамм ТМТД сарфланади.

3. Пиёз сақлашдан олдин 30—35°C температурада 8—10 кун, 25°C температурада 10—15 кун қуритилади. Пиёз 0—2°C температурада ва 75% ли ҳаво намлигига сақланиши керак.

4. Чириган пиёзлар сараланиши керак.

5. Пиёз экинига кўпроқ фосфор ўғити берилиши керак.

Илдизнинг оқ чириш касаллиги. Илдизда, пиёз бошлари тагида зич, оқ замбуруғлар мицелияси пайдо бўлиб уларда тез кунда қорамтири склероциялар кўринади. Илдиз системаси (касалланган экинларнинг) пиёз бошлари, барги, тепасидан бошлаб сарғаяди ва қурийди. Қасаллик эрта бошланганда бутун ўсимлик, кеч бошланганда пиёз бошларигина заарланади, пиёз бошларини сақлаш вақтида чириш давом эта беради. Тупроқ ва уруғлик материаллари касаллик манбай ҳисобланади. Об-ҳаво нам ва иссиқ келганда касаллик тез ривожланади.

Кураш чоралари: 1. Уруғлар гранозан ёки ТМТД билан дориланди. Бунинг учун 1 кг уруққа 3 грамм гранозан ёки 1 кг уруққа 6 грамм ТМТД сарфланади.

2. Сақланадиган ва уруғлик учун экиладиган пиёз бошлари яхшилаб текшириб хилланиши лозим.

3. Пиёз ва саримсоқни сақлаш давридаги темпера тура ва ҳаво намлигига риоя қилиниши керак.

Сабзи касалликлари

Оқ чириш касаллиги. Уни замбуруғлар келтириб чиқаради, у даладаги ва сақланаётган сабзиларни заар-

лайди. Илдизмеваси касалланған уруғликлар әкилганда катта заар қелтиради. Барг чиқариши билан касаллик аломатлари сезила бошлайди. Барг ва ёш новдалар сүйлиди, нобуд бўлади. Сўлиган ўсимлик илдизмеваси чирийди, оқ губор билан қопланади. Замбуруғлар омборларда, сақланаётган илдизмеваларда ва тупроқдаги ўсимлик қолдиқларида қишлиди. Заарланган сабзида оқ губорли склероциялар баҳорда чуқурча пайдо қиласди (тарелкага ўхшаш). Мева етилиши билан споралар ёрилиб, шамол ёрдамида соғлом экинларга ўтади. Касаллик тупроқ орқали ҳам ўтиши мумкин. Касаллик ҳамма ерда учраб ҳосилга катта заар етказади.

Кураш чоралари: 1. Уруғлар гранозан ёки 50% ли ТМТД билан дорilanади. Шунда 1 кг уруққа 4 грамм гранозан ёки 8—10 грамм ТМТД сарфланади.

2. Касалланган экинларга 80% ли цинебнинг 0,4% ли суспензияси ёки 90% ли мис хлор оксидининг 0,3% ли суспензияси ёки 1% ли бордосс суюқлиги, ТМТД нинг 2% ли суспензияси пуркалади. Шунда ҳар гектарга 600—800 л суспензия сарфланади. Ҳосилни йиғишга 20—25 кун қолганда пуркаш такрорланади.

3. Экин фосфорли-калийли ўғитлар билан озиқлантирилади.

4. Илдизмеваларни, айниқса уруғликлар сақланишидан ва өкилишидан олдин яхшилаб текширилиши ва хилланиши керак. ТМТД чангланиши ёки илдизмевалиларга ТМТД нинг 3% ли суспензияси пуркалиши керак. ТМТД чангланганда 1 т илдизмевага 3—7 кг препарат сарфланади. Збарский бактериоциди билан дорilanади. Бунинг учун қопдаги сабзилар 5 минут 1: 10000 нисбатдаги эритмага солиб, сўнг дарҳол сақлаб қўйилади ёки қуритилмасдан далага экилади.

5. Сақлаш режимига риоя қилиш, яъни температура 0—3°C, ҳаво намлиги 80—85% бўлган ерда сақланиши керак.

6. Даладаги экин қолдиқлари йўқотилиб, ер сифатли шудгор қилинади ва алмашлаб экиш қоидаларига амал қилиниши лозим.

Қора чириш касаллиги экинни ўсув даврида ва сабзини сақлаш даврида шикастлайди. Бу вақтда у айниқса уруғликларга катта заар етказади.

Майсаларда касаллик қорасон касаллиги каби илдиз бўғзини қорайтиради. Далада ўсимлик баргларининг

сағайиши ва пастки баргларнинг ички қисмининг буришидан бошланади, кейинчалик устки баргларга ўтиб, баргларнинг сўлиши ва қуришига олиб келади. Барг банди қўнғирлашади, ҳаво нам келганда қора ғубор билан қопланади.

Заарланган уруғлик сабзи гуллаш ва ҳосил тугиш даврида кўпинча сўлиб қолади. Омборларда сақланаётган сабзиларнинг ён томони ёки учки қисмида ботиб кирган доғлар пайдо бўлади. Қасалланган жойи қораяди.

Омборларда штабелда сақланаётган сабзининг қирқиб олинган барг қолдиқларида намлик ортиши билан кулсимон яшил ғубор пайдо бўлади. Қазиш ва ташиш вақтида шикастланган сабзиларда қора чириш касаллиги авж олади. Қасаллик соғлом ва заарланган сабзиларнинг бир-бирига тегиши натижасида омборларда споралар орқали тарқалади.

Кураш чоралари оқ чириш касаллигиникуга ўхшайди.

Фомоз ёки қўнғир рангли чириш касаллиги ўсимликининг барг бандлари ва томирларида чўзиқ бўзсимон жигар ранг доғлар шаклида пайдо бўлади. Қишида сақланаётган сабзининг илдизмеваларида касаллик кўпайиб, доғлари катталашади. Заарланган тўқималар бузилиб ораси бўшашади, бу бўшлиқлар оқ замбуруқлар билан қопланади. Заарланган уруғликларда бу касаллик натижасида сабзи меваси чирийди ёки поя ва соябонлари қурийди. Поянинг асосида ва барглар пояга бириккан жойида доғлар пайдо бўлади, кейинчалик заарланган тўқималарда қора нуқталар ҳосил бўлади.

Ҳаво нам келганда касаллик тез авж олади. Қасаллик уруғлар ва касалланган ўсимлик қолдиқлари орқали тарқалади.

Қасалликка қарши кураш чоралари — оқ ва қора чириш касаллигиникуга ўхшашдир.

Сабзининг уншудринг касаллигига барг пояларида оқ унсимон ғубор пайдо бўлади. Бу касаллик билан барча соябонгуллилар заарланади. Қасалланган ўсимлик қолдиқларида касаллик сақланади.

Кураш чоралари: 1. Ўсимлик қолдиқларини йўқотишдан, шудгорни сифатли ўтказишдан иборат.

2. 1% ли олтингугурт коллоиди пуркалади (касаллик кўриниши билан) бунда ҳар гектарга 600—800 л препа-

рат сарфланади. Биринчи пуркашдан кейин орадан 25—30 кун ўтгач пуркаш тақрорланади.

Лавлаги касаллиги

Майса чириш ёки майсанинг ётиб қолиш касаллигини замбуруғ ва бактериялар комплекси ҳосил қиласи. Уруғдан чиққан күчатларни уруғ паллалардан бошлаб зааралайди. Касалланган күчатларнинг танаси ва илдиз бўғзи қораяди. Танаси ингичкалашиб оқ ғубор билан қопланади. Бу касалликни ноқулай тупроқ, об-ҳаво шароитлари ва турли хил микроорганизмлар чақиради.

Касаллик оғир нам тупроқларда, суғоришда кўлланиб қоладиган участкаларда кучли ривожланади. Баҳор совуқ келганда, агротехника паст бўлганда касалликнинг тарқалиши кучаяди. Касаллик тупроқ орқали тарқалади.

Кураш чоралари: 1. Униб чиқиши яхши бўлган уруғларни экишдан иборат.

2. Уруғлар гранозан ёки ТМТД билан дориланиши лозим. Бунинг учун 1 т уруққа 4 кг гранозан ёки 6 кг ТМТД сарфланади. Уруғчилик заводларида уруғлар қуидаги ҳимоя қилувчи моддалар билан дориланди: бунда 1 т уруққа 6 кг ТМТД, ҳар тоннасига 10 кг суперфосфат, хлорли калий ва 0,5 кг бор кислотаси аралашмалари сарфланади.

3. Экинлар қалинлиги бир текис бўлишига эришиш керак.

4. Чириган экинларни йўқотиш лозим.

5. Касалланган экинлар чопиқ қилиниши (касалланган жойигача тупроққа кўмилиши) керак.

Лавлагининг уншудринг касаллиги экинларни ўрта ва пастки томонларида баргларида ва кўчатларда оқ унсимон ғубор шаклида пайдо бўлади. Баргарни устки ва остки томонларида оқ унсимон ғубор қоплайди. Уруғликларнинг барча ер устки қисмлари заарланади. Касаллик заарланган ўсимлик қолдиқлари ва уруғлар орқали тарқалади.

Кураш чоралари: 1. Уруғлар гранозан ёки ТМТД билан дориланди. Бунинг учун 1 т уруққа 4 кг гранозан ёки 6 кг ТМТД сарфланади.

2. Экинларга олтингугурт чангланади. Бунда ҳар гектарга 15—30 кг олтингугурт олинади. Экинларга коллоид олтингугуртнинг 1% ли суспензияси пуркалади.

Шунда гектарига 600—800 л дори сарфланади. Биринчи дори пуркаш касаллик кўрина бошлиши билан, иккинчи марта эса 25—30 кундан кейин ўтказилади.

Полиз экинлари касалликлари

Қовун касалликлари. Фузариоз сўлиш касаллиги қовун экиладиган барча районларда учрайди ва катта зарар келтиради. Бу касаллик қовун экини ривожланишинг ҳамма фазаларида, айниқса қовун пишиш даврида билинади. Ҳосилнинг 30% и ва ундан кўпи нобуд бўлишига олиб келади. Майсалар кўриниши билан уруғпалла барглари юмшаб келгусида қуриб қолади. Қовун пишиш даврида баргда ҳар хил доғлар (оч сариқ рангдан тўқ жигар ранггача) пайдо бўлади ва қовун палаклари қуриб қолади.

Кураш чоралари: 1. Юқори агротехника жорий қилиш: экинни ўз вақтида экиш, минерал ўғитлар бериш, экинларни ўз вақтида чопик қилиш, экинларнинг ўсиши ва ривожланиши учун қулай шароит яратишдан иборат.

2. Алмашлаб экишни амалга ошириш, қовун экилган ерга қайтадан камида 6—7 йилдан кейин такрор қовун экиш лозим.

3. Қасалликка чидамили қовун навларини экиш, соғлом экинлардан уруғ тайёрлаш керак.

4. Қишлоқ хўжалик заараркунандаларига қарши курашиб зарур.

5. Уруғларни микроэлементлардан темир, бор эритмаларининг 0,25% ли концентрациясида рух, марганец ва мис эритмасининг 0,25% ли концентрациясида 12 соат давомида ивтилиади. Бунинг учун 5 грамм дорига 10 л сув аралаштириб эритма тайёрланади. Оталик гуллари ёппасига очилганда ҳар гектар ердаги экинга шу микроэлементларнинг концентрацияси: темир, борнинг 0,05% ли; рух, марганец ва миснинг 0,1% ли 100—1000 л эритмаси пуркалади.

6. Уруғлар микроэлементлар эритмасида ивтиилгандан кейин қуритилади ва гранозан ёки 50% ли ТМТД билан дориланади. Бунда 1 кг уруқقا 3 грамм гранозан ёки 8 грамм 50% ли ТМТД сарфланади.

7. Экишдан олдин уруғлар 50—70°C температурада 5 соат қиздирилади, бунинг натижасида ўсимликнинг сў-

лиш касаллигига чидамлилиги ва ҳосилдорлиги ортади.

8. Уруғлар экишдан олдин 24 соат метилен синкаси препаратининг 0,03% ли эритмасида ёки анабазин сульфатнинг 0,5% ли эритмасида ивитилади.

9. Экин 3—5 та чинбарг чиқарганда унга озиқ сифатида 5% ли суперфосфат эритмаси ёки 1% ли аммиак селитра эритмаси пуркалади.

Қовуннинг уншудринг касаллиги баргнинг остки ва устки томонида, барг бандларида кулранг унсимон дод шаклида учрайди. Доғлар кейинчалик бутун барг сатхини эгаллади ва барг қуриб қолади. Касаллик эрта бошланганида ҳосилдорлик пасаяди, меванинг сифати бузилади ва ундаги қанд моддаси камаяди.

Кураш чоралари: 1. Пушталарни экин палаклари қоплагунча бир қисм олтингугуртга икки қисм тупроқ аралаштириб сепилади. Бунда навларнинг олтингугуртга сезгиригини эътиборга олиш керак: жуда сезгири навлар ҳандалак, чўгири, аравакаш, олтингургуртга чидами навлар: Ўзбекистон қизил уруғи, Кўйбош, Қорапўчоқ ва бошиқалар.

2. Олтингугурт кукуни чангланади ёки ҳар гектарга 15 кг дан олтингургуртнинг 0,5—1% ли суспензияси пуркалади. Бунда бир гектарга 400—500 л суспензия сарфланади. Биринчи ишлов бериш касаллик аломатлари сезилиши билан, кейингилари эса 7—8 кундан кейин такрорланади. Мис хлор оксидининг 0,3—0,4% ли суспензияси ёки 0,5—0,7% ли цинеб эритмаси пуркалиши мумкин.

Бодринг касалликлари

Бодринг бактериози ўсимликнинг ер устки қисмларини заарлайди. Уруғпаллаларда сувга ўхшаш дод, етук экинларда кўнғир бурчаксимон дод пайдо бўлади. Зааррланган тўқималар нобуд бўлади ва деярли оқ ранга айланади.

Кураш чоралари: 1. Уруғлар гранозан ёки ТМТД билан дориланади. Дорилаш экишга 2—3 ой қолганда ўтказилиши мумкин.

2. Касаллик пайдо бўлиши билан экинларга 0,75% ли бордосс суюқлиги пуркалади. Касаллик авж олганида пуркаш такрорланади.

Күнғир доғланиш касаллиги меваларнинг устида майда сувсимон доғлар пайдо бўлишидан бошланади, кейинчалик бу доғлар катталашади. Мева пўсти ёрилади, доғ устида тўқ яшил духобасимон ғубор пайдо бўлади. Кейинчалик бу доғлар уюлиб, ичкарига ботиб киради, мевалар қийшаяди, ўсишдан қолиб, товар сифати йўқолади. Парник-теплицалардаги бодрингга катта зарар етказади.

Кураш чоралари бодринг бактериозиники кабидир.

Бодрингнинг вирус (мозаика) касаллиги. Ёш бодринг экинлари баргига оч яшил ёки сариқ мозаика шаклида учрайди. Баргнинг тўқ яшил қисми кўпинча шишиб, барг буришиб қолади. Олдин чиққан баргларда хлороз пайдо бўлиб, айрим қисмлари қуриб қолади, мевалари ҳам мозаик ранг олиб, шакли ўзгаради. Кўпинча экинлар ўсишдан қолиб, ҳосил бермайди. Бу касаллик билан барча қовоқсимонлар заарланади. Вируси бегона ўтларнинг тирик тўқималарида қишлиайди. Уруғ орқали ҳам юқиши мумкин. Бу касаллик теплицаларда ўстириладиган бодринг учун айниқса хавфлидир.

Кураш чоралари:

1. Соғлом экинларнинг мевасидан уруғ тайёрланади.
2. Бодринг ўстирилаётган теплица температурасини 20° дан пастга туширмаслик лозим.
3. Айрим касалланган экинлар йўқотилади.
4. Касаллик вирусини тарқатувчи ҳашаротларга қарши курашилиши керак.
5. Бодрингни шу касалликка чалинувчан өкинлардан узокроқ жойга экишдан иборат.

КАРТОШКА КАСАЛЛИҚЛАРИ

Картошканинг ҳўл чириш касаллиги бактериялар таъсирида пайдо бўлиб, картошка чирийди ва ундан ҳўл шилимшиқ оқади. Касаллик асосан омборларда учрайди. У механик равишда шикастланган ва бошқа касаллик билан заарланган картошкада авж олади.

Картошканинг вирус касалликлари. Ажинли мозаика картошка баргларида оч яшил доғ пайдо бўлади, кучли даражада касалланган картошка экинлари ўсишдан қолади, баргларига ажин тушади. Баъзида ажин тушиш натижасида барг тўқималари (томирлардаги) нобуд бўлади. Бундай өкинларнинг картошкаси майда, оқиши рангли ва кўп кўзли ўсиқлари ингичка бўлади.

Кураш чоралари: 1. Қасаллукларга чидамли навлар танланиши керак.

2. Уруғлик участкалардаги қасалланган экинлар йўқотилиши лозим.

3. Сўрувчи ҳашаротлар — триплар мунтазам ра-вишда йўқотиб борилиши, бунинг учун экинларга 0,15—0,20% рогор эритмаси, 0,2—0,3% ли карбофос эритмаси, 0,3—0,5% ли хлорофос эритмаси пуркалиши керак.

Готика билан қасалланган экин туганаклари майда, чўзиқ, баъзида уларнинг ингичка ўсиқлари бўлади. Поясининг учки қисми ва ён новдалари кўпинча букилган, барги қайрилгандир.

Жингалак қасаллиги экин тупларида гулламайдиган пояларнинг кўпайиши (10—15 баъзида ундан ҳам кўп) учки баргларнинг кучли даражада ўсиб кетиши билан характерланади. Кўп картошка тугади, лекин картошкалари майда бўлиб қолади. Натижада ҳосилдорлик 10—15% камаяди.

САБЗАВОТЛАРНИ САҚЛАШ ВАҚТИДА УЧРАЙДИГАН ҚАСАЛЛИКЛАР

Оқ чириш қасаллиги. Сабзвотлар 0,5—1,5 см катталиқдаги қора айланалар билан ўралган, оқ пахтасимон губор билан қопланади. Бу қасаллик билан карам, сабзи ва бошқа сабзвотлар заараланади.

Кул ранг чириш қасаллиги тушганда сабзвотлар қора айланалар билан ўралган кул ранг духобасимон фубор билан қопланади.

Бактериоз қасаллиги мавжуд сабзвот бўкиб, кейин чирийди.

Қора чириш илдизмевалиларда, айниқса уларнинг учки қисмida, қора ботиб кирган доғ ҳосил бўлади. Доғнинг усти тўқ қўнғир ёки қора губор билан қопланади. Чириш ўзакдан бошланади. Ён қисмлари чириганда илдизмевалиларда 1—3 см босиб кирган қора доғлар пайдо бўлади. Уруғликларнинг ўсиқлари заараланади. Қасаллик омборларда жуда тез тарқалади.

Кураш чоралари: 1. Ҳосил очиқ ҳавода, қурғоқчилик пайтида, совуқ тушгунча ўифиштириб олиниши лозим.

2. Сабзвотларни ўифиштириб олишда уларнинг этини заарламаслик керак.

3. Соғлом сабзавотларгина яхши сақланиши мүмкін, шикастланган сабзавотлар алоҳида сақланади ва улар тезроқ ишлатиб юборилади.

4. Сабзавотлар омборларга сақлашга қўйишдан олдин құритилади.

5. Ёзда омборлар шамоллатиб турилиши, шу билан бирга ҳосилни йиғишириб олишга икки ҳафта қолганда улар заарсизлантирилиши лозим, бунинг учун:

а) мис купороси аралаштирилган оҳак билан оқлаш ёки олтингугуртнинг 200 грамм сувдаги эритмасига + 10 грамм мис купоросининг 1 л сувдаги эритмаси аралаштирилади;

б) формалин эритмаси пуркалади, бунда бир қисм 40% ли формалинга 100 қисм сув қўшиб тайёрланган эритма ишлатилади;

в) 2—3% ли хлорли оҳак эритмаси пуркалади, бунда 10 л сувга 30 грамм хлорли оҳак солиб тайёрланган суюқликдан фойдаланилади.

г) олтингугурт дудланади. Бунинг учун олтингугурт чўғ устига солиниб омборда бир текисда дудланади. Бунда ҳар 1 м³ га 30—60 грамм олтингугурт сарфланади. Олтингугурт ёниши билан омбордан чиқиб эшиклар зич ёпилади ва барча тешиклар лой билан беркитилади. Бино бир суткадан кейингина шамоллатилади.

ГУЛСИМОН ПАРАЗИТЛАР

Зарпекак (кускута). Бу ўсимликларга чирмашиб олиб уларнинг шираси ҳисобига яшовчи баргсиз сариқ ёки қизил поясиз паразитдир. Гуллари гул шодага ўхшаш тўда-тўда, оқ пушти, сариқ ёки гунафша ранги, ҳиди бўлмайди. Мевасининг резаворларникига ўхшаб 2—3 дона уруғи бўлади. СССР да зарпекакнинг 25 хили бор, улар бир-бирларидан пояларининг йўғонлиги, ранги, гулларининг тузилиши, уруғларининг шакли ва маълум экинлар ўсимлигига чирмashiшга мосланганлиги билан фарқ қиласи.

Кураш чоралари: Сабзавот уруғлари маҳсус машиналарда зарпекак уруғидан тозаланади. Арсенат натрий билан (гектарига 30 кг + 750 л сув) пентахлорфенолят натрий (25 кг + 1000 л) ёки ДНОКнинг 4% ли эритмаси (гектарига 10—15 кг дан) пуркалади. Йўл ёқалари ва уватлардаги зарпекаклар йўқотилади. Зарпекак ўраб ол-

ган сабзавот кўчатлари илдизи билан олиб йўқотилади. Зарпечак пайдо бўлиши билан ер культивация қилинади ва мола бостирилади. Бегона ўтлар йўқотилади. Гўнг билан бирга далага келиб қолган зарпечак уруғлари униб чиқиш қобилиятини йўқотмайди, шунинг учун гўнг дастлаб яхшилаб чиритилади, зарпечак уруғи 55—60°C да 1—3 соат турганида униб чиқиш қобилиятини деярли йўқотади. Уруғ 45—50°C температурада 10—15 сутка турганида эса униб чиқиш қобилиятини бутунлай йўқотади.

Шўнгия ёки шумғия сариқ пояли паразит бўлиб, гуллари гунафша ранглидир. Хлорофили йўқ ва яшил барглари ҳам бўлмайди. Бошқа экин ҳисобига озиқланади. Майда уруғидан кўпаяди. Уруғи жуда майда бўлганидан кучсиз шамол таъсирида ҳам далага тарқалади. Шўнгиянинг ҳар қайси ўсимлиги ниҳоятда кўп уруғ беради. Шўнгия уруғлари ерда бир неча йил ётса ҳам қулай шароитда ўсиб чиқиб, бошқа экинларни заарлаши мумкин. Курғоқчилик районларида шўнгия айниқса хавфлидир.

Кураш чоралари: Заарланган участкалардан уруғ тайёрлаш керак эмас, акс ҳолда шўнгия уруғи асосий экин уруғларига ёпишиб қолиши мумкин. Шўнгия пайдо бўлишини мунтазам равишда кузатиб бориш, пайдо бўлгани сезилганда уруғламасдан дарҳол йўқотилиши керак. Шўнгиянинг юлиб олинган поялари экин ораларида қолдирилмасдан даладан четга чиқариб ёқиб ташланиши лозим. Шўнгия кўпгина бегона ўтлар йўқотилади. Дала яхшилаб шудгорланиши, алмашлаб экиш қўлланиши, экинларга «флоркус», «алапан-1» гербицидлари пуркалиши, шўнгия йўқотувчи фитомиза пашшалари, фузариум оробанхес замбуруғларидан фойдаланиш керак.

САБЗАВОТ-ПОЛИЗ ЭҚИНЛАРИ ВА ҚАРТОШКА ЗАРАРҚУНАНДАЛАРИ

Картошка ўсув даврида зааркунандалар билан кучли даражада заарланади.

Ўзбекистонда картошкани асосан тупроқда яшовчи зааркунандалардан кўк қурт тунлами шикастлайди.

Сўнгги йилларда картошка нематодаси ҳам кўпайиб бормоқда. Зааркунандалар кўпинча картошканинг май-

саларини жуда күп шикастлайди. Натижада экинлар ўсиш ва ривожланишдан орқада қолади ва ҳосилдорлик камаяди. Зааркунандалар таъсирида картошканинг товар сифати ҳам пасаяди.

Кўк қурт тунлами. Барча зааркунандалар ичидан картошкага энг катта зарар етказади. Кўкимтири тупроқ рангли қурти дастлаб картошканинг янги ўсиб чиқсан ўсимталари ва пояларини, кейинчалик туганакларнинг ичига кириб ковак ҳосил қиласди.

Кураш чоралари: Агротехник усул қўлланганда чимқирқар плугларга ўрнатиб сифатли шудгор қилинади. Экишдан олдин яхоб суви бериш ва ерни яхшилаб тайёрлаш. Экин униб чиқмасидан ва униб чиққандан сўнг панжарали бороналар билан қатор ораларига ўз вақтида ишлов бериш ва ерга минерал ўғит солиш лозим. Химик воситалар билан курашилганда экишдан олдин ёки майса кўрсатгандан кейин ҳар гектар ерга 7% ли донадор хлорофосдан 50 кг ёки 10% ли донадор базудиндан 40 кг солинади. Экинларда кичкина қуртлар бўлса 80% ёки 60% ли хлорофос (100 л сувга 2—3 кг дан) пуркаш фойдалидир. Етук қуртлар бўлса, уларга қарши экин дендробациллин ва энтобактерин-3 билан дориланиб, гектарига 500—600 грамми 10 кг кунжарага аралаштириб 50—60 кг дан заҳарланган ем қўйилади.

Симқуртлар чўзиқ, сариқ, қаттиқ танали тухумдан чиқсан қуртлари заарлайди. Асосан поя ва картошкасини ўйиб киради, тор йўллар ҳосил қиласди.

Кураш чоралари: Агротехник усул қўлланганда плуг олдига чимқирқар ўрнатиб, шудгор қилинади. Натижада тухумдан чиқсан қуртларнинг бир қисми йўқолади. Қатор ораларини кетма-кет юмшатиш ва чопиқ қилиш билан бу ҳашаротни озиқланиш шароити ёмонлаштирилади ва у қуш ҳамда паррандаларга ем бўлади. Минерал ўғит берилганда бу зааркунанданинг сони камаяди. Химик препаратлар картошка мазаси ва ҳидини ўзгартиримайдиган тақдирдагина қўлланиши мумкин. Бу зааркунандалардан сақлаш учун картошка экиладиган далага аввал донли экинлар экиласди. Дон уруғларини эса 12% ли ГХЦТ (1 ц уруққа 1—2 кг дуст) билан дорилаш зарур. Бунда 1 гектарга 40 кг дори сарфланади. Сули, арпа уруғлари намланиб сеялкада сепиласди. Агар картошка ўсув даврида, ҳар квадрат метрда зааркунанданинг тухумдан чиқсан қуртлари 8—10 тадан учраса, эгатларга

еरни 10% ли донадорлаштирилган базудиндан гектарыгå 40 кг дан солиб чиқлади. Бу дорини культивация ёки озиқлантириш вақтида берса ҳам бўлади.

Қўнғизлар — картошкани май ёки июнда қўйруқли қўнғизлар заарлайди. Тухумдан чиққан қуртлари (бузоқ бошиси) эгилган, гўштдор, танаси оқ, боши сариқ бўлади. Бу қўнғизнинг қуртлари картошка туганакларининг четини кемиради.

Кураш чоралари: Агротехник усул қўлланганда сифатли ва чуқур шудгорлаш ҳамда экин қатор ораларини ўз вақтида ишлашдан иборат. Химик усулда маккажўхори ва арпани ҳар килограммига 12% ли ГХЦГ дусти ёки 100 грамм 10% ли гептахлордан аралаштириб заҳарли ем солиш яхши натижа беради.

Заҳарлаш олдидан дон буғланади ва унга 2—3% ўсимлик мойи қўшилади. Мана шу заҳарли емдан ҳар гектарга 10—12 кг дан сочилади.

Илдиз бўртма нематодлари: (галловая нематода) етук урғочиси 500—2000 микрон, кўзга зўрга илинадиган, лимонсимон қуртдир.

Эркаги ва тухумдан янги чиққанлари ипсимон ингичка бўлади. 2000 дан ортиқ ўсимликларда текинхўрлик билан яшаши мумкин. Деярли барча сабзавот ва полиз экинларини, кўпроқ картошкани заарлайди. Бу зааркунанда тупроқдан ўсимлик илдизига ўтиб шиш (бўртма) ҳосил қиласди. Қасалланган ўсимлик ўсишдан қолади, ҳосили бирмунча камаяди ва нобуд бўлади. Бу зааркунанда уруғлар, қишлоқ хўжалик асбоблари, сув, парник ва теплицаларда етиштирилган кўчатлар орқали тарқалади.

Кураш чоралари: Дала ва суфориш каналлари четидаги бегона ўтларни йўқотиш, заарланган участкадаги ўсимлик қолдиқларини суфориш вақтида сув билан бошқа участкаларга ўтишига йўл қўймасликдан иборат. Заарланган участкага, касалликка чидамсиз сабзавот, полиз экинлари, кунгабоқар, беда, каноп, жут каби экинлар экилмаслиги ва чидамли ёки кам заарланадиган экинлардан донли экинлар маккажўхори, чигит, нўхат, пиёз, саримсоқ, карам каби экинлар экилиши керак. Ер кузда шудгорланганида зааркундалар сони камаяди. Экинларни парвариш қилишда турли илфор агротехника усуларини қўлланиш натижасида ўсимликларнинг зааркундаларга чидамлилиги ортади ва нематодалар

камаяди, экинлар эрта муддатда экилганды улар кам заарланади. Кучли заарланган участкалар тупроғи химиявий усулда ишланади.

Бунинг учун карбатионнинг 2% ли сувдаги эритмаси ишлатилади. Шунда ҳар квадрат метр ерга 10 л эритма сарфланади, гектарига 2—2,5 т суюқлиқ сепилиб, сүнгра у сугорилади ва ҳайдалади. Ер экин экишга камида бир ой қолганда дориланади. ДДБ препарати ҳам иккى йилда бир марта кенглиги 25 см ли, чуқурлиги 15 см ли эгатларга ҳар квадрат метрга 400 миллилитрдан ёки гектарига 4 т дан солиниб, эгатнинг усти экин экишга камида бир ой қолганда тупроқ билан ёпилади. Диброман (немагон) — тупроқнинг заарланиш даражасига ва тупроқ типига қараб, қум ёки кўча тупроғига 1:5 нисбатда аралаштириб ишлатилади. Аралашма участкага бир текис сочилиб тезда ер ҳайдаб юборилади. Ер экин экишга камида бир ой қолганда ишланади. Бу зааркунандага қарши № 23, № 93 препаратлари, тиазон, НИУИФ-23 ва бошқалар ишлатилади. Барча экинларга мана шу препаратлар тавсия қилинади.

Поя нематодаси — ипсимон қуртдир. Катталиги 0,8 1,4 микрон. Микроскоп орқали яхши кўринади. Картошка туганаклари, илдизлари, пояларининг пастки қисмларида (10 см гача юқориликдаги қисмида) текинхўр бўлиб яшайди. Заарланган экин туганакларида дастлаб оқ нуқта, кейинчалик ўйиб кирган яра ҳосил бўлади, бу яра қўнғир рангли, юмалоқ шаклли доғдан иборатдир. Картошка туганаклари тўқималарининг фақатгина устки қисми қўнғирлашади, ичига ўтмайди. Яра ҳосил бўлган жой кейинчалик ёрилади. Омборда температура ортиши билан заарланган жойи тезда чирийди, поя нематодаси ҳосилни пасайтириб, сифатини бузади, сабзи, қанд лавлаги, редиска, помидор, бодринг, маккажўхори, қовоқ, нўхат, ловия каби экинларда ҳамда бегона ўтларда кўп учрайди.

Кураш чоралари: Заарланмаган уруғлар экилиши, уруғлик экиндан олдин хилланиши, заарланганлари олиб ташланиши керак. Алмашлаб экиш усули қўлланади. Картошка экилган ерга 3—4 йилгача такрорий картошка экилмайди. Алмашлаб экишда заарланмайдиган ёки кам заарланадиган экинлар танланади. Баҳори буғдой, ёввойи нўхатга сулини аралаштириб экилгач, кейинчалик картошка экиш яхши натижада беради. Заар-

ланган ҳосил ва ўсимлик қолдиқлари бутунлай йиғиштириб олинганида тупроқда зааркунандалар сони камаяди. Кучли заарланган участкаларни алмаштириш имкони бўлмаганида тупроққа карбатион билан ишлов берилади. Карбатионнинг 2% ли сувдаги эритмасини 1 m^2 га 5 л дан ҳар гектарга 2—2,5 т дан сарфланади. Ҳамма әкинлар учун ҳам мана шундай кураш чоралари қўллалилади.

САБЗАВОТ ЭКИНЛАРИ ЗАРАРҚУНАНДАЛАРИ

Карам зааркунандалари. Сабзавот ва ер бургалари баргларни кемиради, натижада әкинлар ўсишдан қолади.

Кураш чоралари: бегона ўтлар ва ўсимлик қолдиқлари йўқотилади. Сифатли шудгор қилинади, қишки яхоб суви берилади. Шу билан бирга хлорофоснинг 0,3% ли эритмаси пуркалади. Эндобактерин-3 нинг 0,5% ли концентрацияси ҳам пуркалади. Шу мақсадда 1000 л сувга 4—5 кг эндобактерин-3 аралаштириб эритма тайёрланади. Парниклардаги кўчатларни далага ўтқазишидан олдин 1 m^2 га 15—20 граммдан ГХЦГ нинг 12% ли дустси чангланади.

Карам ва шолғом оқ парвоначисининг қуртлари баргларнинг этлари билан озиқланади.

Карам куяси — барглари билан озиқланади ва карам бошларини кемиради.

Кураш чоралари: карам ва шолғом оқ капалагига қарши кураш чоралари кабидир.

Бутсимонгулли бегона ўтларни йўқотиш учун эндобактерин-3 пуркалади. Шу мақсадда ҳар гектарга 4—5 кг эндобактерин-3 нинг 600—900 л сувдаги эритмасидан фойдаланилади.

Карам бити ўсимлик ширасини сўради. Баҳордан бошлаб бутсимонгулли бегона ўтларда яшаб кейин қарамга ўтади.

Кураш чоралари: Ўсимлик қолдиқларини йиғиштириб олиш, ерни кузда чуқур қилиб шудгорлашдан иборат. Далага ўтқазишидан олдин ҳар бир ром остидаги кўчатларга 1 л сувга 2 грамм рогор аралаштирилган эритма пуркалади. Даладаги әкинларга 1,2 кг рогорнинг 600—1000 л сувдаги 0,15—0,20% ли эритмаси ёки 1,5 кг карбофоснинг 600—1000 л сувдаги 0,2—0,3% ли эритмаси

ёки 0,6 кг сайфоснинг 600—1000 л сувдаги 70% ли эритмаси пуркалади.

Карам бош ўрагунича трихлорметафос-З ва бошқа дорилар эса ҳосил етилишидан бир ой олдинроқ сепилади.

Пиёз ва тамаки трипси — барг ширасини сўради. Пиёз боши майдада бўлиб, заарланган уруғликлардан олинган уруғ суст униб чиқади.

Кураш чоралари: бегона ўтларни йўқотиш, шудгорқилиш, яхоб суви беришдан иборат. Бунинг учун экинларга рогорнинг 0,20% ли концентрацияси, тиофос ёки 70% ли сайфос пуркалади. Уруғлик пиёзга 25 кг дан ГХЦГ нинг 12 % ли дусти чангланади. Ҳосил етилишидан бир ой олдин дорилаш тўхтатилади. Барра пиёзга дори асло сепилмайди.

Пиёз пашшаси — пиёз уруғи ва ўсимлигига зарар етказиши натижасида ҳосилдорлик камаяди. Заарланган экин барглари саргаяди, ўсишдан қолади ва қурийди, ҳосил баъзан нобуд бўлади.

Кураш чоралари: ўсимлик қолдиқларини йиғишириб олиш, ўз вақтида чуқур қилиб сифатли шудгорлашдан иборат. Пиёздан кейин пиёз экишга йўл қўйилмайди. Шубдан бирга ўсимлик атрофидаги тупроққа хлорофос сингдирилади. Бунинг учун 0,7—1,6 кг генталхлорнинг 600—800 л сувдаги эритмасидан ҳар гектарга 2000 л дан сарфланади.

Лавлаги бургаси — учки куртаклар, ёш майсалар ва барглар билан озиқланади. У экинларда куздан бошлаб пайдо бўлади.

Кураш чоралари: ерни ўз вақтида ҳайдашдан, бегона ўтлар майса кўрсатмасданоқ йўқотишдан, юксак агротехникани қўллашдан иборат. Ҳар гектарга 10—12 кг маргумуш кальций ёки 10—12 кг ГХЦГ пуркалади. 2,0 кг совуннинг 1000 л сувдаги аралашмасига хлорофоснинг 0,3—0,4% ли концентрациясини 4—5 кг дан солиб тайёрланган эритмаси пуркалади.

Помидор зааркунандаларидан карадринанинг қурти баргларни ейди, меваларни кемиради.

Кураш чоралари: бегона ўтларни йўқотиш, қаторораларини ишлаш, чуқур сифатли шудгорлаш, сугоришдан иборат, шу билан бирга заҳарланган ем ҳам берилади. Бунинг учун 1 кг 5,5% ли ДДТ дусти 3—4 л сувга ёки 0,5 кг энтобактерин-З ни 10 кг кунжараага аралаштирилади. Бу заҳарли емлар ердаги ўрта ёшдаги ва етук

қүртларга қарши гектарига 60—70 кг дан солинганда яхши натижа беради. Еш қүртларга қарши хлорофоснинг 0,4—0,5% ли концентрацияси пуркалади. Бунда 5 кг хлорофоснинг 600—1000 л сувдаги эритмасидан фойдаланилади. Энтобактерин-3 нинг 0,5% ли концентрациясини тайёрлаш учун энтобактерин-3 нинг 5 кг + 600—1000 л сувдаги эритмаси тайёрланади. Мева ҳосил бўлгунча эса ҳар гектарга 10—15 кг дан арсенат кальций чангланади. Хлорофос ёки энтобактерин-3 ни ишлатиш ҳосил етилишидан бир ой олдин тўхтатилади. Биринчи марта қүртлар ёппасига тухум қўйиш ёки тухумдан қурт чиқа бошлиш даврида, иккинчи марта биринчисидан 6—10 кун кейин дориланади.

Кўсак қурти мева ва ғунчаларни шикастлайди.

Кураш чоралари: бегона ўтларни йўқотиш, чимқир-қар ўрнатиб шудгор қилиш, яхоб суви бериш, ёзги суфориш, экин қатор ораларини сифатли ишлашдан иборат. Ҳар гектарга 15—25 кг дан арсенат кальций ёки дитокс чангланади. Етук қуртларга қарши заҳарланган ем берилади (3 кг ДДТ дустига 10 кг кунжара уни аралаштирилади) ва гектарига 70—100 кг дан аралашма сарфланади.

Дориланган мевалар яхшилаб ювиб истеъмол қилинади.

ПОЛИЗ ЭКИНЛАРИ ЗАРАРҚУНАДАЛАРИ

Кўк қурт тунлами — қуртлари униб чиққан уруғларни, майса ва полиз экинлари меваларини заарлайди, ҳосилини пасайтириб, сифатини бузади.

Кураш чоралари: Кузда шудгор қилиш, яхоб суви бериш, экинни баравақт экишдан иборат. Полиз экинлари ва бодринг уруғлари ТМТД (бунда 1 кг уруққа 8 грамм ТМТД сарфланади) ёки 12% ли ГХЦГ (1 кг уруққа 50 грамм) чангланади. Бундан ташқари ГХЦГ нинг 50% ли грамма-изомери (1 кг уруққа 10 грамм) чангланади. Еш қуртларга қарши ҳар гектарга 1—1,5 кг гексахлорнинг 50% ли гамма-изомери ёки хлорофоснинг (3—5 кг 600 л сувдаги эритмасидан) 65% лиги пуркаб, кетидан дарҳол сугорилади.

Майса пашшаси — тухумдан чиққан қурти кўп экинларнинг уруғини, айниқса қовун, тарвуз ва бодринг уруғларини заарлайди.

Кураш чоралари: Етук қуртларга қарши ҳар гектарга 60—70 кг заҳарланган ем ишлатишдан иборат. Бунинг учун 10 кг кунжара уни 1 кг 5,5% ли ДДТ дусти ёки 0,5 кг энтомобактерин-3 ёки 0,6 кг арсенат кальций олиб ем тайёрланади. Бу ем кечқурун берилади. Уруғ ва майсаларнинг ёппасига униб чиқишини таъминловчи агротехника қўлланиши лозим. Кузги шудгор вақтида гўнг чуқур солиниши, дала четларидан заҳарли ем солинган 0,25 м чуқурликдаги 0,75—1 м² майса пашшасини тутқич ўралар кавланиб, ўраларга тупроқ яхши намлангунича сув қўйилади ва 5—6 кг тупроқ аралаштирилган 10—15 кг кунжарага 1—1,5 кг дан 5,5% ли ДДТ дусти аралаштирилади. Заҳарли ем вақт-вақти билан намлаб турилади. Майса чивини ўраларга тухум қўяди ва тухумдан чиққанлари кунжарани еб ўлади.

Полиз экинлари хон қизи. Қўнгизи ва тухумдан чиққан полиз экинларининг барги ва меваларига зарар келтиради.

Кураш чоралари: Уруғлар экишдан олдин гранозан (1 кг уруққа 2 грамм дори), ТМТД (1 кг уруққа 8 грамм дори) ёки меркуран (3—5 грамм дори) билан дорила нади. Даладаги ўсимлик қолдиқлари йўқотилади, Чуқур шудгор қилинади, қўнғизлар қишлийдиган қамишлар ёқиб юборилади. Зааркунанда аниқланганда: ҳар гектарга хлорофоснинг 65% ли порошогининг 100 л сувдаги эритмаси ёки 4—5 кг соғ хлорофосдан 1,5—2 кг рогор ёки 85% ли севиндан 5 кг солиб тайёрланган суюқлиқ пуркалади. Дорилаш ҳосил етилишига бир ой қолганда тўхтатилади.

Ўргимчаккана ўсимлик ширасини сўриб, баргларини қуритади. Кучли даражада заарлантирганда ўсимлик нобуд бўлади.

Кураш чоралари: бегона ўтларни, даладаги ўсимлик қолдиқларини ўфишишириб олиш ва йўқотишдан иборат. Шу билан бирга ер кузда сифатли шудгор қилинади. Ҳар гектарга рогорнинг 0,15—0,20% ли эритмаси ёки 0,3% ли хлорофос эритмаси ёки 70% ли сайдес пуркалади. Бунинг учун 0,6 кг рогорнинг 1000 л сувдаги эритмаси ёки 0,6 кг хлорофос эритмаси сарфланади.

Полиз экинлари ва ғўза бити — ғўзадан ташқари барча экинларни шу жумладан қовоқгуллиларни ҳам заралайди. Баргнинг ширасини сўради ва уни буришиб, қуриб қолишига олиб келади. Кучли заарланган экин-

лар қуриб қолади. Бу зааркунанда кўп вирус касалликларини тарқатувчи восита ҳамдир.

Кураш чоралари: карам битига қарши кураш чоралари кабидир.

Парник ва теплицалардаги экин зааркунандалари. Парник ва теплицаларда ҳам зааркунанда ҳамда касалликлар пайдо бўлишининг олдини олиш чоралари кўрилиши керак.

Парник, теплицалар ва уларга ёндош ерлардаги ўсимлик қолдиқларини йўқотиш, тупроқ ва биноларни дезинфекция қилишнинг аҳамияти каттадир.

Бу тадбирлар амалга оширилмаса қўйидаги зааркунандалар пайдо бўлади:

Ўргимчаккана энг кўп тарқалган ва хавфли зааркунанда ҳисобланади. Бодринг баргларининг орқа томонида пайдо бўлиб, ўсимлик ширасини сўриб озиқланади.

Кураш чоралари: бу зааркунанда айрим ўсимликда пайдо бўлса, ўша ўсимлик йўқотилади. Ёппасига тарқалганида рогорнинг 0,15—0,20% ли концентрацияси пуркалади. Бодринг экилган пайкалда ўргимчаккана пайдо бўлса, унга тиофоснинг 0,3% ли концентрациясига 0,3% ли эфирсулфонат аралаштириб пуркалади.

Кўк қурт теплицалардаги помидорни шикастлайди. Куртлари барг ва меваларни кемирали.

Кураш чоралари: Кичик қуртларига қарши тиофос эритмаси (10 л сувга 5 грамм) пуркалади.

Карам пашласи. Парниклардаги кечки оқ карам ва гул карам кўчатларига тухумдан янги чиққан пашшалири зарар етказади.

Кураш чоралари: Кўчатларни ўз вақтида озиқлантириш 12% ли ГХЦГ га баравар миқдорда ДДТ кукуни бир ром остига 3 граммдан аралаштириб сепишдан иборат.

Кўчат икки-учта чинбарг чиқарганда биринчи марта, кейинчалик ҳар ҳафтада ҳаммаси бўлиб уч-тўрт марта пори чанглаб турилади. Кўчат ўтқазилгандан кейин роғ ёки карбофос пуркалади.

Узун тумшуқли ёки яширин хартумли қўнғиз карам поясини заарлайди. Урғочи қўнғизи барг томирига ёки барг бандига тухум қўяди. Тухумдан чиққан қуртлари томир ёки барг бандини тешиб заарлайди ва поясиниг ичига ўтади.

Кураш чоралари: Күчтөн түркілік карамга рогорнинг 0,15—0,20% ли эритмаси пуркалади.

Қуйруқоёқли бузоқбош нам тупроқда яшайды. У тупроқда, ер бетига яқин жойда йўллар ҳосил қиласиди. Турли ўсимликларнинг илдизи ва ниҳолларини кемириб заарлайди. Тухумдан чиққан ва етук қуйруқоёқли бузоқбош тупроқ остида, гўнг чириндиси ва тозаланмаган парникларда қишилайди.

Кураш чоралари: Парникларга тупроқ тўлдириш вақтида парниклар тагига заҳарланган ем солинади. Бундан ташқари, парник кесакиси бўйлаб ариқчалар кавланиб, керосин шимдирилган нафталин ва қум сепилади, сўнг устидан 2—3 см қалинликда заҳарланган ем солинади. Ем маккажўхори, буғдой, жавдар, арпа донларидан тайёрланади, бунинг учун даставвал дон сувда қайнатилиди, сўнгра рух фосфид ёки 12% ли ГХЦГ аралаштирилади (1 кг қуруқ донга 50 грамм рух фосфиди ёки 50—100 грамм ГХЦГ аралаштирилади).

Симқуртлар, чиртлоқи қўнғиз қуртлари. Улар парник, теплицаларда турли экин кўчкатларини заарлайди, помидор поясининг ичига кириб олади.

Кураш чоралари: Теплицаларга бу ҳашаротни тутиш учун кесилган картошка, лавлаги, майдаланган кунжардан алдоғич ем тайёрлаб, бу ем 5—10 см чуқурликда кўмиб қўйилади (ҳар иккى-уч кунда емни текшириб, унинг ичига кириб қолган ҳашаротлар йўқотилади).

Шишли (галла) нематодалариға қарши ишлатиладиган препарат №23 бир вақтнинг ўзида симқуртларга ҳам таъсир этади.

Тўрсимон шилимшиқ қурт. Парник ва теплицаларда жуда кўп тарқалган зааркунанда бўлиб, баргларни ейди, уларда тешикча ҳосил қиласиди ва кўргина экинларга зарар келтиради. Айниқса карам, помидор кўчати, лавлаги, бодринг ва пиёзни қаттиқ шикастлайди.

Кураш чоралари: Парник атрофидаги бегона ўтларни суперфосфат ёки янги сўндирилган оҳак солиб йўқотишдан иборат. Теплицаларда ўсимликлар ўртасига тахтacha, фанер бўлакчалари, карам барги ташлаб қўйиб, эрталаб текшириб чиқилади ва уларда пайдо бўлган шилимшиқ қуртлар олиб ташланади.

Парник ва теплицаларда экинларни тамаки трипси, полиз ва бошқа экин битлари ҳам заарлайди. Парник

ва тәплициларда бу зааркунандаларга қарши далада-
гидек курашилади.

Кемирүчилар — сичқонлар, каламушлар экилган уругларни ҳамда сабзавот экин құчатларини шикаст-
лайди. Улар бодринг гули ва тугунчаларини ейди.

Кураш чоралари: Парниклар яқинида турлы чиқинди-
лар түпланишига йўл қўйиш керак эмас. Сичқонлар ини

Дориларни бир-бiri

(К.А. Гар)

	Анабазин сульфат	Арсенат кальций	Гексахлоран	ДДТ	Динитрородан бензол	Каптан	Карбофос	Метафос	Минерал мой
Анабазин сульфат	++	++	0	++	++	++	0	0	++
Арсенат кальций	++	0	++	0	—	++	+	+	++
Гексахлоран	0	0	++	++	++	++	0	0	++
ДДТ	++	0	++	++	—	++	+	++	++
Динитрородан бен- зол	++	++	++	++	++	++	++	++	++
Каптан	++	++	++	++	++	++	++	++	++
Карбофос	0	++	++	++	++	++	0	0	++
Метафос	0	++	++	++	++	++	—	—	++
Минерал мойлар	++	++	0	0	+	++	0	0	++
Никотин сульфат	++	0	—	0	+	++	—	—	++
Париж кўки	++	++	—	—	—	++	—	—	++
Янчилган ва колло- ид олтингугурт	++	++	++	++	++	++	++	++	+
Тиофос (НИИУИФ -100)	0	+	++	++	++	++	0	+	+
Совун	++	++	—	—	—	—	—	—	++
Оҳак	++	—	—	—	—	—	—	—	++
Бордосс суюқлиги	++	—	—	—	—	—	—	—	++
Мис хлор оксида	++	—	—	—	—	—	—	—	++
Мис сульфати	++	—	—	—	—	—	—	—	++
Цинеб	++	—	—	—	—	—	—	—	++
Фигон (дихлон)	++	—	—	—	—	—	—	—	++
Эфирсульфонат	++	—	—	—	—	—	—	—	++
Полихлорпинен	+	—	—	—	—	—	—	—	+

Б е л г и л а р: ++ аралаштириш мумкин ва тавсия ҳам этилади
+ аралаштириш мумкин, лекин тайёр аралашмани сақлаш мум-
кин эмас.

— аралаштириш мумкин эмас

0 аралаштириш мақсадга мувофиқ эмас (аралаштирилмагани маъқул)
очиқ қолдирилган жойлар тўғрисида маълумот йўқ.

атрофига парник бурчакларига түрли заҳарланған емлар: нон, дон, қовоқ, бодринг уруғлари, кунгабоқар қўйилади. Ем учун рух фосфида (1 кг емга 20—30 грамм) ишлатилади. Дон ёки нонга (1 кг алдоғич ем тайёрлаш учун 20—30 грамм) ўсимлик мойи қўшилади.

Сичқон ва каламушларга қарши крисид (1 кг алдоғич ем тайёрлаш учун 5—10 грамм заҳар) ишлатилади.

билин аралаштириш

маълумотлари бўйича)

42 - жадвал

Никотин сульфат	Париж кўки	Янчилган ва коллонд олтингутурт	Тиофос (НИИФ-100)	Совун	Оҳак	Бордос суюқлиги	Хлорли мис	Мис сульфати	Фигон	Эфирсульфат	Полихорпинен	Цинеб
++ ++ 0 ++ ++ 0 ++ ++ +	++ ++ 0 ++ ++ 0 ++ ++ +	++ ++ ++ ++ ++ 0 ++ ++ 0										

Кемиравчиларга қарши микробиология лабораторияларда тайёрланадиган «каlamуш тифи» бактерияси ем сифатида қўлланилади.

ЧЕТ ДАВЛАТЛАРДАН КЕЛТИРИЛАДИГАН ХИМИКАТЛАР

Сабзавотларни зааркунандалардан ҳимоя қилишда, саноатимиз ишлаб чиқарган химикатлардан ташқари, четдан келтириладиган химиявий дорилар ҳам ишлатилади, бу дориларнинг таъсири, ўзимизда тайёрланган дориларнинг таъсирига ўхшаш бўлади.

43-жадвал

I. Зааркунандаларга қарши ишлатиладиган четдан келтирилган дорилар

Дориларнинг номи	Таркиби ва таъсир қилувчи мoddанинг миқдори	Қўлланиши
<i>Чангланадиган хлорорганик дорилар</i>		
Дитокс-5	5% ли техник ДДТ	5,5% ли ДДТ дустига ўхшаш
Берцема Д-5	— « —	— « —
Штауб	— « —	— « —
Хеклотокс-1,5	ГХЦГ нинг 1,5% ли гамма-изомери	12% ли ГХЦГ дустига ўхшаш
Бентокс-10	ГХЦГ нинг 1,2— 1,5% ли гамма-изо- мери	— « —
Гексахлоран- 1,5%	ГХЦГ нинг 1,5% ли гамма-изомери	— « —
Гематокс Т	ГХЦГ нинг 1,2% ли гамма-изомери	— « —
Гематокс Л	1,2% ли линдан	— « —
Берцема актив штауб	5% техник ДДТ за 0,35 % ли лин- дан	5,5% ли ДДТ дустига ўхшаш
ДДТ(НСН-10) 4,5% штауб	10% ли техник ДДТ ва 4,5% ли техник ГХЦГ	10% ли ДДТ дустига ўхшаш
ДДТ (НСН-15)	15% ли техник ДДТ ва 3% ли тех- ник ГХЦГ	— « —
3% ли штауб 5% ли азотокс	5% ли техник ДДТ ва 0,1% ли линдан	5,5% ли ДДТ дустига ўхшаш

Дориларнинг номи	Таркиби ва таъсир қилувчи модданинг миқдори	Қўлланиши
Дилиден	4,7% ли техник ДДТ ва 0,3% ли линдан	5,5% ли ДДТ дустига ўхшаш
Дитокс Л	5% ли техник ДДТ ва 0,5% ли линдан	5,5% ли ДДТ дустига ўхшаш
Тритокс	1,5% ли техник ДДТ, 2% ли метаксихлор ва 0,5% ли линдан	5,5% ли ДДТ дустига ўхшаш
Пантацид	4,7% ли техник ДДТ ва 0,3% ли линдан	бу ҳам шундай
2% ли гранатокс	ГХЦГ нинг 2% ли гамма-изомери	25% ли ГХЦГ га ўхшаш
10% ли мелипакс	10% ли телефон	5,5% ли ДДТ дустига ўхшаш

Пуркаладиган хлорорганик дорилар


Азотокс-50 (хўлланувчи кукуни) 33% ли азотокс (эмульсияси)	50% ли техник ДДТ 33% ли техник ДДТ	ДДТ нинг 50% ли кукуни ёки 50% ли пастаси ДДТ нинг 20% ли концентрат эмульсиясига ўхшаш, лекин 1,5 марта камайтириб сарфланади 20% ли ДДТ нинг концентрат эмульсиясига ўхшаш
Азотокс М-25	25% ли техник ДДТ	ГХЦГ нинг 20% ли эмульсиясига ўхшаш
Гаматокс-10 (эмульсияси)	10% ли техник ГХЦГ	5,5% ли полихлорпропилен каби 30% ли хўлланувчи эфир-сульфонатга ўхшаш
60% ли мелипакс (эмульсияси) Фекама-559 (хўлланувчи кукуни) Дикол (хўлланувчи кукуни)	50% ли токсафен 17% ли химик соф эфирсульфонат 50% ли техник ДДТ	ДДТ нинг 50% ли хўлланувчи кукуни каби ДДТ нинг 50% ли эмульсияси каби
Дуплексан 50% ли хўлланувчи кукуни	40% ли техник ДДТ ва ГХЦГ нинг 10% ли гамма-изомери	ДДТ нинг 50% ли хўлланувчи кукуни ва ГХЦГ нинг 20% ли эмульсияси каби
Тритокснинг 30% ли эмульсияси	10% ли техник ДДТ, 14% ли метаксихлор, 5% ли линдан	ДДТ, ГХЦГ нинг концентрат эмульсиясига ўхшаш

Дориларнинг номи	Таркиби ва таъсир қилувчи мoddанинг миқдори	Қўлланиши
<i>Аэрозол усулида ишланадиган хлорорганик препаратлар</i>		
Фекама-небель-миттель (эритмаси)	30% ли техник ДДТ ва ГХЦГ нинг 3% ли гамма-изомери ва эритгичи	ДДТ ва ГХЦГ нинг мойли эритмаларига ўхшаш
Комби аэрозоль (максус эритма)	35% ли техник ДДТ ва ГХЦГ нинг 6,3% ли гамма-изомери ҳамда эритгичи	бу ҳам шундай
Аэротокс (эрита)	10% ли техник ДДТ ва ГХЦГ нинг 5% ли гамма-изомери	ДДТ ва ГХЦГ нинг мойли эритмалари каби
<i>Фосфорорганик дорилар</i>		
БИ-58 (эмulsionия)	50% ли 0,0-диаметил-5 метилкарбенидометил дитиофосфат	40% ли фосфамид ёки 40% ли рогорга ўхшаш, лекин дори 20% кам сарфланади
Вофатокснинг 2,5% ли дусти	2,5% ли тиметил-нитрофенил-тиофосфат	Метарогор дусти каби
Флиболь Е Диптерекс-50% (хўлланадиган кукуни)	50% ли хлорофос 50% ли хлорофос	50% ли хлорофос каби бу ҳам шундай
Фунгитокс Т кукуни Тиурам 75% ли (хўлланувчи кукуни)	50% ли ТМТД 75% ли ТМТД	50% ли ТМТД каби 50% ли ТМТД га ўхшаш, лекин дори сарфи 1/3 га камайтирилади


БЕГОНА ЎТЛАРГА ҚАРШИ ХИМИЯВИЙ КУРАШ ЧОРАЛАРИ

Илмий текшириш муассасалари, колхоз ва совхозларнинг тажрибалари, Ўзбекистоннинг сугориладиган ерларида, сабзавот етишириш учун ерни ханузгача экишдан анча олдин ва экиш олдидан ишлаш натижасида алмашлаб экишни жорий қилганда ҳам далани бегона ўтлардан бутунлай тозалаб бўлмаслигини кўрсатди.

Далалар агротехник усуллар билан химиявий воситалар қўлланиши натижасида бегона ўтлардан яхши то-



К-51 «Петкус-Супер» типидаги уруг тозалагыч машинасы
(ГДР да ишлаб чиқарилади)



Пиёзни боғлаб сақлаш

заланади. Қуйида баъзи сабзавот экинлари учун қўлланиладиган гербицидлар тўғрисида маҳаллий шароитда олинган маълумотларга кўра тавсиялар берилади.

Эртаги пиёзга сепиладиган гербицидлар. Бегона ўтлар ташқи муҳитга жуда яхши мослашади, шунинг учун уларнинг майсалари пиёз майсаларидан олдинроқ кўрина бошлайди. Бундай вақтларда бегона ўтларни йўқотиш мақсадида пиёз майсаси кўринишидан уч-тўрт кун олдин гектарига 400—500 л ҳисобидан дизель ёқилғиси ёки керосин сепилади. Айни вақтда пиёз майсаси кўрингунича ҳар гектардаги бегона ўтларга 300—500 кг ҳисобидан цианамид кальций чанглаш ҳам мумкин. Химикатлар намланган пушталарга солинади.

Гербицид солингандан кейин ёмғир ёғса дорилаш такрорланади.

Пиёз бир-иккита чинбарг чиқарганида 12% ли олтин-гугурт кислотаси эритмаси ишлатиш яхши натижа беради, мана шундай препарат ҳар гектарга 500 л дан сарфланади.

Бошоқли бир йиллик бегона ўтларга қарши пиёз бир-иккита чинбарг чиқарганда гектарига 7—8,5 кг ҳисобидан далапон сепилади.

Уруғлик пиёзга сепиладиган гербицидлар. Дастребки ўсув давридаёқ — пиёзлар бир-бiri билан туташгучи қатор оралари икки марта ишланади. Бизнинг шароитимизда ўсимлик 30—35 см га етиб уруғлик — карнай чиқара бошлагандан, охирги марта апрелнинг охири, майнинг бошларида эгат олиб озиқлантирилади. Бу даврда яна бегона ўтлар майса кўрсатади, яхши ривожланади, кейинчалик (июннинг охири ва августнинг бошларига келиб) асосий экинлардан ҳам ўсиб кетади, кўп ҳосил тўплайди. Бегона ўтлар пайдо бўлишининг олдини олиш учун қатор оралари ишлангандан кейин гектарига 500—600 л сувга 1,5—2,0 кг прометрин солинади. Шундан кейин бегона ўтлар бир ой ўтгач яна униб чиқиши мумкин, лекин бегона ўтлар асосий экинни босиб кетмайди.

Эртаги сабзига сепиладиган гербицидлар. Сабзи уруғи сепилганидан кейин гектарига 0,5—1,0 кг ҳисобидан линурон ёки прометрин солинади. Бунда гектарига 400—500 л суюқ эритма сарфланади.

Майсалар бир-иккита барг чиқарганда (гектарига 1,0—1,5 кг ҳисобидан) прометрин ёки линурон сепилади. Суюқ эритма гектарига 500—700 л сарфланади. Дорини

сугоришдан ёки ёмғирдан кейин бериш керак, чунки бу пайтда бегона ўтлар жуда нозик бўлиб, химикатлар тез таъсир этади.

Гербицид берилгандан кейин экин сув талабига қарб сугорилади.

Дориланган далаларни сугориша сув тежаб ишлатилиди, чунки ҳаддан ташқари кўп сув берилгандан химиявий моддаларнинг кўпи эриб кетиши натижасида тупроқда химиявий моддаларнинг концентрацияси кўпайиб экин қуриб қолади.

Майса кўринганида линурон ё прометрин берилгандан кенг япроқли ва майдага бошоқли бегона ўтлар тезда йўқолади. Лекин яхши ривожланган ёввойи тариққа гербицид таъсир этмайди. Шунинг учун улар икки-учта чинбарг чиқарган пайтда гектарига 200—300 л керосин сепилгандан далалар бутунлай бегона ўтлардан тозаланади. Гербицид сепилмагандан ҳам экинларга керосин сепиш тавсия қилинади, бу иш сабзи икки-учта чинбарг чиқаргандан бажарилиб, гектарига 500—600 л керосин сарфланади.

Ўртаги ва кечки сабзига сепиладиган гербицидлар. Сабзи сепилгандан кейин прометрин яхши таъсир этади. Бунинг учун 0,5 кг монуроннинг 400—500 л сувдаги аралашмасидан фойдаланилади. Бу гербицидлар ПГС-2,4 аппаратида ва трактор пуркагичи ёки қўл аппаратида сепилади. Дорилангандан кейин майса кўрингуница сабзи сугорилади. Лекин иккинчи чинбарг чиқаргунча муттасил сугориш мутлақо мумкин эмас, чунки бунда гербицидлар экиннинг сийраклашиб қолишига сабаб бўлади.

Сабзи бир-иккита барг чиқарганда гектарига 1,0 кг ҳисобидан линурон ёки прометрин сепилади, икки-учта барг чиқарганда эса гектарига 300 л дан, агар гербицидлар сепилмаган бўлса, 400—500 л дан керосин сепилади.

Кечки карамга сепиладиган гербицидлар. Карам кўчати етишириладиган майдоннинг ҳар гектарига уруғ сепилгандан кейин 400—500 л сувга 0,8—1,0 кг трефлан аралаштириб дискали бороналар ёрдамида 10 см чуқурликка солинади. Трефлан донли ва кенг япроқли бегона ўтларга яхши таъсир қиласи, бу дори экин танлайди.

Кўп йиллик бегона ўтлардан тозаланган участкалар гербицид қўллаш натижасида қўлда ўтоқ қилинмайди.

Кечки карам уруғи тўғридан-тўғри далага сепиб ўстирилганда юқоридаги нормада дори берилади.

Дори, гектарига 1,5—1,6 кг дан уруғ сепилгач, суғорышдан олдин дискали бороналар билан узунасига ва күндалангига 10 см чуқурликка суғориш әгатлари олишдан олдин берилади.

Картошкага сепиладиган гербицидлар. Ҳарорат кам бўлган вақтда эртаги картошка экилганидан то майса кўрсатгунича 15—20 кун ўтади, бу даврда эрта пайдо бўладиган бегона ўтлар кўкаради. Экинни бороналаш хавфли, чунки энди унабошлаган картошка уруғларини борона тишлари заарлаши, бунинг натижасида экинлар сийрак бўлиб қолиши мумкин. Бегона ўтларни йўқотиш учун гектарига 300—400 л дизель ёқилғиси ва гектарига 6—10 кг ДНОК сепилади.

Экин ўсув даврида бегона ўтлар қайта пайдо бўлишининг олдини олиш мақсадида картошка майсалашга уч-тўрт кун қолганда гектарига мунтазам таъсир этадиган препаратлардан прометрин 1,5—2,0 кг ҳисобидан, линурон 1,0—1,5 кг ҳисобидан 400—500 л сувга аралаштириб сепилади.

Ёзда экилган картошканинг гектарига 1,0—1,5 кг линурон ва прометрин 400—500 л сувга аралаштириб берилади.

ҚУП ЙИЛЛИК БЕГОНА ЎТЛАРГА ҚАРШИ ХИМИЯВИЙ ҚУРАШ

Ҳозир қўп йиллик илдиз поялардан ўсиб чиқадиган бегона ўтларни танлаб таъсир этадиган гербицидлар етиштирилганича йўқ.

Сабзавот экинлари уруғи орасидан чиқсан ғумай, ажриқ, бир йиллик бегона ўтлар химикатлар ёрдамида йўқотилади.

Илдизпояли қўп йиллик бегона ўтлар сабзавот-полиз экинлари ўсиб чиқмасидан йўқ қилинади. Ғумай, ажриқ билан ифлосланган далалар ҳосили эрта пишадиган эртаги бодринг, эртаги помидор, ўрта пишар полиз экинлари, уруғлик, сабзавот ва бошқа экинлар эгаллаши керак.

Ҳосил ва анғиз йифишириб олингандан кейин суғориш әгатлари олиб суғорилади, шундан сўнг илдизпоялардан бегона ўтлар ўсиб чиқади.

Экинлар 12—15 см га етганда далапон билан дори-ланади, бунинг учун гектарига 40—50 грамм далапон 800—1000 л сувга аралаштирилади.

Гербицидлар сентябрнинг охири, октябрнинг бошларида берилади. Дала сентябрнинг биринчи ва иккинчи ўн кунлигига ўсимлик қолдиқларидан тозаланиши керак, шундагина суфориш имконияти туғилади.

10—15 кундан кейин, яъни ўсимликнинг ер устки қисми қуригандан кейин плуг олдига чимқирқар ўрнатиб, 30—35 см чуқурликда шудгор қилинади, бу далага кузда тўқсонбости қилиб сабзавот экинлари экиш мумкин эмас. Аммо баҳорда эртаги ва ўртаги сабзавотларга бу гербицид хавф туғдирмайди.

САБЗАВОТ-ПОЛИЗ ЭКИНЛАРИ ВА ҚАРТОШКА МАҲСУЛОТИНИ САҚЛАШ ҲАМДА ҚАЙТА ИШЛАШ

Картошкани сақлаш. Ўзбекистонда картошка сақланадиган омборлар икки группага бўлинади. Омборнинг биринчи хили сунъий равишда совутилади, иккинчи хиллари совутилмайди.

Сунъий равишда совутиладиган картошкага омборлари Тошкент шаҳридаги баъзи ташкилотларда бўлиб, уларнинг ҳажми 500 т дан 2000 т гачадир.

500 т картошкага сифадиган совуқхона ердан ўйиб ишланган бўлиб, чуқурлиги 1—1,5 м, фишт деворли, улар 6 см қалинликдаги синтетик пахта билан ўралган, томи йирик панелли, у иссиқлик ўтказмайдиган пенобетон билан қопланган. Омборнинг узунлиги 41, кенглиги 11, баландлиги 4,5 м, кандукларининг узунлиги 4,3, кенглиги 2,7, баландлиги 2,8 м. Бош йўлнинг икки томонида 12 тадан кандук бўлиб, уларда картошкани олиш учун кичкина туйнукчалар бор. Юқоридаги туйнуклар икки эшикли, бу эшиклардан ёндош икки кандукка картошкага туширилади. Картошкага ҳаво ўтказгичлар орқали совуқ ҳаво бериб совутилади. Кандуклар тагида каналлар бўлиб, вентилятор ёрдамида ишланган илиқ ҳаво тортиб олинади ва совутиш камерасига бериб аралаштирилади. Қейин совутилган ҳаво яна тепадаги ҳаво ўтказгичларига узатилади. Шу тартибда ҳаво доимо алмашиб туради ва картошкага совутилади. Аммо совуқ ҳавони паст томондан берилса, натижага картошкага сақлашда яна ҳам яхшироқ бўлади. 1000 т ҳажми II типдаги совуқхона — омборлар ер остига қурилган бўлиб узунлиги 66, кенглиги 36 ва

баландлиги 5 м дир. 10 та турли ҳажмдаги камера бор. Бу совуқхона ғишт деворли иссиқ үтмайдиган қилиб ишланган, усти йирик блоклардан қурилган, томи пенобетон билан қопланган, сув үтказмайди. Камералар ҳар бири 1000 т ҳажмдаги учта совуқхонани таъминлайдиган марказий компрессор қурилма орқали совутилади. Камералардаги радиаторларда температураси 17°C совуқ бўлган туз сув эритмалари айланиб юриб совуқ беради.

2000 т ҳажмли III типдаги омборлар бу ангар типидаги бино бўлиб, ичи совуқ ҳаво берувчи радиатор ёки вентилятор ёрдамида совутилади.

Совуқхоналар. Бундай омборларнинг ҳажми ҳам ҳар хил бўлади, бальзилари ер устида, бальзилар ер сатҳидан 3,5 м чуқур қилиб қурилади, ҳажми 100—2000 т. 1000 т ли омборлар шакли ва қурилиши жиҳатдан 2000 т ли омборларга ўхшайди. Узунлиги 62, кенглиги 15, баландлиги 4 м. Девори ғиштдан ишланган, тўсиқлари ва томи йирик блокли, устидан бир қават пенобетон ёки юмшоқ ёпиш материаллари билан қопланади (мягкая кровля). Омбор ичидаги узунлиги 6, кенглиги 2,6, баландлиги 2,5 м ли 40 та кандук бўлади. Марказий йўлнинг кенглиги 2,2 м. Омборнинг бир томонига лентали транспортёр ўрнатилган бўлиб, бу транспортёр картошкани кандуклардан олишга мўлжалланган. Кандуклар устига 20 та тешикча ўрнатилган, бу тешикчалар орқали картошка солинади. Ярми ер остида жойлашган омборлар ҳам бўлиб, уларга 300—400 т картошка сифади. Деворлари ғиштдан, тахтадан ишланган, томи шифер билан беркитилгандир. Омборларнинг узунлиги 38, кенглиги 13, баландлиги 3 м. Бинода маҳсулотларни тушириш учун дарвозалари ва ўйлари бўлади. Труба, туйнук ва эшиклар орқали ҳаво алмаштириб турилади.

Колхоз ва совхозларда картошкалар 25—120 т ҳажмли омбор ва ертўлаларда сақланади.

КАРТОШКАНИ САҚЛАШ УСУЛЛАРИ

Идишларда сақланганда 30—35 кг ли яшиклар, 180—200 кг ли контейнерлардан фойдаланилади, улар омборларда штабелларга тахлаб қўйилади.

Қандукларда сақланганда тахта ёғочлардан ҳаво юриб турадиган мослама тайёрланади. Ҳаво алмашиниши трубалар орқали бўладиган қандукларда картошкани 1,2—1,3 м қалинликда солинади. Баҳорда картошка қалинлигини камайтириб 60—65 см га туширилади. Омборга картошка туширилгандан кейин орадан икки-уч ҳафта ўтгач 12—18°C кучли ҳаво билан омборлар шамоллатилади. Шундай қилинганда механик равишда шикастланган картошка яралари тезда битиб кетади. Омборларда сақланган картошканинг нам чириш касаллиги 3% га, қуруқ чириш касаллиги 10% га етганда, картошка дарҳол хилланади. Одатда қандукларда сақланаётган картошкаларнинг пастки қаватдагилари, яъни 5 см дан 20—30 см гача чуқурликда жойлашганлари тезроқ чирийди.

Ўраларда сақланганда кенглиги 0,6—0,7, чуқурлиги 0,7—0,8 м, узунлиги сақланадиган картошка микдорига қараб турлича (3—4 м) чуқурликда ўра кавланади. Ҳар қайси ўрадан кейин маълум оралиқ қолдирилади. Ўраларни қўлда ёки МТЗ-5 трактори билан ишлайдиган Э-153 маркали экскаваторда қазилади.

Буртларда ўюб сақлаш. Буртлар ўраси қўлда ёки экскаватор ёрдамида чуқурлиги 0,3, кенглиги 2 м, узунлиги 5—10 м қилиб қазилади. Ҳаво юриб туришини яхшилаш учун ўранинг ўртасидан 30×30 см ли узунасига ариқча тортилиб устига тахтачалардан панжара қўйилади. Ҳар 5 м дан кейин иссиқ ҳавони ташқарига чиқарувчи труба ўрнатилади. Картошка ўрада уюмларда (буртларга) жойлангандан кейин устига 30—35 см қалинликда похол ва тупроқ тортилади. Баҳорги иссиқ бошланиши билан (мартнинг охири апрелнинг бошларида) уюмлардаги (буртдаги) картошка омборларга олинади.

САБЗАВОТЛАРНИ САҚЛАШ

Маҳсулоти узоқ муддат сақланадиган сабзавотларни маҳсус кўчатхоналарда юқори агротехника асосида парваришилаш, органик-минерал, айниқса азотли ўғитлар солиши режимига риоя қилиш ва уни пухта амалга ошириш, сугоришни тўғри ташкил қилиш каби ишларни баражиши лозим. Ҳар қайси сабзавот маҳсулоти ҳатто ҳар бир нави ҳам сақлашда алоҳида тайёргарчилик кўришини, сабзавотларни идишларга жойлаш, ҳаво ва темпера-

тура режимини муайян равишида олиб боришни талаб қиласы, шунинг учун ҳам пиёз сақланадиган омборларда картошка, картошка сақланадиган омборларда карам ёки қовун сақлаб бўлмайди.

Карам сақлашда стеллаж ва идишлардан фойдаланилади. Маҳсулотларни сақлашда экин турига қараб қўйидагиларга амал қилинади: омбор полида маҳсус сабзавот сақлайдиган токчаларда ҳамда панжарали пол устида сақланади.

Карам яшикларда сақланадиган бўлса, улар 30—50 кг дан яшикларга жойлаб штабелларга тахланади.

Пиёзни яшик ва стеллажларда сақлаш. Яхши қури-тилган пиёзлар 10—12 кг дан яшикларга жойланиб, пиёз сақланадиган омборда шахмат тартибида штабелларга қўйилади. Пиёзни стеллажларга 30—35 см қалинликда тўкиб қўйиб ҳам сақлаш мумкин.

Сабзини ўраларда сақлаш. Сабзи ҳосилини йифищдан олдин кенглиги 40—45, чуқурлигини 60—70 см, узунлигини сақланадиган сабзи миқдорига қараб ўра қазилади, ҳар 3 м узунликдаги ўрадан кейин маълум оралиқ қолдирилади.

Сабзини ўраларда қум аралаштириб сақлаш. Бу энг яхши усуллардан бири ҳисобланади, бунда сабзининг чириши жуда камаяди, лекин бу усул кўп меҳнат талаб қиласи.

Сабзини яшикларда сақлаш. Сабзи 30—35 кг ли яшикларда сақланади, бу усулда сақланган сабзининг табиий оғирлигини йўқотиш нормаси кўпроқ бўлади.

Помидор ва бодринг сақлашда уларнинг сақлашга ва узоққа жўнатишга чидамли навлари танланади. Помидор етиштирилган хўжаликнинг ўзидаёқ қулай температура ва ҳаво намлигига риоя қилиб сақланади. Омборларда сунъий совутиш ўйли билан бодрингни бир яrim — икки ҳафта сақлаш мумкин.

Хўраки лавлаги, турп, шолғом кўпинча тайёрлов пунктлари ҳамда шаҳар базаларида, ўралар ва кандукларда, маҳсус омборларда сақланади. Яхшилаб хилланган илдизмевали экинлар ўраларга солинади ёки оддий омборларда лавлаги, турп ва шолғом солинган кандукларга тўкилиб, сунъий совутиладиган омборларда эса яшикларда, штабелларда уюб сақланади.

Полиз маҳсулотларини сақлаш усуллари. Ўзбекистон колхоз ва совхозларида кўплаб қовун, тарвуз сақлаш

учун қүйидаги тадбирларни амалга ошириш тавсия қилинади. Қиша сақлаш учун кечпишар, маҳаллий шароитта мосланган навлар танланади. Қовуннинг кечки навлари 20 майдан 15—20 июнгача экилади. Қовунни тўла пишишидан икки ҳафта олдин бандидан 2—3 см қолдирив узилади ва жойида 4—5 кун қолдирилади. Қейин эҳтиётлик билан қўлда ёки замбилда дала четига олиб чиқилади. Жўнатиш учун похол солинган яшикларга жойланади. Машина тагига ҳам похол тўшалиб, қовунхоналарга етказилади.

44-жадвал

Картошка ва сабзавотларни (карам, пиёз, сабзи) табиий камайиш нормаси СССР Савдо министрлиги томонидан 8 июнь 1957 йилда 270-сон фармойиши билан тасдиқланган. Сунъий равишида совутилмаган омборларда, %

Ойлар	Картошка		Лавлаги, турп		Сабзи	Карам	Пиёз	Саримсоқ	Хўраки қоювок
	сунъий равишида совутилмаган омборларда	ўраларда ва ўюмларда (бургларда)	сунъий равишида совутилмаган омборларда	ўра ва ўюмларда (бургларда) кум арадаштирилмасдан					
Сентябрь . .	2,0	—	2,0	—	2,5	—	2,0	3,5	1,5
Октябрь . .	1,9	1,0	1,5	1,5	2,3	4,0	1,5	2,1	1,2
Ноябрь . .	1,5	1,0	1,0	1,3	1,3	3,8	1,3	1,5	0,7
Декабрь . .	0,9	0,5	0,8	0,7	0,8	2,0	0,7	1,1	0,5
Январь . .	0,7	0,4	0,6	0,5	0,8	1,4	0,7	1,1	0,3
Февраль . .	0,9	0,4	0,8	0,6	1,3	1,4	0,7	1,2	—
Март . . .	1,0	0,7	1,3	0,7	1,7	2,1	1,5	2,0	—
Апрель . . .	1,1	1,0	1,8	2,3	2,3	—	1,9	2,5	—
Май . . .	1,4	1,5	1,9	2,5	2,5	—	2,4	—	—
Июнь . . .	2,2	—	2,0	—	—	—	—	—	—


Қовунларни осиб сақлаш: а) чипта ёки қўғага боғлаб сақлашда битта ишчи кунига 60—80 та қовунни боғлаб қовунхонага осиши мумкин. Бунда қўға олдиндан тайёрланган бўлиши керак, б) ип тўрларда сақлаш (сеткада). Ҳар бир тўрга қовун думини пастга қаратиб биттадан солинади; Қовунхонада тўрларни якка ёки жуфт қилиб осиш ҳам мумкин; Тўрлар оддий иплардан тайёрланади, иқтисодий жиҳатдан қулай, 10 йил ва ундан ортиқقا чидаши мумкин.

Полиз маҳсулотларини сақлаш усуллари ва мавжуд қовунхона типлари

Қовунхонанинг типлари	Қовунхона таърифи
Халқ яратган қовунхона	<p>Қовунхона, сизот сувлари чуқур жойлашган тепалик жойларда қурилади. Қовунхонанинг узунлиги 6—7 м, кенглиги ва баландлиги 4 м. Деворлари пахсадан қилинади. Деворларнинг остики томони 1,2 м қалинликда, устки томони эса 0,7 м, томи қамиш билан ёпилган ва устидан бир оз тупроқ ташлаб сувалган бўлади</p> <p>Қовунхонанинг икки ён деворларида ердан 0,5—1,0 м баландликда тўртта туйнук очилади (деворнинг ҳар томонида иккитадан), кирадиган эшикнинг рўпарасидаги девордан янга битта тешик очилади. Шипга иккита ҳаво тортувчи труба ўрнатилади. Бутешиклар бинони шамоллатиб туриш ва температурани созлаб бориш вазифасини ўтайди</p> <p>Қовунхонага (осиб сақланганда) 1000 дона гача қовун кетади (Бундай қовунхона Бухоро обlastida мавжуддир)</p>
01320B типидаги қовунхона (маҳаллий қовунхонага асосланниб қурилган)	<p>Бу қовунхона 50 т полиз маҳсулоти сақлашга мўлжалланган. Узунлиги 35,5, кенглиги 7, баландлиги 5 м. У ҳар бири 12,5 т га мўлжалланган тўртта камерага бўлинган. Ҳар қайси камерада шипга мустаҳкамланган олтига устун жойлашган. Бу устунларга 1 м оралиқда ёғоч тахта ўрнатилган. Деворга кўндаланг қилиб ҳар 30 см оралиқда тахта қўйилган, шу тахталарга қовунлар жуфт-жуфт қилиб осилади. Шамоллатиш системаси ҳаво кириб-чиқиб турадиган қилиб ишланган, яъни пастда иккита томондан совуқ ҳаво кирадиган тешик очилган бўлиб, иссиқ ҳавони тортадиган труба ўрнатилган</p>

Қовунларни стеллажларда сақлаш. Қовунларни узоқ сақлаш учун қўфа ёки похолдан диаметри 18—20, баландлиги 6—8 см ли чамбараклар тайёрланади. Чамбаракларга қовун тик ҳолда ўрнатилади. Бу чамбараклардан бир неча йил фойдаланиш мумкин. Қисқа муддат сақлаш учун қовунларни ётқизиб (горизонталь) қўйилади. Бунда қовунлар тагига похол ёки қипиқ солинади.

Идишларда (яшикларда) сақлаш. Қовунларни катакли яшикларда ҳам сақлаш мумкин. Бунда яшиклар тагига похол ёки қипиқ солиниши керак. Яшикларга иккита



Қовууларни осиб сақлаш

түрттадан қовун тик ҳолда солиб яшикларда (асосан совутиладиган биноларда) сақланади.

Тарвузлар стеллажда, яшикларда ва уюмларда сақланади. Тарвуз стеллажда сақланса тагига похол ёки

46-жадвал

Картошка, турли сабзавот ва полиз әкинлари маҳсулотларини сақлаш

Әкинлар	Сақлаш температураси, градус	Омбордаги ҳаво намлиги, %
Картошка	— 3 — 5	85 — 90
Пиёз	— 1 — 2	70 — 75
Сабзи	— 0 — 1	90 — 95
Помидор	— 5 — 8	70 — 75
Бодринг	— 2 — 3	90 — 95
Қовун	— 2	65 — 75
Тарвуз	— 3 — 5	60 — 75
Ковоқ	— 3	70 — 75
Хұйраки лавлаги, турп, шолғом	0 — 2	85 — 95

47-жадвал

Совутилмайдиган омборларда сақланаётган қовунларнинг табиий оғирлигини йўқотиши, %

(Сабзавот-полиз экинлари ва картошкачилик илмий текшириш институти маълумоти)

Навлар	Октябрь	Ноябрь	Декабрь	Январь	Жами 4 ой давомида
Умирвоқи	6,8	3,03	2,32	2,4	14,55
Қорапўчоқ	7,7	3,03	2,10	1,9	14,73
Қўйбош	7,6	3,19	2,18	2,4	15,37
Аркони	5,7	2,47	1,8	1,85	11,82

48-жадвал

Қовуннинг етилиш даражасининг меванинг табиий оғирлигини йўқотишга таъсири, %

Вариантлари	Сақлаш даврида табиий оғирлиги йўқолиши, кунлар ҳисобида			Жами 105 кун
	октябрь-ноябрь ойларида, 45 кун	декабрда 30 кун	январда 30 кун	
Сертўр (тўла етилган) қовунларда	7,9	3,4	2,8	14,1
Тўри ўртacha бўлган қовунларда	6,1	2,2	1,6	9,9

49-жадвал

**Картошкани сақлашда унинг табиий оғирлигининг йўқолиши
(сақлаш вақтида картошканнинг димиқиши, %)**

(СССР ички савдо халқ комиссарлигининг 1936 йил 19 сентябрдаги 1177-сонли қароридан)

Ойлар	Уюм ва ўраларда (бурталарда ва траншеяларда)	Омборларда	
		идишларда	уюмда
Сентябрь	—	1,8	1,4
Октябрь	1,0	1,4	1,3
Ноябрь	1,0	0,9	0,8
Декабрь	0,5	0,5	0,5
Январь	0,5	0,3	0,3
Февраль	0,5	0,5	0,5
Март	0,5	0,5	0,5
Апрель	1,0	0,9	0,9
Май	1,5	1,2	1,4
Июнь	—	1,8	2,0
Июль	—	2,0	2,5
Август	—	2,0	2,5
Жами	6,5	13,6	14,4

Картошкани автомашиналарда ташиш вақтида оғирликининг табиий йўқолиш проценти

Ташиш вақти	Масофа 10—25км бўлганда		Масофа 25—50 км бўлганда		Масофа 50 км дан ортиқ бўлганда	
	идишиларда	уюм қилиб ташинча	идишиларда	уюм қилиб ташинча	идишиларда	уюм қилиб ташинча
Кузда	0,2	0,3	0,3	0,5	0,5	1,0
Қишда	0,1	—	0,2	—	0,3	—
Баҳорда	0,2	0,3	0,3	0,5	0,5	1,0
Ёзда	0,3	0,3	0,5	0,8	1,0	1,0

қипиқлар тўшалади. Яшикларда сақланганда ҳам тагига тўшама солинади, бир қават қилиб тахланади. Баъзан қисқа вақт давомида сақлаш учун (узоқ жойларга жўнатиш олдидан станцияларда) тарвузлар пирамида шаклида уюмларда ҳам сақланади. Бунда уюм баландлиги 0,75 м дан ошмаслиги керак.

Ошқовоқни сақлаш. Ошқовоқ стеллажларда остига қипиқ ёки похолдан тўшама солиб, бандини юқорига қаратиб бир қатор тахланган ҳолда сақланади.

САБЗАВОТ-ПОЛИЗ ЭКИНЛАРИ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ҚАЙТА ИШЛАШ

Маҳсулотни қайта ишлашни яхшилаш, сабзавот ва полиз экинлари уруғларининг чиқиндиларидан тўғри фойдаланиш учун колхозларда ва колхозлараро қайта ишлаш пунктлари ва цехларини, шунингдек, қуритиш майдонларини ташкил қилиш зарур. Экин майдонларининг ҳамда хўжаликнинг ихтисосига қараб қайта ишлаш пунктларининг ҳажми аниқланади.

Қуйида маҳсулот тайёрлаш, ишлаб чиқариш биноларининг турлари, ишлаб чиқариш қуроллари, машиналар ва ишчи-техник хизматчилар состави тўғрисида тахминий кўрсаткичлар берилади.

Ачитиш ва тузлаш цехлари

Маҳсулот ва сабзавот турлари	Цехнинг қуввати	
	250 т	400 т
Тузланган карам	100	200
Тузланган помидор	60	75
Тузланган бодринг	60	75
Тузланган бошқа сабзавотлар	30	50

Бино ва омборлар ҳажми

Ачитиш бўлими	300 м ²	500 м ²
Тузлаш бўлими	200 м ²	200 м ²
Эритма тайёрланадиган бўлим	—	40 м ²
Сабзавотлар қабул қилинадиган майдонча	150 м ²	200 м ²
Ювиб хилланадиган жой	200 м ²	300 м ²
Сунъий совутиладиган омбор ҳажми ёки:	100 т	300 т
а) сунъий совутилмайдиган ерга чуқур қилиб қурилган омбор	100 т	200 т
б) цементланган ҳовуз	100 т	200 т
Бочка, идишлар сақланадиган омбор	300 м ²	450 м ²
Туз ва хушбўй ҳидли дориворлар сақланадиган омбор	32 м ²	50 м ²
Хизматчиларнинг идораси	64 м ²	100 м ²
Кийим ечиладиган хона	18 м ²	35 м ²
Лаборатория	16 м ²	25 м ²

Идии-бочкалар

Темир-бетондан ясалган таглик	10 дона	10 дона
Бочка 100л	150 «	300 «

Асбоб-ускуналар ва машиналар

Автотарозилар	1 дона	1 дона
Ювиш машинаси	1 «	2 «
Транспортёлар	2 «	2 «
Конвейр столлари	2 «	4 «
Карам ўзагини ажратадиган асбоб	2 «	4 «
Карам майдалайдиган машина	1 «	1 «
Калибрювка машинаси	1 «	1 «
Илдизмева қирқадиган машина	1 «	1 «
Тарозилар (100 кг гача тортувчи паллали ва почта тарозиси)	3 «	6 «
Қамишдан қилинган матлар	100 дона	200 дона

Маҳсулот ва сабзавот турлари

Цехнинг қуввати

250 т 400 т

Бочка йиғувчи дастгоҳ	4 «	8 «
Станоклар	1 «	2 «
Столлар	2 «	3 «
Водопровод ёки:		
а) сув тўплаш минораси	1 дона	1 дона
б) қудук (артезиан қудуги)	1 «	1 «
Электроподстанция ёки трансформатор	«	«
Бур қозони	1 «	1 «
Электр моторлар, турлича қувватли	10 «	15 «
Насослар турли типдаги	3 «	8 «
Автоюқлагич	1 «	1 «
Штабелга терувчи	1 «	1 «
Карам ўзагини ўйиб олувчи ШВҚ-1	1 «	1 «
Электр қиздиргич (электрогрелка)	1 дона	3 «
Парафин	150 кг	250 кг
Канифоль	10 кг	20 «
Битум	10 «	20 «
Каустик сода	100 «	200 «
Олтингуругт	50 «	100 «

Хизмат қилувчи ходимлар

Цех бошлиғи	1 киши	1 киши
Склад мудири (моддий жавобгар шаҳс)		
Технолог-уста	«	«
Хисобчи	«	«
Ишчилар	10 киши	18 киши
Коровул	4 «	4 «

Қайта шилаш ва консервалаш цехи

Маҳсулот чиқиши 50 т ёки 100 т бўлганда

Бино, омбор (ҳажми)

Қабул қилиш майдони	100 м ²	200 м ²
Чуқурлатиб қурилган омбор ҳажми	50 т	100 т
Шиша идишлар ҳажми	600 м ²	100 м ²
Туз ва хушбўй ҳидли дориворлар сақланадиган омбор	49 м ²	100 м ²
Кийим ечиладиган хона	50 м ²	80 м ²
Буғ бериш бўлими	100 м ²	150 м ²
Хом ашё ювиладиган бўлим	64 м ²	150 м ²
Иситиш ва вакуум аппарат ўрнатиладиган хона	49 м ²	100 м ²

Маҳсулот ва сабзавот турлари

Цехнинг қуввати

250 т 400 т

Идишларга жойланадиган ёа устини беркитадиган хона	18 м ²	49 м ²
Стерилизация қиладиган хона	64 м ²	100 м ²
Сироп маринад тайёранадиган хона	56 м ²	100 м ²
Шиша идишлар ювиладиган хона	20 м ²	35 м ²

Асбоб-ускуна, машиналар

Ювиш машинаси	2 дона	4 дона
Блонширювка қилувчи машина	«	«
Илдизмева тозалагич	«	«
Илдизмевалари кесадиган машина	«	«
Илдизмева майдаловчи машина	«	«
Помидор кесадиган машина	4 «	6 «
Қиздиринш учун зарур бўлган катта усти очиқ бочка	1 «	2 «
Икки танали буғ қозони	2 «	4 «
Шиша идишлар қопқоғини ёпидиган машина	«	3 «
Тельфер (электр кўттарма кран)	4 «	4 «
Автоклав	«	6 «
Икки танали очиқ типдаги қозон	«	«
Ишчи столлар	3 «	5 «
Шиша идишлар ювиладиган ванна	2 «	4 «
Тарозилар (100 кг ли)	«	5 «
Палладик тарозилар (почта тарозилари)	10	14
Турли хил насослар	1	1
Электротрансформатор	1	1
Водопровод	100 дона	200 дона
Бочкалар 100 л ли	500 минг дона	1 млн. дона
Шиша идишлар (банка)	500 минг дона	1 млн. дона
Тунука қопқоқлар		

Хизматчи ходимлар

Цех бошлиғи ва моддий жавобгар шахс	1 киши	1
Технолог-уста	1	1
Катта ишчилар	2	3
Ишчилар	50	65
Қоровул	40	4

Д а в о м и

Маҳсулот ва сабзавот турлари	Цехнинг қуввати	
	250 т	400 т

Куритиши майдончалари

Тайёр маҳсулот чиқиши—100 т бўлгандан

Автотарозилар	1 дона
Полиз экинлари маҳсулотини сўлитиш, қуритиш	1 100 м ²
Осма тарозилар (100 кг ли)	1 дона
Хом ашё қабул қилиш майдончаси	150 м ²
Олтингугурт билан дудлаш камераси (олтингугурт ангидриди билан)	1 дона
Яшиклар	500 дона
Омбор ҳажми	10 т

Хизмат қилувчи ходимлар

Уста ва моддий жавобгар шахс	1 киши
Ишчилар	18 киши

52-жадвал

Сабзаватларни ташиш ва сақлаш учун зарур бўлган идишлар

Маҳсулот номи	Автомашиналарда ташиши учун зарур бўлган идишлар (шаҳар атрофидаги зоналарда маҳаллий таъминот учун)	Темир йўл ва сув транспортларида ташиши учун зарур бўлган идишлар
Резаворлар, қўкатлар: Салат, исмалоқ, укроп, кашнич (урурғдан сепилгандарни) илдизсиз шавель	Фалвир, сават, очиқ яшиклар (ҳажми 12 кг гача)	Сават ва яшиклар (10 кг гача)
Кўк пиёз, кашнич	Ҳажми 15 кг гача бўлган фалвир саватлар ёки қопга боғлаб тахланган (2 кг гача) кўкатларни идишларга солмасдан ҳам ташиш мумкин	Сават ва яшиклар (ҳажми 12 кг гача)
Помидор: қизили пушти ранг	Ҳажми 2 кг ли сават ёки яшиклар Ҳажми 15 кг ли сават ёки яшиклар	Узоққа жўнатиб бўлмайди яшикларнинг ҳажми 8—12 кг қоп, сават, яшиклар (ҳажми 50 кг гача)
Овқатга ишлатилидиган илдизмевалар (кашнич, сельдерей, пастернак, хўрраки лавлаги, сабзи)	50 кг ли идишлар ёки идишларсиз ҳам ташиш мумкин	

Маҳсулот номи	Автомашиналарда ташиши учун зарур бўлган идишлар (шаҳар атрофида зоналарда маҳаллий таъминот учун)	Темир йўл ва сув транспортларида ташиши учун зарур бўлган идишлар
Бош пиёз ва саримсоқ Оқ карам	50 кг гача бўлган идишлар 50 кг ли идишлар. Идишсиз ҳам ташилади	ҳажми 50 кг гача бўлган идишлар яшиклар, 50 кг гача. Кечки карам идишсиз ташилади ҳажми 30 кг дан ортиқ бўлмаган яшиклар
Гул карам	30 кг ли яшик ёки саватлар	ҳажми 30 кг дан ортиқ бўлмаган яшиклар
Ширин қалампир	ҳажми 20 кг ли яшик ва саватлар	ҳажми 30 кг дан ортиқ бўлмаган яшиклар
Бақлажон	ҳажми 30 кг ли яшик ва саватлар	ҳажми 30 кг дан ортиқ бўлмаган яшиклар
Бодринг: далада етиштирилгани	Ҳажми 30 кг гача идишлар	ҳажми 20 кг гача бўлган яшикларда ташилади
теплица ва парникларда етиштирилгани	ҳажми 30 кг гача бўлган сават, яшиклар	ҳажми 30 кг гача бўлган сават, яшикларда ташилади
Қовун ва тарвуз	идишсиз ташилади. Баъзан ҳажми 50 кг гача бўлган яшикларда ташилади. Ташиши даврида қовун, тарвуз тагига похол тўшама солинади	

53- жадвал

I м³ маҳсулотнинг таҳминий оғирлиги, кг

Сабзавотлар:	
Лавлаги	600
Турп	550—600
Шолғом	500—550
Кашнич	330—370
Сабзи (териб жойлаштирилган)	400
Сабзи (уюм қилиб тўкилган)	550—600
Оқ карам	400—500
Пиёз бошлари	550—600
Саримсоқ	400—430
Бодринг	600—680
Помидор	640

1 м³ картошканинг оғирлиги 625 кг дан 680 кг гача (ўртacha 650 кг) бўлиб, омбор ҳажмини ҳисоблаганда ўртacha 670 кг деб олинади.

САБЗАВОТ ВА ҚАРТОШҚА ЕТИШТИРИШНИ ТҮФРИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ

Далада сабзавот етиштириши түфри ташкил қилиш учун қўйидаги асосий талаблар қўйилади:

1) Ёрдан, қишлоқ хўжалик техникаси ва бошқа ишлаб чиқариш воситаларидан унумли фойдаланиш, кам меҳнат сарфлаб, кўп маҳсулот етиштириш;

2) Ишлаб чиқаришни доимий ишчилар билан таъминлаш, барча ишларни коллектив усулда ташкил қилиш; лекин ҳар бир ишчини белгиланган участкада, коллективни эса бутун қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришидаги масъулиятини ошириш ва ишлаб чиқариш самародорлигини таъминлаш;

3) Мунтазам равишда ихтисослаштириши ташкил қилиш, колхозчи ва совхоз ишчиларининг маданий-техник савиясини изчиллик билан амалга ошириш;

4) Коллектив ва алоҳида ишчиларга ишлаб чиқариш воситалари биркитиш, эгасизликни йўқотиш, биргаликда ердан ва ишлаб чиқариш воситаларидан унумли фойдаланиш;

5) Ишчиларнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотларини мўл-кўл етиштиришдан моддий манфаатдорлигини ҳамда шахсий жавобгарлигини ошириш.

Республика миқёсида юқорида кўрсатилган талаблар муваффақиятли бажарилиши ва сабзавотчиликни оқилона ташкил қилиш вазифаси аҳоли зич жойлашган ва индустрлашган марказлар атрофида ихтисослашган колхоз ва совхозлар алоҳида участкалар ихтисослашган бригада ва звенолар ташкил қилиш йўли билан бажарилади.

Колхоз ва совхозлардаги ихтисослашган сабзавотчилик бригада ва звенолари хўжаликнинг ишлаб чиқариш бўлимларидир ва улар орқали картошка, сабзавот, полиз маҳсулотлари етиштириш давлат планларини бажариш амалга оширилади.

Доимий ишлаб чиқариш бригадалари сабзавоткор хўжаликнинг муҳим ишлаб чиқариш бўлими ва меҳнатни ташкил қилишнинг асосий шакли ҳисобланади.

Бригада доимий ишчилар колективи бўлиб, картошка, сабзавот ва полиз экинлари маҳсулотлари етиширишни ягона раҳбарлик остида уюштиради ва у қилинганишни жавобгардир.

Колхоз правлениеси ёки совхоз дирекцияси томонидан шундай бригадаларга ер, зарур қишлоқ хўжалик машина ва асбоблари, хўжалик бинолари иш ҳайвонлари биркитилади.

Бригадалар бир неча хил: далачилик, ихтисослаштирилган сабзавотчилик, трактор-далачилик бригадаларидан иборат бўлади.

Пахтакор хўжаликларда далачилик бригадалари бўлиб, бу бригадаларда техник экинлар билан бир қаторда сабзавот-полиз экинлари, картошка, донли ва ем-хашак экинлари ҳам етиширилади.

Сабзавот-полиз экинлари ва картошка етиширидан ҳамда ҳар бир тармоқ бўйича ихтисослаштирилган бригадалар шаҳар атрофидаги сабзавотчилик колхоз ва совхозларида кенг тарқалгандир.

Бундай ихтисослаштирилган сабзавотчилик бригадаларида барча механизация ишларини хўжаликда ҳайдов ва қатор ораларини ишлайдиган трактор ҳамда қишлоқ хўжалик машиналари биркитилган икки-учта механизация отрядлари бажаради. Сабзавотчилик хўжаликларида ишни тўғри ташкил қилиш учун сабзавотчиликка ихтисослаштирилган такрор-далачилик бригадалари тузилади. Шундай трактор-далачилик бригадаларида бригадир бошчилигига ер, техника ва ишчи кучлари мұжассамлаштирилади ва улардан самарали фойдаланишга яхши имконият яратилади.

Сабзавоткор хўжаликлардаги бригадаларнинг катта-кичиклиги бригадага биркитилган супориладиган майдонга, колхозчи ва ишчиларнинг сонига, хўжаликни ихтисосига, механизациянинг эришилган даражасига, иш жараёнларининг оғир-енгиллигига ва қўлланаётган технологияга боғлиқдир.

Одатда ихтисослаштирилган сабзавотчилик бригадаларига 60—70 гектар ер биркитилиб, келгусида иш процессларини комплекс механизациялашга ўтишини эътиборга олиб, бригадага биркитиладиган ерни 100—120 гектарга етказиш кўзда тутилади ва бригада 35—40 кишидан ташкил этилади.

Бригадага ер майдонининг територия хусусиятлари ёътиборга олинган ҳолда биркитилади. Бунда массивларининг жойлашишига, сув билан таъминлашнинг қулийлигига, аҳоли яшайдиган пунктлар ва хўжалик марказларига алоҳида аҳамият берилади.

Бригадага биркитиладиган тракторларнинг сони механизация ёрдамида бажариладиган ишларнинг ҳажмига боғлиқ, бунда 60—70 гектар ерга сабзавот эккан бригадага битта ҳайдов, иккита қатор ораларини ишлайдиган трактор биркитилиши мумкин. Хўжаликларнинг имкониятига қараб ҳар бир бригадага культиватор-ўғитлагич, иккита тракторга тиркалайдиган арава ва бошқа қишлоқ хўжалик қуроллари ҳамда инвентарь комплектлари, иш турлари, ҳажми ва ишларнинг бажарилиш муддатига қараб танланади.

Сабзавоткор бригадаларнинг асбоблари, идишлари, иш қуроллари, сабзавотларни сақлайдиган омборлари ўзиға етарли бўлиши керак.

Бригадага трактор, қишлоқ хўжалик машиналари, асбоб-ускуналари акт билан бир мавсумда фойдаланиш учун биркитиб қўйилади. Зарур бўлган тақдирда машиналар бир бригададан иккинчисига фақат колхоз правлениесининг ёки совхоз директорининг буйруғи билан ўтказилади.

Ишни бригада асосида ташкил қилиш билан бир вақтда бригадалар ичида звенолар ҳам ташкил қилиш мумкин. Звенолар бригада ичида меҳнатни тўғри ташкил қилишнинг муҳим формаларидан бири ҳисобланади.

Звенолар турли муддатларда бир-икки хил экинни парвариш қилиш учун ташкил қилиниши мумкин. Ҳар бир звенога биркитиладиган экин майдонларининг миқдори ишлайдиган ишчилар сонига боғлиқ.

Сабзавотчиликда ишларнинг механизация даражаси тобора ошган сари оддий звенолар ўрнига механизациялаштирилган звенолар ташкил қилина бошлади.

Механизациялашган звенолар — сабзавот-полиз экинларини механизация ёрдамида экадиган, чопиқ қиласидиган, ўтайдиган механизаторлар ёки колхозчи, совхоз ишчиларидан иборатdir.

Механизациялашган звеноларга қатор ораларига ишлов берадиган трактор, қишлоқ хўжалик машиналари ва ишлаб чиқариш қуроллари биркитилади.

Олти-етти кишидан иборат механизациялашган звеноларга биркитиладиган сабзавот экинлари майдони механизация воситаларидан тұлиқ фойдаланишга имкон берадиган ва мавсум давомида иш билан бир текис таъминладырылған бўлиши керак.

Қатор ораларига ишлов берадиган битта тракторда 30—35 гектар ердаги сабзавот-полиз экинлари ва картошка экилган майдонда ишланади. Шундай қилиб механизациялашган звенода олти-етти киши битта трактор билан 30—35 гектар ерда сабзавот етиштириши мумкин.

Звенога тажрибали механизатор раҳбарлик қиласи, у бу иши учун маошига 15% қўшимча ҳақ олади.

Сабзавотчилик бригада ва звеноларидан ишни ташкил қилишда экин майдонларини тўғри аниқлаш билан бир қаторда етиштириледиган сабзавот-полиз ва картошка экинларининг турларини тўғри танлашнинг ҳам аҳамияти муҳимдир.

Хозирги вақтда кўпчилик сабзавоткор хўжаликларда сабзавот етиштириш бўйича йиллик ишлаб чиқариш топшириқлари барча бригадаларга бир текис тақсимланмоқда, бу нотўғридир. Кўпчилик сабзавот экинларини бригадаларга баравар тақсимлаш натижасида экинлар сунъий равишда майда участкаларга бўлиб экилганда ва механизация воситаларидан тұлиқ фойдаланишга имкон бўлмаганлигидан бригадаларнинг ихтисослашуви қийинлашмоқда, бу эса меҳнат унумдорлигини изчиллик билан ошириб боришга тўсқинлик қилмоқда.

Механизациядан тұлиқ фойдаланиш ҳамда сабзавот-полиз экинлари ва картошка етиштиришда янги прогресив технологияни жорий этиши учун экин майдонларини юриклиштириш ва бригадаларни ихтисослаштириш керак. Бунинг учун биринчидан бригадаларни юриклиштириш; иккинчидан ҳар бир бригадада етиштириледиган экинлар турини камайтириш лозим.

Бригадаларни ҳаддан ташқари юриклиштириб юбориш ҳам ярамайди, чунки бундай бригадаларни бошқариш қийинлашади. 100—120 гектар ери бўлган бригадалар энг қулай ҳисобланади.

Бригадада етиштирилаётган экин турларини камайтиришда айрим экинларининг сермеҳнатлиги, ҳосил етиштириш ишларининг осон-қийинлиги, айрим ишларни механизациялаш имкони бор-йўқлиги эътиборга олинади. Бунга эртаги картошка ва карам етиштириш технология-

сидаги, пиёз ва сабзи етиштиришдаги қўл меҳнати кўп сарфланиши, помидор ва бодринг етиштиришдаги ўхашлик мисол бўла олади. Масалан, эртаги картошка ва эртаги карам етиштириш технологияси, агротехникаси ва ишлов бериш муддатлари бир-бирига жуда ўхашдир, меҳнат сарфлари ҳам фарқ қилмайди. Помидор ва бодринг ҳосилини теришда қўл меҳнати кўп сарфланади. Шунинг учун ҳам айрим бригадаларга ишлаб чиқариш технологияси ва меҳнат сарфи бир хил бўлган бригаданинг катта-кичиклигини аниқлаш ва экин майдонларини тўғри белгилаш учун бригададаги ишчилар сони ва энг кўп меҳнат талаб қиласидаги ишларнинг миқдорига қараб қўйидаги формулага солиб топилади:

$$R = H_b \cdot S_{dn} \cdot S_p$$

Бунда:

R —экин майдонининг ҳажми,

H_b —энг сермеҳнат ишларда кунлик иш нормаси,

S_{dn} —агротехник усульнинг қўлай календар муддати (кун ҳисобида),

S_p —бригадага биркитилган ишчилар сони.

Масалан, пиёз етиштириш учун энг оғир иш ўтоқ ҳисобланади, бу ишни 15 кун давомида тамомлаш керак. Ўтоқ қилишда ҳар бир ишчининг ишлаб чиқариш нормаси 0,02 гектар. Бинобарин, бригадада 25 ишчи бўлса, шу бригада муваффақиятли равишда фақат 7,5 гектар ерда пиёз етиштириши мумкин.

$$R = 0,02 \cdot 15 \text{ кун} \cdot 25 \text{ ишчи} = 7,5 \text{ гектар},$$

яъни 25 киши 15 кун ишлаб, 7,5 гектар ердаги пиёз экинига сифатли ишлов бериши мумкин экан.

Шунда бригадаларга қанча экин майдонларини биркитиш нормаси аниқланади.

Хўжалик ҳисобини муваффақиятли жорий қилишда бригадада экинлар турини камайтиришнинг аҳамияти муҳимдир.

Хўжалик ҳисобини жорий этишнинг муҳим шартларидан бири ҳаражатларни хўжалик фаолияти натижасида олинган даромад билан қоплаш, ишлаб чиқаришнинг саварадорлигини мунтазам равишда кўтариш, ишчиларни моддий рағбатлантиришдан иборатdir.

Хўжалик ҳисобини жорий этишда қўйидагилар таъминланиши керак: маҳсулотлар етиштиришга сарфланана-

Бригадаларга биркитилган экин майдони, гектар

Экин түри	Бригададаги ишчилар сони				
	25	30	40	50	60
	Кишига биркитилиши мүмкін бўлган экин майдони, гектар				
Картошка:					
эртаги	16	19	26	32	39
кечки	19	23	30	38	45
Карам:					
эртаги	15	18	24	30	36
кечки	15	19	25	31	37
Помидор	11	13	17	22	26
Бодринг	10	13	17	22	26
Пиёз	5	6	8	10	12
Сабзи	7,5	9	12	15	18
Полиз экинлари	30	40	53	67	80

диган харажатлар сабзавот-полиз экинлари ва картошка сотишдан олинадиган даромадлар ҳисобига қопланиши, шу соҳаларнинг рентабелли бўлиши, хўжаликни мустақил бошқариш, ҳар бир кишининг ўз меҳнати натижаларидан моддий манфаатдорлигини ҳамда ишлаб чиқаришнинг якунловчи натижаларига моддий жавобгарлигини ошириш, шунингдек колхоз, совхоз сабзавотчилигига хўжалик ҳисобини жорий этиш, белгиланган топшириқларни муваффақиятли бажариш, тежамкорликни ҳамда сабзавотчиликда рентабелликни таъминлашга қаратилиши лозим.

Шунинг учун колхоз ва совхозларда хўжалик ҳисобини жорий қилиш қўйидаги тартибда олиб борилади:

1) Хўжаликнинг ҳар қайси бўлимларига маҳсулот етиштириш плани ва меҳнат сарфлари миқдори натура ва пул шаклида белгиланади.

2) Планда белгиланган маблағлар сарфланиши мунтазам равишда текшириб борилади ва етиштирилган маҳсулот тўлиқ ҳисобга олинади. Бригада, звеноларда хўжалик ҳисобига асосланган планли топшириқни белгилашда экин майдонларини йириклаштириш, келгусида ихтисослаштиришни янада яхши йўлга қўйиш, бригадада етиштириладиган экинлар сонини иложи барича камайтириш, шу билан бирга йил давомида меҳнат ресурслари ва механизация воситаларидан мунтазам фойдаланишга эришиш керак.

Сабзавот-полиз экинлари ва картошка етиштиришга сарфланадиган меҳнат ва маблағлар қимматини белгилашда, меҳнат ва маблағ нормаларини тўғри аниқлашнинг аҳамияти муҳимдир, шунинг учун ҳам ҳар қайси экинни етиштиришда мукаммал ишлаб чиқилган, барча ишлар сифатли, ўз муддатида ўтказилиши кўрсатилган технология бўлиши керак. Ҳар йили бригада ва звеноларга хўжалик ҳисобидаги топшириқларни планлаштириш вақтида сабзавот экинлари етиштириш технологияси қайта кўриб чиқилиб, ишлаб чиқаришда эришилган илфор усул ва фан янгиликлари билан бирга, иш нормалари ҳам текширилиб, зарур бўлганда бу нормаларга тегишли ўзгаришлар киритилиши лозим.

Хўжалик ҳисобидаги топшириқларни планлаштириш ҳисоб-китоб тартибга солиниши ва маҳсулотларни арzonлаштириш назарда тутилиши керак. Бригада, звеноларнинг иш натижалари етиштирилган маҳсулотлардан қандай фойдаланилиши, маҳсулотнинг харид баҳоси, материал ва асбобларнинг қийматидан маҳсулотни сотиш ва бригада ҳамда звеноларни ишлаб чиқариш воситалари билан таъминлаш каби барча ишлар билан колхоз правлениеси ёки совхоз дирекцияси шуғулланади. Шунинг учун хўжалик ҳисобидаги бўлимларнинг соф даромади ялпи маҳсулот миқдорига, эртаги сабзавотларнинг сифати ва харид нархлари ошиши ҳисобига кўпайиши мумкин. Айни вақтда маҳсулот етиштиришга сарфланган меҳнат ва маблағларнинг камайиши ҳам соф даромад миқдорининг кўпайишига олиб келади. Ишчиларнинг иш натижалари ва эришилган иқтисодий кўрсаткичларига қараб моддий рағбатлантириш хўжалик ҳисобини тўғри ташкил қилишнинг асосий шартидир.

Етиштирилган ялпи маҳсулотга ёки бажарилган агротехник ишларга маош белгилашни доимо маҳсулот етиштириш планининг ортифи билан бажарилганлиги, сабзавот-полиз экинлари ва картошка ҳосилининг оширилганлиги, экинларни ўз вақтида ва сифатли парвариш қилиниши, маҳсулот сифатининг яхшиланиши ва маҳсулот етиштириш харажатларини камайтиришга эришилганлиги учун моддий рағбатлантириш билан боғлиқ ҳолда олиб борилиши керак.

Сабзавотчилик колхоз ва совхозларида моддий рағбатлантиришнинг бир неча хил усуллари мавжуд. Бунга мисол тариқасида Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалик ми-

нистрлигининг сабзавотчилик совхозларида ишчиларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш тўғрисидаги намунали низомини келтириш мумкин.

Ҳар қайси хўжалик ўз шароитига қараб низомга айрим ўзгаришлар киритади.

Меҳнатга гарантияланган ҳақ тўлашга ўтган колхозларда ҳақ тўлашнинг умумий тартиби совхозлардаги кабидир. Бироқ иш таърифи, разряди ва нархи колхозда эришилган меҳнат унумдорлиги даражасига қараб колхоз правлениесининг қарорига мувофиқ белгиланади.

Колхозларда пландан ортиқ етиштирилган маҳсулот учун қўшимча ҳақ тўлаш тартиби совхозлардагига нисбатан бошқачароқdir. Айрим колхозларда қўшимча маҳсулотга сарфланган маблағ белгиланган харажат лимитдан ошмаса, пландан ортиқча етиштирилган маҳсулот қимматининг 70% часи қўшимча ҳақ сифатида берилиши мумкин.

Пландан ортиқ етиштирилган маҳсулотга сарфланган маблағ, белгиланган лимитдан ошиб кетса, йил охирда етиштирилган маҳсулот учун харажатлар қайта ҳисоблаб чиқилиб улар олинган маҳсулот миқдорига мувофиқлаштирилади. Бир гектар ерга сабзавот-полиз экинлари ва картошка етиштиришга сарфланадиган харажатлар лимитини белгилашда илмий жиҳатдан асосланган ишлаб чиқариш нормаларини жорий этиш, яъни маблағ ва меҳнат, уруғ, ёқилғи материаллари ва ҳоказоларнинг сарф бўлиш нормасини тўғри аниқлашнинг аҳамияти мухимdir.

Меҳнат ва маблағ сарфлари нормативи тажриба муассасаларида, меҳнатни нормалаш эса, зонал норматив станцияларида аниқланади.

Хўжаликларда ишлаб чиқариш нормативлари илмий текшириш институтлари ва зонал норматив станцияларнинг тавсияларига асосланиб белгиланади.

Сабзавот-полиз экинлари ва картошка етиштиришга сарфланадиган меҳнат ва маблағлар лимитини аниқлашда меҳнат ва маблағларни тўғри сарфлаш нормасини тўғри аниқлашнинг аҳамияти катта. Шунинг учун ҳам ишлаб чиқаришда иш нормаларини муваффақиятли бажарилиши ҳар қайси экинни етиштириш технологияси ҳар томонлама пухта ишлаб чиқилишини, барча ишлар сифатли ва ўз муддатида бажарилишини талаб қиласди.

СОВХОЗ ИШЧИЛАРИНИНГ МЕҲНАТИГА ҲАҚ ТҮЛАШ

Деҳқончилик билан шуғулланувчи ишчилар меҳнатига ҳақ түлаш. Сабзавотчилик, боғдорчилик ва деҳқончиликнинг бошқа соҳаларидағи ишлар билан банд бўлган комплекс механизациялашган звенолар ва трактордалачилик бригадаларининг доимий ва мавсумий ишчи-

55- жадвал

Деҳқончиликда ишчиларнинг (7 соатлик иш) кунлик тариф ставкалари, сўм, тийин

(КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПС нинг 19 сентябрь 1959 йил II20—сонли қарори ҳамда Мехнат ва ҳақ тўлаш Давлат Комитетининг 20 ноябрь 1967 йил 5II/II—28—сонли қарорига асосан тасдиқланган)

	Р а з г я д л а р					
	I	II	III	IV	V	VI
1. От-улов ва қўл кучи билан бажа- раладиган ишларда ишбай	2—34, 4	2—34, 4	2—40, 2	2—46, 1	2—53, 9	2—81, 3
вақтбай асосида ишловчиларга . . .	2—34, 4	2—40, 2	2—46, I	2—53, 9	2—73, 3	3—09, 6
2. Тракторчи-ма- шинистларга: I группа тракторла- рида:						
вақтбай ишловчи- ларга	2—63, 7	2—73, 4	2—90	3—20	3—80	4—50
ишбай ишловчи- ларга	2—73, 4	2—80	3—20	3—60	4—20	5—00
Ремонт — механи- ка устахоналари иш- чиларининг бир со- атлик ишининг та- риф ставкалари, тийин:						
а) Оғир, иссиқ ва меҳнат шароити за- парли устахоналарда вақтбай ишловчи- ларга	35,8	37,2	39,3	45,1	52,5	61,0
ишбай ишловчи- ларга	38,7	39,5	45,1	51,8	60,2	70,0
б) Нормал иш ша- роитида: вақтбай ишловчи- ларга	34,4	35,8	37,2	38,9	45,2	52,0
ишбай ишловчиларга	35,8	37,2	39,3	45,1	52,5	61,0

ларига аккорд-мукофот тариқасида ҳақ тўланади, яъни етиштирилган маҳсулотларнинг миқдори ва сифатига қараб ҳақ тўланади.

Маҳсулот миқдори ва сифатига қараб ҳақ тўлаш учун маош тариф фонди — хўжалик, бригада, звено ёки айрим ишчининг маҳсулот етиштириш планига асосан, маҳсулот етиштиришда бажариладиган ишлар ҳажмига қараб иш нормаси, тариф ставкалари ва баҳолар (иш нормаси баҳоси) ёрдамида аниқланади. Қишлоқ хўжалигида баъзи сабабларга кўра экин технологиясига кирмаган ишларга ҳақ тўлаш имконини бериш учун маош тариф фонди яна 25% оширилади.

Бундан ташқари, бригаданинг йиллик маош тариф фондига бригадир, ҳисобчи, ошпаз, сув ташувчи, звено бошлиғининг раҳбарлиги учун қўшимча ҳақ ва тугалланмаган ишларга мўлжалланган маош киради.

Лекин тариф фондига қоровуллар умумий овқатла ниш ходимларининг маоши, тракторчи-машинистларга юқори класслиги учун қўшимча ҳақ муҳим қишлоқ хўжалик ишларини ўз вақтида, сифатли бажаргани учун бериладиган қўшимча ҳақ, мукофот, бригадир ва ҳисобчининг отпуска пули кирмайди.

Баъзан меҳнатга ҳақ тўлаш маҳсулот миқдорига қараб эмас, балки етиштирилган маҳсулот учун олинган пул даромадига қараб ҳам уюштирилади. Масалан бригада ва звено топширган ҳар 100 сўмлик маҳсулот учун маълум миқдорда иш ҳақи белгиланган. Агар хўжаликда олинган пул даромадига қараб ҳақ тўланса, маош тариф фонди етиштирилган маҳсулотнинг планли баҳоси промфинпланда кўрсатилган ўртача харид баҳолар асосида белгиланади.

Бригада ва звенода сабзавот-полиз экинлари ва картешкадан ташқари давлатга топшириш харид нархи белгиланмаган маҳсулотлар етиштирилган бўлса (пичан, силос, беда) шартли баҳолар билан озиқ бирлиги ҳисобида ёки сулини топшириш нархи бўйича баҳоланади.

Ҳосил етилгунча ва маҳсулот миқдори ҳисобланганича ишчиларга бериладиган маош қилинган меҳнат (ҳайдаш, экиш, экинлар парвариши, ҳосилни йиғишириб олиш ва бошқалар) ҳажмига қараб хўжаликда белгиланган бир кунлик тариф ставкасига ва иш нормаларига мувофиқ ишбай ёки ҳақиқий ишлаган вақтига қараб ҳақ тўланади.

Ҳосил йиғишириб олингандан кейин ишчиларга етиштирған маҳсулотларига ва ҳақиқий сарфланган маблағларига қараб қўшимча ҳақ тўланади, яъни йил давомида ишбай баҳолар ва тариф ставкалар бўйича берилган иш ҳақининг фарқи тўланади.

Юқорида кўрсатилган иш ҳақи бригада ёки звенога қишлоқ хўжалик маҳсулотларини йиғишириб хўжаликка топширганидан кейин берилади. Бунда етиштирилган маҳсулот ҳақиқий харид нархлари бўйича баҳоланади. Етиштирилган маҳсулот учун бригада ёки звено аъзоларига тўланадиган қўшимча ҳақ уларнинг йил бўйи тариф ставкалари бўйича олган иш ҳақига қараб тақсимланади.

Деҳқончиликдаги айрим ишларга, совхоз ишлаб чиқаришининг бошқа соҳасидаги (чорвачилик, қурилиш, ремонт устахоналари, автотранспорт) доимий ёки мавсумий ишчилар жалб қилинса, уларга ҳам етиштирған маҳсулот юзасидан қўшимча ҳақ ишчилар ишлаган бригада ёки звенога тегишли ҳақдан берилади. Четдан жалб қилинган ишчилар фақат шу бригада ва звенода бажарған ишларига тўланган иш ҳақи миқдорига қараб қўшимча ҳақ тақсимланади ва деҳқончилик ишларига жалб қилинган даврда бу ишчилар ўзларининг асосий иш жойларидан иш ҳақи олмаган тақдирдагина етиштирилган маҳсулотларига қараб қўшимча ҳақ оладилар.

Маҳсулот етиштирилмайдиган қишлоқ хўжалиги соҳаларида, масалан, кўп йиллик экинларни экиш учун ерни тайёрлаш, дарахт ўтқазиш ва уларни парвариш қурилиш, шунингдек, хўжалик ишларида вақтингча ишлаган ишчиларга бажарған ишлари миқдорига қараб вақтбай асосида тасдиқланган тариф ставкасига ёки ҳақиқий ишлаган иш кунларига қараб иш ҳақи тўланади. Бу ишчиларга бригада ва звено етиштирған маҳсулоти, шунингдек, ҳосилдорлик планини оптифи билан бажаргани учун қўшимча ҳақ ва маҳсулот етиштиришда меҳнатни сарфлагани учун мукофотлар берилмайди. Мана шу тоифадаги ишчилар фақат иш нормасини оптифи билан ва сифатли бажарганликлари учун мукофотланадилар.

Тракторчи-машинистларга етиштирған маҳсулотларига қараб ҳақ тўлангунича, улар меҳнатига, бажарған ишларига қараб ишбай асосида тариф ставкалари бўйича ҳақ тўланади, бунда белгиланган иш нормаси бажарилиши эътиборга олинади. Кунбай асосида ҳақ тўланадиган бўлса, кунбайчиларнинг ҳақиқий кунлик тариф

ставкасига қараб ишлаган вақтига, нарядсиз ишлайди-
ган бригада ва звеноларда, белгиланган ойлик став-
касига қараб ҳақ тұланади.

Техник билим юртларини ёки курсларни янги битир-
ган тракторчи-машинистларга дастлабки 6 ой давомида
мустақил ишлаётган даврда иш нормалари күпі билан
40%, кейинги 3 ойда эса күпі билан 20% камайтирилади.

Тракторчи-машинистларнинг бажарған иши ёки
ишлаган вақтида бериладиган маошига класси учун I
клас тракторчи-машинистга — 20%, II клас тракторчи-
машинистга 10% қўшимча ҳақ тұланади.

Тракторчи-машинистларга класси учун қўшимча ҳақ
юқорида келтирилган тракторчи-машинистларнинг ба-
жарған ишларига тұланадиган тариф ставкалар бўйи-
ча берилади.

Трактор ва қишлоқ хўжалик машиналари ремонт
қилинган вақтда, тракторчи-машинистлар бажарған
ишига қараб ремонт устахонаси ишчиларига ишбай асо-
сида тұланадиган тариф ставкалари бўйича меҳнатига
ҳақ берилади.

Шу мақсадда ҳар бир тракторчи-машинистнинг унво-
ни ҳамда малакасига мувофиқ ремонт ишчисининг раз-
ряди белгиланади.

Тракторчи-машинистлар йилига бир марта дала иш-
лари тугагандан кейин трактор ва қишлоқ хўжалик ма-
шиналарини яхши сақлаганликлари ва ундан унумли
фойдаланғанликлари учун ремонт қилишга мўлжаллан-
ган маблағдан тежаб қолинган сумманинг 40% и миқдо-
рида мукофот оладилар.

Янги трактор ва машиналардан фойдаланишда даст-
лабки 2 йил ичида юқоридаги мукофотнинг фақат ярми
берилади.

Бундан ташқари, тракторчи-машинистлар шу хўжа-
ликда узлуксиз ишлаганликлари ҳамда иш стажлари
учун ҳам йиллик маошга қараб қуийдаги миқдорда қў-
шимча ҳақ оладилар.

Бир хўжаликда узлуксиз (область ва районларда)
ишлаганликлари учун:

3 йилдан 5 йилгача — 6%,

5 йилдан 10 йилгача — 8%,

10 йилдан 15 йилгача — 10%,

10 йил ва ундан ортиқ бўлса — 15%.

Кўрсатилган қўшимча ҳақ йилига бир марта берилади.

ЭКИНЛАР ПАРВАРИШИ, ҲОСИЛНИ ЙИФИБ-ТЕРИБ ОЛИШ ВА ЕМ-ХАШАҚ ТАЙЕРЛАШ УЧУН ТҮЛАНАДИГАН ҚҰШИМЧА ҲАҚ

Донли экинлар (шу жумладан шоли), маккажұхори, картошка, сабзавот ва бошқа экинларни етиштириш би-лан банд бўлган ишчиларга ишни ўз муддатида сифатли бажарғанликлари учун бир ойлик маошдан оширмаслик шарти билан қатор оралари ишланадиган экинларни яхши парвариш қылғанлари учун бир ярим ойлик маош ҳисобидан қўшимча ҳақ белгиланди.

Қўшимча ҳақ ҳар қайси иш тугаганидан кейин орадан 15 кундан кечикмай берилади. Бунинг учун дастлаб қилинган ишга акт тузилиб, актга ишлаб чиқариш бўйича директор ўринбосари, бosh агроном, маҳаллий ишчилар комитети раиси қўл қўйиши лозим.

Мукофотлаш

Бригада ҳамда звено аъзолари ва алоҳида ишчиларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш мақсадида уларга қишлоқ хўжалик маҳсулотларини мўл-кўл етиштириш, унинг таннархини камайтириш юзасидан қўйида-ги мукофотлар берилади:

а) Бригада, звено ва алоҳида ишчилар ялпи маҳсулот етиштириш планини ортиғи билан бажарғанликлари учун пландан ортиқча етиштирилган маҳсулот харид ҳосининг 50% и миқдорида, маккажұхори етиштиришда эса пландан ташқари етиштирилган маҳсулотнинг 50% и миқдорида мукофот берилади.

б) Планга нисбатан маҳсулот етиштиришга сарфлана-диган маблағлар тежалгандა ёки маҳсулот таннархи пасайтирилганда иқтисод қилинган пулдан 25% и мукофот сифатида бригада ва звенолардаги ишчилар ўрта-сида олган маошларига қараб пропорционал равища-тақсимланади.

Мукофот ҳар бир ишчига иш ҳақи фонди ҳисобидан берилади ва мукофот миқдори беш ойлик маошдан ош-маслиги керак.

Мукофот бериш учун фақат бухгалтерия ҳисботи асос бўла олади.

Ишчиларга мукофот бригадирнинг тавсиясига биноан берилади ва уни совхоз директори тасдиқлайди.

Ишчиларга мукофот бериладиган ҳар бир участкада ишни бажарғанлиги ҳақида күрсаткичлар бўлиб, бу кўрсаткичлар мукофот олиш ҳуқуқини беради.

Экин сифатсиз экилганлиги ва бошқа ишларда йўл қўйилган камчиликлар учун алоҳида ишчилар мукофотдан бутунлай ёки қисман маҳрум қилиниши мумкин. Прогул қилган шахслар, прогул қилган ойининг мукофотидан маҳрум қилинадилар.

Бригада ва звенода қишлоқ хўжалик маҳсулотлари йиғиб-териб олиб хўжаликка топширилгунича ишдан бўшаб кетган ишчиларга мукофот берилмайди (Совет Армиясига чақирилганлар, бошқа ишга рухсат билан ўтганлар, ўқув юртига кирганлар, пенсияга чиққанлар ва бошқа сабабларга биноан ишдан бўшаганлар бундан мустасно).

Бригадирларга ҳақ тўлаш

Бригадирларга ҳам ишчиларга белгиланган тартибда, яъни етиштирган маҳсулот миқдори бирлиги ёки унинг баҳосига қараб тариф ставкалар ва баҳолар бўйича ҳақ тўланади. Фақат бригадирларга ҳақ тракторчи-машинистларнинг 3—5 разрядли вақтбай кунлиқ тариф ставкаси бўйича тўланиб келгусида етиштирган маҳсулот миқдори ва пландан ортиқ етиштирилган маҳсулот миқдорига қараб қўшимча ҳақ ва мукофот берилади.

Бригадирга тўланадиган иш ҳақининг разряди бригада етиштирган маҳсулотни сотишдан олинган пул миқдорига қараб қўйидагича белгиланади.

56- жадвал

Сабзавот-полиз экинлари ва картошка маҳсулотини ҳамда мана шу экинлар уругини етиштиришда бригадирларнинг иш ҳақи разрядлари

Бригада бўйича ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш—молия планида кўрсатилган нархи (минг сўм ҳисобида)	Тариф разряди бўйича ҳақ тўланади
15 гача	3
15,1 дан 26 гача	4
26,1 дан 35 гача	5
35 дан ортиқ	6
Софим сигирлар подасини парвариш қилишда минг сўм ҳисобида ялпи маҳсулот етиштирилганда	
41,0 дан 56,0 гача	3
57,0 дан 71,0 гача	4
72,0 дан 97,0 гача	5
97,0 дан ортиқ	6

Экишни ташкил қилиш ва сабзавот экиш. Экиш машиналари ўз вақтида экишга тайёрлаб қўйилиши, уруғ ва кўчатлар мунтазам келтирилиши ҳамда улар билан экиш машиналари тўлдириладиган (заправка) жойлар аниқланishi керак.

Уруғлар ва кўчатлар миқдори агрегатнинг бир кунлик иш унумига тенг бўлиши керак.

Одатда бункердаги (яшикдаги) уруғларнинг ҳаммаси экиш вақтида бутунлай экилмасдан, бир қисми бункерда қолади, бунинг натижасида уруғлар бир текисда турроққа тушмайди. Шунинг учун бункерда уруғнинг 10—15% и қолганида, яна уруғ солиб бункер тўлдирилади.

Экиш машиналари даланинг бир томонига келганида унга уруғ тўлдирилади, бунинг учун йўлнинг узунлигини аниқлашнинг аҳамияти муҳимдир. Йўлнинг узунлиги(\bar{Y}_y) қўйидаги формула бўйича аниқланади:

$$\bar{Y}_y = \frac{Y_0 \times 0,9 \times 10\,000}{Y_{\text{ен}} \times E_k}$$

Y_0 —машина бункерида (яшигидаги) уруғнинг оғирлиги,
 $Y_{\text{ен}}$ —уруғ экиш нормаси, гектарига килограмм,

E_k —агрегатнинг уруғ экиш қенглиги, м.

Чопик қилинадиган экинларни экишда экин қатор оралари маълум масофада бўлишига ва экин бир текис тўғри жойлашишига алоҳида аҳамият берилиши лозим.

Агрегат биринчи марта нишон қозиқлар бўйлаб, кейинчалик эса олинган нишонлар бўйича юради.

Кўчат экишда юқоридаги иш тўхтовсиз бажарилиши ва ер тез-тез сугориб турилиши керак. Кўчатлар қўлда ва машинада экилади.

Кўчатлар қўлда экилганида дастлаб эгат олинади, сўнгра эгатлар сугорилади, шундан кейин кўчатлар эрталаб ёки кечқурун экилади. Кўчатларни кун салқин вақтида ҳамда ҳаво булут пайтларда кундузи ҳам экиш мумкин.

Кўчатлар машинада экилганида агрегат, кўчат ва сув олинадиган жойлар олдиндан белгилаб қўйилади. Кўчат экилиши биланоқ сугорилиши керак, чунки кўчатларнинг тутиши асосан сугоришга боғлиқдир.

Ўғитлашни ташкил қилиш

Ўғитлашда бир неча усул қўлланилади: ўсимликлар ўсуви даврида эгат қатор ораларига ўғит сепилади ва

органик ҳамда минерал ўғитлар ёппасига сепилади. Бунинг учун тракторга тиркалайдиган махсус ўғитлагич машиналардан фойдаланилади. Бунда ўғитлаш нормасига эътибор бериш зарур.

Ўғитлагич машиналарни маълум миқдорда органик ўғит сепишга созлаш қўйидаги формула билан аниқланади:

$$\ddot{Y}_n = \frac{\Gamma_0 \times 10000}{M};$$

бунда:

\ddot{Y}_n — ўғитлаш нормаси, гектарига т,

Γ_0 — ўғитлагич машина кузовидаги гўнгнинг огирилиги, т

M — гўнг сочилик майдон, m^2

Кукунсимон ва донадор минерал ўғитларни солиш учун ўғитлагич машиналарни белгиланган нормага созлашдаги формуладан фойдаланилади:

$$H_a = \frac{\ddot{Y}_n \times F_{uz} \times K_k \text{ кенглиги} \times A_c}{\ddot{Y}_{ac} \times 10000}$$

бунда: H_a — битта ўғит сепувчи агрегатнинг ҳаракатга келтирувчи фиддираги маълум миқдорда айланганда сепиладиган минерал ўғит миқдори, кг.

\ddot{Y}_n — ўғитлаш нормаси, гектарига кг.

F_{uz} — ҳаракатга келтирувчи фиддирак гардишининг узунлиги, м.

K_k — культиватор ўғитлагичнинг қамраш кенглиги, м.

A_c — ҳаракатга келтирувчи фиддиракнинг айланган сони.

\ddot{Y}_{ac} — культиваторда ўғит сепувчи аппаратлар сони.

Ўғитлагичнинг нормал ишлаши учун зарур миқдордаги ўғит ўз вақтида ташиб келтирилиши керак. Шунинг билан бирга минерал ўғитларни нобуд қилмай ўз вақтида ерга солиш учун тайёрлаб қўйишнинг аҳамияти муҳимдир. Ерни ўғитлашдан олдин ўғит майдаланиши, элакдан ўтказилиши, аралаштирилиши каби ишлар омборнинг ўзидаёт ўтказилиши мақсадга мувофиқдир.

Экинлар қатор оралари вақтида ўғитланади.

Экин қатор ораларини ишлаш группа методи бўйича турлича: (ҳамма звено ва бригада билан) ҳар бир ишчига алоҳида кунлик топшириқ бериш; участкани бутун иш даврида звенога биркитиб қўйиш; ишчиларга алоҳида қаторларни биркитиб қўйиш йўли билан ўтказилади.

Сабзавотчиликда экинларни парваришишдаги ме-

ханизация ишларини уюштириш деңқончиликдагидек ба-
жирилади.

**Сабзавот әкинлари ҳосилини йиғиб-териб олиш иш-
ларини ташкил қилиш.**

Ҳосилни йиғиб-териб олиш энг мاشаққатли ва ҳо-
зирча кам механизациялашган ишdir.

Ҳосил бирин-кетин ёки ёппасига йиғишириб оли-
нади. Ҳар иккала усул құлланилғанда ҳам зарур асбоб-
ускуналар олдиндан тайёрлаб қўйилиши ва маҳсулотни
даладан жўнатишга катта эътибор берилиши лозим.

Жўнатишдан олдин маҳсулот далада хилларга ажра-
тилганида, уни жўнатишдаги нобудгарчиллик 20—22% га
камаяди ва маҳсулотнинг сифати яхшиланади, бунинг
натижасида маҳсулотни тарқатиш муваффақиятли ўтади.

Ҳосилни йиғишириб олишда ишчиларга иш әкин қа-
тор ораларини ишлашдагидек тақсимланади.

МАҲСУЛОТЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ ВА ТАРҚАТИШ ТАРТИБИ

Сабзавот-полиз әкинлари ҳамда картошка ва бошқа
маҳсулотлар давлатга контрактация шартномасига асо-
сан топширилади ёки сотилади. Контрактация шартно-
масини тузиш ва бажариш тўғрисидаги умумий маса-
лалар СССР Министрлар Советининг Давлат тайёрлаш
комитети томонидан тасдиқланган маҳсус низомида кўр-
сатилган.

Картошка сабзавот-полиз әкинлари контрактация
шартномаси йилига ёки 5 йилда бир марта аммо ҳар
йили тузатишлар киритиш йўли билан тузилади.

Контрактация шартномасида сотиладиган маҳсулот-
нинг миқдори, сабзавот-полиз әкинларининг ассортимен-
ти, маҳсулотни кварталлар бўйича топшириш муддати,
маҳсулотни келтириш усули, кимнинг транспортида, қан-
дай идишлардалиги кўрсатилади. Бундан ташқари план-
дан ортиқча етиштирилган маҳсулотни тарқатиш шарт-
лари ҳам ўзаро келишиб олинади. Топширилаётган
сабзавотларнинг сифати ГОСТ ёки РТУ стандартига мос
келиши керак.

Маҳсулотлар тайёрлов пунктларига графикда кўрса-
тилган муддатларда келтирилиши зарур. Хўжалик сабза-
вот маҳсулотларини барвақт етиштирган бўлса, шарт-
номада белгиланган муддатдан эртароқ тайёрлов пунк-

тига топшириши мумкин. Бундай ҳолда ҳар икки томон келишиб олади ва барвақт топширилган маҳсулот келгусида топшириладиган маҳсулот ҳисобига ўтади.

Тайёрлов пункtlари шартнома тузилганидан кейин топшириладиган сабзавот маҳсулотлари эвазига улар нархининг 30—40% ини аванс тариқасида давлат банки орқали, икки муддатда: биринчи марта йил бошида шартнома тузилганидан кейин, иккинчи марта сабзавот, полиз экинлари ва картошка экиб бўлинганидан кейин хўжаликка берадилар.

Тайёрловчилар қуйидаги ишларни амалга оширишга мажбурдирлар.

1. Хўжаликларни топширган ва қабул қилган маҳсулотлари учун ҳисоб-китоб қилиш тўғрисидаги қоида ва стандарт ва техник шарт-шароит қўлланмалари билан таъминлаш.

2. Хўжаликларни зарур яшик-идишлар билан ўз вақтида таъминлаш.

3. Муддатида келтирилган маҳсулотларни сўзсиз қабул қилиш ва унинг қимматини тўлаш (кира ҳақи ҳам шунга киради).

4. Маҳсулот топшириш, қабул қилиш тўғрисидаги ҳужжатлар расмийлаштирилганидан кейин беш кундан кечикмай ҳисоб-китоб қилиш.

5. Шартномага мувофиқ, графикда кўрсатилган муддатда келтирилган маҳсулотни қабул қилишдан бош тортилганида, тайёрловчи хўжаликка қабул қилиб олима-ган маҳсулот қимматининг 3% и миқдорида жарима тўлаш.

6. Тайёрлов ташкилоти хўжаликка идишларни ўз вақтида етказиб бермаганлиги учун шартномада кўрсатилган, лекин етказиб бериilmagan идишлар қимматининг 50% и миқдорида штраф тўлаш.

7. Тайёрлов ташкилотлари маҳсулот қимматига но-тўғри ҳақ тўлаганларида, тўланмай қолган суммани хўжалик банк орқали ундириб олади, бунда унга йиллик сумманинг 5% и жарима тариқасида қўшиб ҳисобланади.

Хўжаликларнинг сабзавот-полиз экинлари ва картошка тарқатиш соҳасидаги мажбуриятлари:

1. Планда кўрсатилганидек, ассортимент бўйича белгилangan муддатда жорий этилган нархда, сифатли тайёрланган маҳсулотларни сотиш.

Сабзавот-полиз экинлари ва картошка майдони (барча категориядаги хўжаликларда, минг гектар)

Областлар	Сабзавотлар				Полиз экинлари				Картошка			
	1913 й.	1950 й.	1960 й.	1970 й.	1913 й.	1950 й.	1960 й.	1970 й.	1913 й.	1950 й.	1960 й.	1970 й.
Тошкент	—	10,3	10,8	15,6	—	5,9	6,0	5,1	—	9,7	10,6	7,0
Сирдарё	—	0,9	1,5	4,9	—	1,8	4,1	2,4	—	0,6	1,1	1,1
Фарғона	—	2,7	4,7	4,2	—	3,5	4,2	3,2	—	1,6	3,1	1,8
Наманган	—	—	—	3,67	—	—	—	2,2	—	—	—	1,1
Андижон	—	2,5	6,1	4,73	—	3,9	5,5	3,6	—	1,2	3,8	0,8
Самарқанд	—	3,0	5,4	7,61	—	2,1	6,7	5,5	—	2,6	4,3	4,7
Бухоро	—	0,6	2,7	3,06	—	1,0	3,2	3,0	—	—	—	0,7
Қашқадарё	—	0,9	3,4	2,83	—	1,1	4,6	5,3	—	0,1	1,0	0,6
Сурхондарё	—	0,4	1,7	2,65	—	1,0	2,9	2,55	—	0,1	1,4	0,8
Хоразм	—	0,3	1,2	1,59	—	1,2	3,1	3,70	—	0,2	0,6	0,3
Қорақалпоғистон АССР	—	0,7	1,2	2,02	—	1,9	2,7	2,8	—	0,4	2,0	1,9
Ўзбекистон ССР бўйича жами:	16,1	22,3	38,7	52,9	19,7	23,4	43,0	45,5	6,6	16,5	28,6	20,2
шу жумладан:												
колхозларда	—	16,6	19,3	24,0	—	17,2	24,3	16,3	—	10,5	12,7	4,3
совхозларда	—	2,5	6,6	11,7	—	2,6	9,7	12,6	—	2,8	8,8	5,8

Ўзбекистонда етиштирилган ялпи сабзавот, полиз экинлари ва картошка ҳосили (барча категориядаги
хўжаликларда, минг тонна)

Областлар	Сабзавотлар						Полиз экинлари						Картошка			
	1913 й	1955 й	1960 й	1970 й	1913 й	1955 й	1960 й	1970 й	1913 й	1955 й	1960 й	1970 й	1913 й	1955 й	1960 й	1970 й
Ўзбекистон ССР	129,0	216,2	383,7	792,5	183,1	238,8	270,0	590,5	46,2	123,1	165,0	184,5				
Тошкент	—	86,2	135,2	257,7	—	83,0	71,2	77,4	—	56,9	66,0	68,0				
Сирдарё	—	11,6	19,3	52,4	—	31,9	31,9	285,6	—	7,6	4,7	9,4				
Фарғона	—	25,6	43,5	77,9	—	16,5	16,4	15,7	—	13,3	29,7	20,2				
Наманган	—	—	—	52,5	—	—	—	—	17,3	—	—	8,7				
Андижон	—	39,5	51,6	79,2	—	38,0	31,2	29,4	—	12,7	16,8	6,3				
Самарқанд	—	32,2	65,1	128,1	—	19,3	24,0	33,6	—	—	22,0	20,8	41,3			
Бухоро	—	8,8	24,3	32,7	—	13,6	18,2	22,1	—	—	1,8	3,6	0,9			
Қашқадарё	—	4,4	17,7	34,3	—	6,3	20,4	21,9	—	—	1,3	3,2	3,8			
Сурхондарё	—	3,9	13,6	35,4	—	14,9	30,7	45,1	—	—	2,2	4,8	6,4			
Хоразм	—	1,4	6,5	13,7	—	7,7	13,9	15,5	—	—	1,0	2,9	3,0			
Қоракалпогистон АССР	—	2,6	6,9	28,6	—	7,6	12,1	26,9	—	—	4,3	12,5	16,5			

Сабзавот-полиз экинлари ва картошка ҳосилдорлиги (барча категориядаги хўжаликларда, гектаридан центнер)

Областлар	Сабзавотлар			Полиз экинлари			Картошка		
	1955 й.	1960 й.	1970 й.	1955 й.	1960 й.	1970 й.	1955 й.	1960 й.	1970 й.
Ўзбекистон ССР	81	96	145	60	62	123	44	57	83
Тошкент	81	125	153	114	122	143	44	63	87
Сирдарё	106	111	103	76	79	296	52	40	69
Фарғона	82	81	184	39	41	8	44	91	107
Наманган	—	—	154			81			73
Андижон	87	84	167	65	57	77	45	44	83
Самарқанд	95	119	161	31	35	57	56	47	81
Бухоро	111	76	107	74	54	74	27	42	85
Қашқадарё	37	53	113	23	44	35	21	34	57
Сурхондарё	56	77	129	57	106	159	27	34	70
Хоразм	33	53	88	41	46	58	21	41	86
ҚҚАССР	32	57	138	38	46	93	31	64	86

2. Топшириладиган маҳсулотларни ўз кучлари билан етиширилган жойида хиллаш, яшикларга жойлаш.

3. Тайёрлов пунктларига маҳсулотни ўз транспортлари ёки четдан ёлланган транспортда элтиб бериш ёки хўжаликдаги тайёрловчига маҳсулотни бевосита етиширилган ерида топшириш.

4. Маҳсулотни машинага ортиш ва бўшатилган идишларни хўжаликка маҳсулот тайёрловчи ҳисобига келтириш.

5. Идишлар сақланиши ва қайтариб берилмаган идишларнинг қиммати тўлиқ тўланиши.

6. Хўжаликда маҳсус шартномага мувофиқ сабзавот, полиз экинлари маҳсулотини ва картошкани ўз омборларида сақлаб, келгусида тайёрлов пунктларига келтириб бериш;

7. Маҳсулотни кечикиб топширгани учун 10 кун давомида ҳар куни топширилмаган маҳсулот қимматининг

0,1 % и миқдоридә штраф түлайды. 10 күндан кейин эса бунинг устига 2% миқдорида яна жарима — штраф түлаши.

8. Табий оғат натижасида ҳамда тайёрловчиларнинг айби билан шартнома бажарилмай қолганида, хўжалик шартнома мажбуриятларини бажармаганлиги тўғрисидаги жавобгарликдан озод бўлади.

САБЗАВОТЧИЛИКДА ИШЛАР ҚАЛЕНДАРИ

Декабрда парник ва теплицаларда хўжалик асбоблари (парник кесакилари, ромлар, лейкалар, челяклар, хаскаш, паншаха ва бошқалар) ремонт қилинади. Парник учун гўнг ва чиринди тайёрланади. Янги парниклар учун чуқурлар қазилади. Эртаги карам уруфини сепиш учун парниклар чириндилардан тозаланади, парник кесакилари ўрнатилади, парник чуқурларига гўнг ва тупроқ солинади. Парникка эртаги карам ва гул карам уруғлари сепилади.

Парник асбоб-ускуналари ва теплицалар дезинфекция қилинади. Қамиш тайёрланади, бордон тўқилади. Кўчат етиширилайдиган теплицаларга бодринг ва помидор уруғлари сепилади. Теплицадаги қишки экинлар (помидор, бодринг) парвариш қилинади.

Далаларда. Гўнг ва бошқа маҳаллий ўғитлар тайёрланади ҳамда улар сақланадиган жойга ташиб қўйилади. Келгуси йили экиладиган уруғлар сотиб олинади. Хўжаликнинг ўзида тайёрланган ва эртаги қилиб экишга мўлжалланган уруғларнинг экишга яроқлилигини аниқлаш мақсадида улар анализ қилиб текшириб кўрилади.

Картошка ва илдизмевали экинлар сақланадиган чуқурлар текшириб турилади. Омборларда сақланадиган картошка бош карам ва илдизмевали экинларнинг температураси ва умумий ҳолати кузатиб борилади.

Эртаги сабзавотлар учун гўнг-чириндили тувакчалар тайёрланади.

Январда парник ва теплицаларда гўнг тайёрланади, парник асбоб-ускуналарини ремонт қилиш давом эттирилади. Чуқурлар етишмайдиган ва парник хўжалиги янги ташкил қилинаётган колхоз ёки совхозларда чуқур қазиш давом эттирилади.

Эски парниклар чириндилардан тозаланади, парникка кесакилар ўрнатилади, парниклар гўнг ва парник тупроғи билан тўлдирилади. Парникка эртаги карам

уруғлари 15 январгача сепилади. Теплицалардаги бодринг ва помидор әкинлари ўз вақтида парвариш қилиб турилади.

Әртаги карам күчатлари пикировка қилинади. Парник атрофидаги майдонларга әкиладиган күчатлар гүнгчириндили тувакчаларга пикировка қилинади. Биологик усулда илитиладиган ва күчат ўстириладиган теплицаларга помидор ва бодринг уруғлари әкилади, парниклар учун гүнгчириндили тувакчалар тайёрланади.

Далада маҳаллий ўғит тайёрланади, минерал ўғитлар сотиб олинади ва омборларга ташиб келтирилади. Қишлоқ хўжалик машиналари ва асбоб-ускуналари ремонт қилинади. Майда суғориш шохобчалари ва зовурлар тозаланади. Траншея (ўраларда) ва омборларда картошка, илдизмевали әкинлар ва бошқа сабзавотлар ҳолати кузатиб борилади. Уруғ тайёрлаш ишлари тугатилиб уларнинг экишга яроқлилиги лабораторияда текширилади. Помидор уруғлари вирус касалликларига қарши карантин инспекцияси пунктларида дорилаб, зарарсизлантирилади.

Февралда парник ва теплицалар помидор, бақалажон, қалампир уруғлари сепишга тайёрланади, уруғлар сепилади.

Парниклардаги карам күчатлари парвариш қилинади, суғорилади, шамоллатилади, озиқлантирилади. Күчат ўстириладиган парниклар сабзавот экиш ва күчатларни пикировка қилиш учун тайёрлаб қўйилади.

Бодринг ва помидор күчатлари ниҳол пикировка қилинадиган теплицадан ҳосил етишириладиган бошқа теплицага кўчирилади.

Тувакчадаги бодринг, бошкарам ва гул карам күчатлари парник ҳамда күчатзорларга әкилади.

Парникка редиска, укроп, кашнич, шчавель әкилади. Теплицаларга әкилган бодринг ва помидор күчатлари мунтазам парвариш қилиб турилади.

Парниклар ўртаги карам уруғи сепишга тайёрланади.

Далада. Суғориш шохобчалари ва каналларни тозалаш иши тугалланади.

Маҳаллий ўғит ва гүнг тайёрланади ҳамда улар далаға ташилади. Пиёз сепила бошлайди, сабзи сепишга тайёргарик кўриш, карам экиш (ер текислаш, маркёр солиш ва бошқалар). Икки йиллик әкинлар уруғларини

ұтқазишга тайёрлаш: хиллаш, уруғлуктарни танлаб олиш, далани тайёрлаш. Далага редиска ва бошқа резавор әкинлар уруғини (об-ҳаво шароитига қараб) сепиш.

Мартда парник ва теплицаларда помидор, қалампир, бақлажон күчатлари пикровка қилиш учун парниклар чириндили тупроқлар билан тұлдирилади. Эртаги помидор күчатлари тувакларга пикровка қилинади. Кечки помидор, бақлажон ва қалампир уруғлари мартнинг биринчи ўн кунида сепиб тугалланади. Ўртаги карам уруғи парника сепилади. Эртаги карам күчатлари танлаб олиб әкілади.

Парник ва теплицалардаги редиска ва турли күкатлар йиғишириб олинади. Парниклардаги күчатлар, теплицалардаги әкинлар парвариши қилинади: шамоллатилади, сугорилади, озиқлантирилади ва бодринг әкини чилпилади. Бодринг ҳосили йиғишириб олинади, помидор чопиқ қилинади.

Бодринг, қовун уруғларини тувакка әкиш тамомлана-ди. Парник атрофидаги участкага әкіладыган помидор күчатлари пикровка қилинади. Тувакдаги карам күчатлари далага ўтқазилади.

Далада шудгор бороналанади. Эртаги сабзавот: сабзи, лавлаги, пиёз, редиска, күк нұхат уруғлари сепилади.

Эртаги бошқарам ва гул карам күчатлари әкілади. Эртаги картошка, уруғлик пиёз, сабзи, лавлаги ва карам әкілади. Гүңг ва минерал ўғитлар тайёрланади. Кечки-әкин уруғлари әкишга таxт қилиб қўйилади, уларнинг әкишга яроқлилиги текширилади.

Помидор ва эртаги карам уруғлари күчатзорларга сепилади. Кузда әкілган уруғлик карам ва пиёз культивация қилинади, чуқур қилиб юмшатилади, биринчи марта озиқлантирилади.

Кузда сепилган пиёз ўтоқ қилинади, яганаланади, қатор оралари юмшатилади, культивация қилинади, минерал ўғитлар билан озиқлантирилади.

Апрелда парник ва теплицаларда далага әкиш учун помидор, қалампир, бақлажон күчатлари танланади. Күчатлари йиғишириб олинган парниклар дорилаб ўрнига помидор, қалампир, бақлажон, бодринг, қовоқ ва бошқа әкинлар әкілади.

Бошқарам ва гул карам ҳосили танлаб узилади. Редиска ва турли күкатлар: барра пиёз, шчавель, укроп, кашнич йиғишириб олинади.

Теплицалардаги бодринг, редиска ва турли күкатлар узилади, суфорилади, бодрингнинг бачки новдалари олиб ташланади, туплари бойланади, помидор ва бодринг қўшимча озиқлантирилади.

Далада помидор, бақлажон, қалампир, полиз экинларини экишдан олдин тупроқ чизелланади, тупроқ зичлашиб, бегона ўтлар пайдо бўлганида бороналанади.

Помидор ва полиз экинларини экиш учун эгат олинади. Помидор, қалампир, бақлажон кўчатлари ўтқазилиади.

Полиз экинлари, эртаги бодринг уруғи, ўртаги карам кўчати экилади.

Картошка ҳамда эртаги карам культивация қилиниб биринчи марта чопилади.

Уруғлик пиёз, сабзи, лавлаги ва карам экилади. Қвадрат уялаб экилган ерлардаги экин узунасига ҳамда кўндалангига культивация қилинади. Эртаги сабзи ва лавлаги биринчи марта ўталади ва яганаланади. Баҳорда сепилган пиёз иккинчи марта ўтоқ қилинади ва сийраклантирилади.

Эртаги пиёз, сабзи ва лавлаги трактор ёки от культиваторида культивация қилинади. Кузда ва баҳорда сепилган пиёз, эртаги сабзи, лавлаги, карам, картошка, уруғлик пиёз, сабзи, лавлаги ва карам экинлари биринчи ва иккинчи марта суфорилади. Помидор, қалампир, бақлажон, полиз экинлари экиладиган майдон суфорилади.

Баҳорда сепилган пиёз, сабзи ва лавлаги экинлари ҳамда барча икки йиллик уруғлик сабзавотлар биринчи марта озиқлантирилади.

Уруғи далага сепилган помидор ўтоқ қилинади ва яганаланади.

Май ойида парник ва теплицалардаги помидор, қалампир, бақлажон, кўчатлари ҳамда бошқа экинлар кўчатдан бўшаган парникларга экилади.

Илгари шу экинлар билан банд бўлган парниклар чопик қилинади, суфорилади, фосфорли ўғитлар билан ўғитланади.

Парникларда ўстирилган эртаги бошкарам ва гул карам ҳамда кўкат экинлар ҳосилини йифиштириб олиш тугалланади.

Теплицаларда бодринг узиш давом этади, суфориш кучайтирилади. Парник атрофидаги участкаларда етиштирилган бошкарам ва гул карам ҳосили узилади.

Теплицаларда ёппасига помидор узила бошлайди.

Теплицадаги экинлар минерал ва суюқ органик ўғитлар билан озиқлантирилади, бегона ўтларга, зааркунанда ва касалликларга қарши курашилади.

Далада майнинг биринчи ўн кунлигига помидор, бақлажон ва қалампир кўчатларини экиш давом этади. 15 майгача қовун, тарвуз, бодринг уруғлари экилади. Майнинг иккинчи ярмида кечки картошка экилади.

Кечки карам экишга ер тайёрланади. Уруғлар бевосита далага сепилади, бунинг учун сугориш эгатларин олинади.

Кўчатзорларга карам уруғи сепилади. Эртаги картошка ва карам иккинчи марта чопиқ қилинади, сабзи ҳамда лавлаги культивация қилинади. Бу экинлар органик ҳамда минерал ўғитлар билан иккинчи марта озиқлантирилади. Иккинчи ва учинчи марта культивация қилинади, эртаги сабзавотлар учинчи, тўртинчи, бешинчи, баъзизда олтинчи марта сугорилади.

Эртаги сабзи ва лавлаги иккинчи, охирги марта сийраклаштирилади, бегона ўтлар йўқотилади. Уруғлик карам ва пиёзлар сугорилади, бегона ўтлар йўқотилади, зааркунандаларга қарши курашилади.

Пиёз қатор оралари юмшатилади. Уруғлик сабзи, лавлаги экинлари иккинчи марта чопиқ қилинади, культивациядан кейин эгат олинади ва сув берилади. Эртаги қилиб апрелда экилган помидор, бақлажон, қалампир кўчатлари, шунингдек, далага сепилган помидор ва ўртаги карам кўчатлари культивация қилинади, чопилади, помидорнинг пушта оралари юмшатилади, биринчи марта органик ҳамда минерал ўғитлар берилади, учинчи, тўртинчи ва бешинчи марта сугорилади.

Баҳорда сепилган пиёз иккинчи марта ўтоқ қилинади ва яганаланади. Эгат олиш вақтида культивация қилиниб, экин қатор оралари қўлда юмшатилади, трипсга қарши курашилади, иккинчи, учинчи, тўртинчи марта сугорилади. Иккинчи экин сифатида кузда сепилган (кечки) сабзи ва лавлагини ҳайдашдан олдин сугорилади. Сийрак чиққан бодринг ва полиз экинларининг ўрни тўлдирилади, кейин майсалар яганаланади ва биринчи марта чопиқ қилинади. Ойнинг охирида, иккинчи марта сийраклаштирилади.

Нўхат ва ловия экинлари культивация қилинади, сугорилади.

Эртаги бодринг иккинчи, учинчи ва тўртинчи марта сугорилади.

Кечки карам ва картошка экиладиган ерларнинг унумдорлигини ошириш ва структурасини яхшилаш мақсадида экилган нўхат кўкат ўғит сифатида ҳайдаб юборилади.

Июнда кўчатзорларда кечки карам кўчатлари етиширилади. Экинлар парвариш қилинади. Парник, теплица ва парник атрофидаги майдонларга экилган бодринг, карам, помидор ҳосили йиғишириб олинади. Далада ўсув даврида бериладиган сув тўхтатилади ва эртаги картошка, шунингдек, карам, сабзи, лавлаги (боғлаб сотиладиган маҳсулот) йиғишириб олинади. Бодрингнинг биринчи ҳосили йиғишириб олингандан кейин экин сугорилади.

Помидор, бақлажон, қалампир ва полиз экинлари сугорилади, культивация ҳамда чопиқ қилинади, озиқлантирилади. Пиёз сугорилади, культивация қилинади за иккинчи марта юмшатилади ўтоқ қилинади ва охирги марта яганаланади. Кечки картошка экиш давом этади (июннинг бошларида овқатга ишлатиш учун, иккинчи ўн кунлигига уруғлик учун).

Ер тайёрланади, ўғитнинг асосий қисми солинади, ойнинг иккинчи ярмидан бошлаб кечки карам экилади.

Май ойида экилган ўртаги картошка қатор оралари биринчи марта юмшатилади.

Июлда парник, теплицалар ва парник атрофидаги участкаларда ўстирилаётган помидор, бақлажон, қалампир, бодринг экинлари сугорилади, ҳосили йиғишириб олинади.

Теплица ромлари кесакилари ва бошқа асбоб-ускуналар текшириб чиқилади, зарур бўлса ремонт қилинади. Тувакча тайёрлаш ва парникларга солиш учун компост тайёрланади.

Куз ва қишида теплицаларда ўстириш учун парникларга помидор уруғлари сепиб қўйилади.

Далада уруғчилик хўжаликларидағи бир йиллик экинлар апробация қилинади. Уруғи олинадиган помидор, бақлажон эртаги полиз экинлари ҳосили йиғишириб олингач қайта ишлашга киришилади.

Эртаги картошкани қазиши давом этади. Эртаги карам, сабзи ва лавлагининг охирги ҳосили олинади. Ўртаги карам ҳосилини йиғиширишга киришилади.

Августда сепилган пиёзнинг етилганлари танлаб олиниади. Янги қазиб олинган картошка дориланиб яна қайта экилади (икки ҳосилли навлари) ва у кетма-кет суғорилади.

Кечки картошка, лавлаги, сабзи, бодринг, карам суғорилади, культивация қилиниади, биринчи марта юмшатилади ва яганаланади, ўтөқ қилиниади ҳамда озиқлантирилади.

Июль ойининг бошларидаги кечки сабзи, бодринг экилади, кечки карам кўчнатини ўтқазиш 10 июлдан кечикмай давом этади. Помидор, қалампир, бақлажон экинлари суғорилади, культивация қилиниади ва ёппасига йиғишириб олишга киришилади. Пиёз суғорилади ва культивация қилиниади, саримсоқ йиғишириб олиниади. Икки йиллик уруғлик сабзавот экинларининг ҳосили йиғишириб олиниади ва янчилади.

Кузда пиёз сепиши учун ер тайёрланади ва ўғитнииг асосий қисми солинади.

Августда парникка экилган помидор, бақлажон, қалампир, экинларнинг ҳосили йиғишириб олиниади ва суғорилади. Парник асбоб-ускуналарини ремонт қилишга киришилади.

Компост тайёрлаш бошланади, қишида теплицаларни иситиш учун ёқилғи ҳозирлаб қўйилади. Теплицалар ремонт қилиниади, улар зааркунанда ва касалликларга қарши профилактик дезинфекция қилиниади.

Зарпечак қолдиқлари манбани топиш ва уни йўқотиши мақсадида парник ҳамда теплица хўжаликлари ёппасига текширилади. Гўнг-чириндили тувакъалар тайёрланади. Парник атрофидаги майдондан бодринг палаклари, ўртаги помидор, карам ҳосили ва бошқа экинлар йиғишириб олиниади. Куз ва қишида ҳосил етишириш мақсадида теплицаларга помидор кўччатлари экилади. Теплицаларга куз ва қишида ўстириладиган бодринг уруғлари сепилиб, ундан кўчат етиширилади.

Далада картошка ва кечки карам иккинчи марта чопик ҳамда культивация қилиниади, эгат олиниади ва суғорилади.

Уруғидан етиширилган ўртаги карам ҳосили узила бошлайди. Помидор териб олиниади ва суғорилади. Кузда сепилган пиёз қазиб олиниади. Баҳорда сепилган пиёзни суғориш тўхтатилади. Уруғлик пиёзни қазишга киришилади. Кечки сабзи ва лавлаги иккинчи марта

юмшатилади, ўтоқ қилинади, иккинчи марта яғаналади, культивация қилинади, ўғитланади ва сугорилади.

Полиз әкинлар асосий ҳосили йиғишириб олингач, етти-саккизинчи марта сугорилади. Эртаги бодринг сүнгиги марта сугорилиб ҳосили узид олинади. Қовун, тарвуз помидор, бақлажон ва ширин қалампир уруғлари тайёрланади. Кечки бодринг иккинчи чопиқдан чиқарилади, ўғитланади, зааркунандаларга қарши курашилади, сугорилади ва биринчи ҳосил узилади. Уруғлик бодринг узилади, уруғи олинади, уруғлари ювиб құритилади. Ер ёзда-кузда пиёз әкиш учун ҳайдалади, бороналанади. Пиёз сепилгандан кейин сугорилади.

Сентябрда парникка ва парник атрофидаги майдонга әкілган помидор, қалампир ҳамда бақлажон ҳосили узилгач охирги сув берилади. Компост аралаштирилади, теплицаны иситиш учун ёқилғи ҳозирланади. Парник ҳамда теплица асбоб-ускуналари ремонт қилинади, кузда-қышда ўстириш учун иссиқхоналарга бодринг күчті әкілади. Гүнг-чиринділи туvakча тайёрланади.

Далада кечки картошка, карам, илдизевали әкинлар сугорилади, қатор оралари культивация қилинади. Помидор, бодринг, қалампир, полиз әкинлари кечки бодринг ҳосили йиғишириб олинади ва сугорилади. Баҳорда сепилган пиёз ҳосили йиғишириб олинади. Августда сепилган пиёз сугорилади. Күкат ўғит сифатида ҳайдаб юбориладиган нұхат әкілади. 15 сентябрдан бошлаб саримсоқ ҳамда жанубда карамнинг «Дербент» навининг уруғи сепилади.

Октябрда парник ва теплицалар атрофидаги майдонга әкілган помидор, қалампир ва бошқа әкин поялари йиғишириб олинади. Компост яхшилаб аралаштирилади. Парник ва теплицалар ремонт қилинади. Мат түқиши учун қамиш тайёрланади. Парник ва теплицалар учун чиринділи тупроқ тайёрланади ва ташиб келтирилади. Парник атрофидаги майдон шудгорланади. Чиринділи тупроқдан туvakчалар тайёрланади.

Далада кечки картошка, ойнинг охиріда эса илдизевали әкинлар қазиб олинади. Картошка хиллангач, ундан уруғлдар ажратыб олинади. Картошка ва сабзи сақланадиган чуқурлар ковланади. Картошка ва сабзи мана шу чуқурларга солиб күмиб қўйилади. Экинлардан бўшаган ерлар гўнг ва суперфосфат қолингач шудгор-

ланади. Ер эрта баҳорда әкиладиган әкинлар учун тай-
ёрлаб қўйилади.

Ноябрда парник ва теплицалардаги асбоб-ускуналар
шунингдек теплицаларни ремонт қилиш давом эттири-
лади.

Теплицалар бодринг ҳамда помидор уруғларини се-
пишга тайёрланади, уруғ әкиладиган яшиклар ясалади,
сўкчакларга тупроқ тўлдирилади (Теплицаларда куз-
қишида ўстириладиган бодринг ва помидор парвариш қи-
линади, суфорилади, шамоллатилади ва бошқалар). Пар-
ник ҳамда теплицалар учун гўнг ва чириндили тупроқ
тайёрланади. Мат тўқилади, гўнг-чириндили тувакчалар
ясалади.

Далада овқатга ишлатиладиган ва уруғлик сабзи
ҳамда карам ҳосилини йиғишириб олиш давом этти-
рилади. Сабзи ва карам хилланади сақланадиган жойга
ташилади. Картотшка ва кечки карам қолдиқлари йиғиш-
тириб олинади.

Шудгорлаш олдидан ерга гўнг ва суперфосфат соли-
нади, шудгорланади. Ер кузда яхшилаб шудгорланади.

МУНДАРИЖА

Сабзавот экинларининг қисқача ботаник таърифи	4
Алмашлаб экишда экинларни жойлаштириш	8
Сабзавотларнинг экиш муддатлари	11
Сабзавот экинларини зичлаштириб экиш	23
Сабзавот экинларини кузда экиш	24
Сабзавот-полиз экинларининг нав хусусиятига қараб тарифи	27
Уруғлик картошкани экишга тайёрлаш усуллари	58
Сабзавот-полиз экинлари ва картошкани минерал ўғитлар билан ўғитлаш	60
Минерал ўғитларнинг ўзига хос хусусиятлари	63
Маҳаллий ўғитлар	68
Сабзавот-полиз экинлари ва картошка парвариши ҳамда ҳосилни йигиб олишда ишлатиладиган машина ва қурол- лар	77
Сабзавот экинларини машинада экиш	81
Сабзавот-полиз экинлари ва картошкага ишлов беришни механизациялаштириш	84
Сабзавот экинлари ва картошкани йигиб-териб олиш	85
Парник ва теплицаларда сабзавотчилик	90
Кўчат етиштириш	93
Теплица ва парникларда эртаги сабзавот етиштириш	99
Синтетик плёнкалардан фойдаланиш	103
Сабзавот-полиз экинлари уруғчилиги	106
Сабзавот-полиз экинлари уруғининг нав сифати ва экишга яроқлилиги	108
Бир йиллик экинлар уруғчилиигига қўйиладиган асосий аг- ротехник талаблар	114
Сабзавот-полиз экинлари ва картошка касалликлари	119
Далада ўстириладиган карам касалликлари	122
Помидорнинг вирус касалликлари	124
Пиёз ва саримсоқ касалликлари	126
Картошка касалликлари	135
Сабзавотларни сақлаш вақтида учрайдиган касалликлар	136
Гулсимон паразитлар	137
Сабзавот-полиз экинлари ва картошка зааркунандалари	138
Сабзавот экинлари зааркунандалари	142
Чет давлатлардан келтириладиган химикатлар	150

Бегона ўтларга қарши химиявий кураш чоралари	152
Күп йиллик бегона ўтларга қарши химиявий кураш	156
Сабзавот, полиз экинлари ва картошка маҳсулотини сақлаш хамда қайта ишлаш	157
Картошканы сақлаш усууллари	158
Сабзавотларни сақлаш	159
Сабзавот-полиз экинлари маҳсулотларини қайта ишлаш	165
Сабзавот ва картошка етиштиришни түғри ташкил қилиш	171
Совхоз ишчиларининг меҳнатига ҳақ тұлаш	179
Экинлар парвариши, ҳосилни йигиб-териб олиш ва ем-хашак тайёрлаш учун тұланадиган құшимча ҳақ	183
Маҳсулотларни тайёрлаш ва тарқатиш тартиби	187
Сабзавотчиликда ишлар календари	192

На узбекском языке
СПРАВОЧНИК ПО ОВОЩЕВОДСТВУ

Издательство «Узбекистан» 1973— Ташкент

Отпечатано в типографии им. Морозова, г. Самарканд, ул. Типографская, 4.

Редактор З. Содиқхўжаева
Рассом М. Гумаров
Бадний редактор Н. Н. Пирогов
Техредактор С. Собирова
Корректорлар С. Мирзакориев, Ш. Махсудова.

Теришга берилиди 7/II-1972 й. Босишга рухсат этилди 27/XII-1972 й. Қоғоз формати 84×108^{1/32}. № 2 Бос. л. 6,375. Шартли бос. л. 10,71. Нашр. л. 9,78. Тиражи 10 000. «Ўзбекистон» нашриети, Тошкент, Навоий кӯчаси, 30. Шартнома № 273—71.

ЎзССР Министрлар Совети нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари бўйича Давлат комитетининг Тошкент полиграфкомбинатида тайёрланган матрица-дан Самарқанд Морозов [номидаги босмахонасида босилди. Типографский кӯчаси, 4, Заказ № Баҳоси 47 т.

С 13 Сабзавотчиликка оид справочник. Т.,
«Ўзбекистон», 1972.
204 б. расмли.

Справочник по овощеводству.

635(03)

№ 551—72
Навоий номли ЎзССР Давлат
кутубхонаси.

04—4—4 001
С—М 351(06)73 128—72